Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi
O’zbekiston davlat jahon tillari universiteti
Xalqaro jurnalistika fakulteti

MEDIALINGVISTIKA, LINGVODIDAKTIKA VA MADANIYATLARARO KOMMUNIKATSIYA: NAZARIYA VA AMALIYOT

RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY KONFERENSIYASI MATERIALLARI

24/11/2023

UO'K: 004.81:316(8)

Medialingvistika, lingvodidaktika va madaniyatlararo kommunikatsiya: nazariya va amaliyot. Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari (24-noyabr, 2023-yil). – Toshkent: O'zDJTU, 2023. – 352 b.

Mualliflar maqola mazmuni uchun mas’ul

Mas'ul muharrirlar:

f.f.d., dots. Amrullo KARIMOV

f.f.d., prof. Dilfuza TEShABAYEVA

f.f.n., prof. Mukaddas ISRAIL

Tahrir hay'ati:

Eldorjon ShERMATOV

Gulnoz TOLIBOVA

Shahnoza PARPIYEVA

Mazkur ilmiy to'plam O'zDJTU xalqaro jurnalistika fakulteti Kengashining 2023-yil 8-noyabrdagi 3-sonli majlis qarori bilan nashrga tavsiya etilgan.

HURMATLI VA QADRLI HAMKASBLAR!

Madaniyatlararo kommunikatsiya jarayonida axborot asosiy xomashyo, tovar, muloqot va munosabatlarni ta’minlab beruvchi omildir. Shuning uchun madaniyatlararo kommunikatsiya ommaviy kommunikatsiyaning bir ko’rinishi sifatida jurnalistikada o’rganiladi. Madaniyatlararo kommunikatsiyani madaniy diffuziya, madaniy-texnologik almashinuv, madaniyatlararo kompetentsiya kabi tushunchalar yordamida yanada chuqurroq tadqiq etish kun tartibidagi dolzarb masalalardan biridir.

Hozirgi kunda kommunikatsiya texnologiyalarining tezkor taraqqiyoti natijasida amalga oshayotgan mediamakon transformatsiyasi olim va amaliyotchilarning mediasoha, ommaviy kommunikatsiyalarni hamda axboriy makonni zamonaviy madaniyat kontekstida tadqiq etishga murojaatini dolzarblashtirmoqda. O’zR Prezidenti Sh. M. Mirziyoev “...xalq bilan muloqot, odamlarning orzu-intilishlari, dardu tashvishlari bilan yashash davlat siyosati darajasiga ko’tarilmoqda. Bugungi kunda har bir OAV chinakam muloqot maydonchasiga, erkin fikr minbariga aylangan taqdirdagina, biz o’z oldimizga qo’ygan maqsadlarga erisha olamiz”,- deya ta’kidlagan. Shu ma’noda, O’zR Prezidenti Sh. M. Mirziyoevning 2022-yilning 27-iyunidagi “OAVni qo’llab-quvvatlash va jurnalistika sohasini rivojlantirish chora-tadbirlari to’g’risida”gi Qarori ijrosini ta’minlash hozirgi kun dolzarb masalalaridan biridir.

Axborot globallashuvi, barcha tizimlarning mobillashuvi madaniyat sohasiga ham bugun o’z ta’sirini o’tkazmay qolmayapti. Bu boradagi ziddiyatlar madaniyat sohasida ko’proq namoyon bo’lmoqda. Madaniy inqilob turli madaniyat xususiyatlarini o’zida jamlagan “super etnos”ning shakllanishiga xizmat qilayotir. Bir qarashda bunga muayyan asos bordek tuyuladi. Global axborot tizimining shakllanishi, ommaviy tus olgan axborot

migratsiyasi kabi xodisalar ma’lum ma’noda “global inson”ni shakllantirmoqda. Masalan, o’zga yurtda tug’ilgan, boshqa millatga mansub inson AQSh yoki Germaniyada o’qigan, Yaponiya yoki Xitoyda ishlayotgan, har xil o’zi tushgan muhitga, u yerdagi xalqning urf-odatlariga moslashuvi me’yoriy holatga aylanmoqda. Begona xalq yashash tarzini qabul qilishga majbur bo’lgan madaniyatlar chorrahasida qoladi. Globallashuvning madaniy ta’siri jiddiy ekanligi ko’rinmoqda.

Bugun insoniyat uning ma’naviyati, badiiy-estetik didi, ijtimoiy va intellektual qadriyatlari va qiziqishlariga ta’sir etuvchi katta miqdordagi axboriy oqimga duch kelmoqda. Mediadagi axborot har bir millat, madaniyatning o’ziga xos tafakkuri va taraqqiyotini, dunyoni idrok etish shaklini namoyon etadi. Bir paytning o’zida media madaniyat tashuvchi vosita sifatida atrof-olamni noadekvat qabul qilish, kommunikativ xatoliklar va madaniyatlararo tushunmovchiliklarga yo’l qo’yish, kelgusida o’zaro nizolarga olib kelishi mumkin bo’lgan noturg’un vaziyatlarni yuzaga keltirishi mumkin.

“Medialingvistika, lingvodidaktika va madaniyatlararo kommunikatsiya: nazariya va amaliyot” mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy anjumunida ma’ruzachi, mehmon va maqola muallifi sifatida faol ishtirok etganingiz uchun samimiy minnatdorligimizni izxor etamiz va barchangizga yurtimiz ilm-fani taraqqiyoti yo’lida ulkan yutuqlarga erishishingizni tilaymiz! Hamkorligimiz bardavom bo’lishiga umidvormiz!

Hurmat bilan,

Dilfuza Muminovna TEShABAYEVA
O’zbekiston davlat jahon tillari universiteti
xalqaro jurnalistika fakulteti
Madaniyatlararo kommunikatsiyaning
lingvistik ta’minoti kafedrasi mudiri,
filologiya fanlari doktori, professor

M U N D A R I J A

I ShO'BA. MEDIALINGVISTIKA VA MADANIYATLARARO KOMMUNIKATSIYA TA'LIMIDA LINGVISTIK VA LINGVOMADANIY ASPEKTLAR

1. ***АМРУЛЛО КАРИМОВ*** **10**
ТЕЛЕКЎРСАТУВЛАРГА ОНА ТИЛИДАГИ НОМЛАР КЕРАК
2. ***ДИЛФУЗА ТЕШАБАЕВА*** **13**
ЗАМОНАВИЙ МЕДИАМАКОНДА МАДАНИЯТЛАРАРО КОММУНИКАЦИЯ: ДИСКУРСИВ ТАҲЛИЛ
3. ***Mahliyo MIRSOATOVA*** **22**
KINO VA TELEVIDENIYE MUNOSABATLARI
4. ***Елена МИРЗАЕВА*** **28**
ПРОФЕССИОНАЛЬНОЕ САМОСОЗНАНИЕ ЖУРНАЛИСТА КАК ОСНОВА ФОРМИРОВАНИЯ ЕГО ИМИДЖА
5. ***Yulduz ARTIKOVA*** **33**
TELEJURNALISTIKADA TA'SIRChANLIKNI OShIRIShDA NEYROLINGVISTIK DASTURLASh
6. ***Кумар ПЕРДЕБАЕВА*** **39**
АУДИТОРИЯҒА КЕРЕКЛИ МАҒЛЫЎМАТТЫ ЖЕТКЕРИП БЕРИЎДЕ ДИЗАЙННИҢ РОЛИ
7. ***Mukaddas ISRAIL*** **42**
SOTSIOLINGVISTIK OMILLARNING TILNING TARAQQIYOTIGA TA'SIRI
8. ***Дилшод БОБОЖОНОВ*** **45**
САРЛАВҲАДА МЕДИА ТИЛИ ЭКСПРЕССИВЛИГИ
9. ***Kunduz KHAZRATOVA*** **51**
MEDIALINGUISTICS AND INTERCULTURAL COMMUNICATION
10. ***Aliya TOLEUBAYEVA*** **56**
A THEORETICAL ANALYSIS OF EXPRESSIVENESS AND EVALUATION IN THE LANGUAGE OF MEDIA TEXTS
11. ***Mahfuza ARTIKOVA*** **60**
LOS ANGLICISMOS EN LA PRENSA ESPACOLA
12. ***Shahodat USMANOVA, Dilnoza ORTIQOVA*** **64**
A COMPARATIVE ANALYSIS OF LINGUISTIC ASPECTS IN ENGLISH AND UZBEK NEWSPAPER TEXTS
13. ***Aliya TOLEUBAYEVA*** **68**
LINGUISTIC STATUS OF MEDIA LANGUAGE: EXPRESSIVENESS AND EVALUATION
14. ***Fotima MAXMUDOVA*** **72**
COGNITION OF MEDIATEXT IN SOCIAL MEDIA
15. ***Hamida JABBOROVA*** **76**
RADIOALOQANING DISKURSIV MAYDONI
16. ***Saodat SAIDNAZAROVA*** **80**
PUBLISISTIK USLUB (GAZETA TILI)NING LINGVISTIK

XUSUSIYATLARI
17. ***Malik XODJAYOROV*** **87**
FUNKSIONAL VA PRAGMATIK ASPEKTDA MEDIAMATN
18. ***Малика АХМЕДОВА*** **91**
К ВОПРОСУ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ
ИНТЕРТЕКСТУАЛЬНОСТИ В МЕДИАДИСКУРСЕ
19. ***Махфуза АРТИКОВА*** **96**
ИСПАН БОСМА МЕДИАМАКОНИДА
ЖАНР ХУСУСИЯТЛАРИ: НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР
20. ***Кумар ПЕРДЕБАЕВА*** **100**
ФОТОГРАФИК ЖАНРЛАРДА ФОТОГРАФИК РАСМЛАР
21. ***Sevara MAHMUDOVA*** **102**
JURNALISTIKA TA'LIMIDA TAHRIR NAZARIYASI VA
AMALIYOTI FANINING O'RNI
22. ***Dilnoza JUMAYEVA*** **106**
RADIOMULOQOTDA RADIO TILINING AHAMIYATI

II ShO'BA. LINGVISTIK VA LINGVODIDAKTIK TADQIQOTLARNING ZAMONAVIY YO'NALIShLARI: DOLZARB MASALALAR VA ISTIQBOLLAR

23. ***Тамара МАШАРИПОВА*** **113**
ТЕКСТ ЛИНГВИСТИКАСЫ ҲӘМ ПУБЛИЦИСТИКАЛЫҚ ТЕКСТ
24. ***Севара ЗИЯЕВА*** **120**
ОСОБЕННОСТИ РЕЧЕВОГО ПОВЕДЕНИЯ КОММУНИКАНТОВ
В МЕЖКУЛЬТУРНОЙ КОММУНИКАЦИИ
25. ***Елена МИРЗАЕВА*** **126**
ЭМОЦИОНАЛЬНАЯ ИЛИ РАЦИОНАЛЬНАЯ ПОДАЧА
ИНФОРМАЦИИ. ТЕНДЕНЦИИ СОВРЕМЕННОСТИ
26. ***Gulnoza DJURAKULOVA*** **131**
PRINCIPLE OF RELIABILITY OF SPEECH
27. ***Saodat ShAMAQSUDOVA*** **136**
MEDIADA MAVZUNI TANLASh, FAKTLARNI TO'PLASh,
YOZISh, TAHRIR VA YETKAZISh SAN'ATIGA TALABLAR
28. ***Shahnoza PARPIEVA*** **143**
HISTORICAL STAGES OF CREATING CORPORA
29. ***Sardorbek DIYOROV*** **146**
DAVLAT SIYOSATINI TAKOMILLAShTIRIShDA OLIY
TA'LIMNING ROLI
30. ***Mukaddas ISRAIL*** **151**
SOCIOLINGUISTICS AS THE SCIENCE OF LANGUAGE IN ITS
SOCIAL CONTEXT
31. ***Mohidil DADAMIRZAYEVA (EGAMBERDIYEVA)*** **154**
ANTROPOTSENTRIZM TILShUNOSLIKNING PARADIGMASI

SIFATIDA
32. ***Oltinoy DAVLATOVA*** **158**
THE TRADITIONAL CLASSIFICATION OF SUBTITLES
33. ***Shahnoza PARPIEVA*** **163**
GENERATIONS OF CORPORA: GENERAL OVERVIEW
34. ***Zamira USMONOVA*** **171**
XORIJLIKLARGA O‘ZBEK TILINI LINGVOKULTUROLOGIK YONDAShUV ASOSIDA O‘QITIShDA DIDAKTIK MATERIALLARNI TANLASh TAMOYILLARI
35. ***Дарья ОСМАНОВА*** **174**
МЕДИАПРОЕКТЫ СТОРИТЕЛЛИНГА: ЯЗЫКОВЫЕ ОСОБЕННОСТИ И ВЛИЯНИЕ НА АУДИТОРИЮ
36. ***Gulbahor ABDUKHALILOVA*** **181**
NEOLOGISMS OF THE TOURISM INDUSTRY (IN ENGLISH TEXTS)
37. ***Gulbahor ABDUKHALILOVA*** **186**
FUNCTIONING OF THE TOURIST VOCABULARY
38. ***Nargiza SATTAROVA*** **189**
GODONIMLARNI YASAShDA KONVERSIYA VA TRANPOZITSIYA USULIDAN FOYDALANISh
39. ***Nargiza SATTAROVA*** **196**
GODONIMLARNING ShAKLLANIShIGA ASOS BO‘LGAN EKSTRALINGVISTIK OMILLAR

III ShO'BA. OLIY MAKTABDA XORIJIY TILLAR TA'LIMI JARAYONINING MAZMUNIGA VA TAShKIL ETILIShIGA ZAMONAVIY YONDAShUVLAR

40. ***Shakhrizoda KHOLBOYEVA, Madina TOSHBOLTAYEVA*** **202**
THE METHODS OF LEARNING VOCABULARY FOR ADULTS
41. ***Kunduz KHAZRATOVA*** **207**
USING AUTHENTIC MATERIAL TO IMPROVE THE STUDENTS’ LISTENING SKILL
42. ***Eldorjon SHERMATOV*** **212**
REVOLUTIONIZING JOURNALISM EDUCATION: DESIGNING AND IMPLEMENTING AN ELECTRONIC PLATFORM FOR ENGLISH LANGUAGE TEACHING
43. ***Гулноз ТОЛИБОВА*** **214**
ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ИНТЕНСИВ ЎҚИТИШДА КОММУНИКАТИВ ЁНДАШУВ
44. ***Гулноз ТОЛИБОВА*** **218**
ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ИНТЕНСИВ ЎҚИТИШ МАСАЛАСИ
45. ***Yusup KUSHAKOV*** **223**
THE ADVANTAGES AND DISADVANTAGES OF MULTIMEDIA

IN TEACHING FOREING LANGUAGES AT UNIVERSITIES

46. ***Fotima BOYSARIYEVA*** **227**
LINGUACULTURAL APPROACH IN TEACHING FOREIGN LANGUAGES AS A SECOND-FOREIGN LANGUAGE

47. ***Mastura XO`JANOVA*** **238**
THEORETICAL BASIS OF YOUTH SLANG IN THE PUBLICIST DISCOURSE OF THE ENGLISH LANGUAGE

48. ***А. Т. Рсалиев*** **242**
БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН ИНГЛИЗ ТИЛИ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА КОММУНИКАТИВ ЁНДАШУВ ТАМОЙИЛИ

49. ***Temur SULTONOV*** **245**
IMPORTANCE OF RHETORICAL AND CULTURAL CODES

50. ***Navruza UKTAMOVA*** **249**
IMPROVING SOCIOLINGUISTIC COMPETENCE IN TEACHING ENGLISH TO FUTURE JOURNALISTS (AS AN EXAMPLE OF POLITICAL AND SOCIAL TEXTS)

51. ***Lola DELEVERKHANOVA*** **252**
THEMATIC CLASSIFICATION OF FOREIGN LANGUAGE INCLUSIONS IN PRINTED AND ELECTRONIC MEDIA IN THE LANGUAGE OF TOURISM INDUSTRY AS A RESULT OF CROSSCULTURAL COMMUNICATIONS

52. ***Zukhra KHAZRATOVA*** **256**
TEACHING TERMINOLOGY USING THE COMMUNICATIVE TEACHING METHOD

53. ***Zukhra KHAZRATOVA*** **259**
TEACHING MEDIA TERMINOLOGY: ENHANCING
MEDIA LITERACY SKILLS AND CRITICAL THINKING

54. ***Юсуп КУШАКОВ*** **263**
ПРОБЛЕМЫ МЕЖКУЛЬТУРНОЙ КОММУНИКАЦИИ В ОБУЧЕНИИ ИНОСТРАННЫМ ЯЗЫКАМ В ТЕХНИЧЕСКИХ ВУЗАХ

55. ***Гулдора МУСТАЕВА, Юсуп КУШАКОВ*** **268**
УЧЁТ ОСОБЕННОСТИ МЕЖКУЛЬТУРНОЙ КОММУНИКАЦИИ
В ОБРАЗОВАТЕЛЬНОМ ПРОЦЕССЕ СО СТУДЕНТАМИ
ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЙ

56. ***Umida MADAMINOVA*** **272**
MODERN APPROACHES TO TEACHING FOREIGN LANGUAGES AT THE UNIVERSITY

57. ***Umida MADAMINOVA*** **279**
CHALLENGES IN TEACHING TRANSLATION

IV ShO‘BA. TARJIMA ILM VA O‘QUV FANI SIFATIDA

58. ***Барно БЎРОНОВА*** **285**
БАДИИЙ ТАРЖИМАГА ИЖОДИЙ ЁНДАШУВ ВА МОДУЛЯЦИЯ УСУЛИ

59. ***Shahodat USMANOVA, Parvina FAYZIYEVA*** **291**
THE IMPORTANCE OF DISCOURSE ANALYSIS IN INTERPRETING POLITICAL MEDIA TEXTS

60. ***Jamshid TURAEV*** **295**
PARTICIPATION OF PARENTS AND SOCIETY AS AN IMPORTANT PART OF THE DEVELOPMENT OF PRESCHOOL EDUCATION

61. ***Temur SULTUNOV*** **299**
HISTORY OF THE ORIGIN OF RHETORIC AND CULTURAL CODES

62. ***Эльвина АДЖЕМИНОВА, Диёрбек ТУРҒУНОВ*** **304**
ТАРЖИМАЛАРДА ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАР МАСАЛАСИ

V ShO'BA. XORIJIY TIL TA'LIMIDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALAR

63. ***Вита ОРЕХИН-РЫЖИНА*** **308**
ОБ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЯХ В ОБУЧЕНИИ ИНОСТРАННОМУ ЯЗЫКУ

64. ***Дилфузахон САИДҚОДИРОВА*** **312**
КОМПЬЮТЕР ВА ИНТЕРНЕТ ТЕРМИНЛАРИДА СЕМАНТИК ТРАНСФОРМАЦИЯ ИККИЛАМЧИ НОМИНАЦИЯ МАХСУЛИ СИФАТИДА

65. ***Yusup KUSHAKOV*** **316**
PROBLEMS OF MODERN APPROACHES IN TEACHING FOREIGN LANGUAGES AT UNIVERSITIES

66. ***Дилфузахон САИДҚОДИРОВА*** **321**
ТЕРМИНОЛОГИК НОМИНАЦИЯ ҲОДИСАСИ

67. ***Anora SUBHONOVA*** **328**
INNOVATIVE TECHNOLOGIES AND PLATFORMS OF TEACHING ENGLISH TO YOUNG LEARNERS

68. ***Беҳзод ҚУРБОНОВ, Сардорбек ДИЁРОВ*** **332**
ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЖОЗИБАДОРЛИКНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР

69. ***Гулсанам ХАСАНОВА*** **338**
МАГИСТРАТУРА ТАЛАБАЛАРИ ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ПЕДАГОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

70. ***Gulsanam KHASANOVA*** **344**
DEVELOPMENT OF ORGANIZATIONAL-MANAGEMENT COMPETENCIES OF MASTER'S STUDENTS AS AN URGENT PEDAGOGICAL PROBLEM

I ShO‘BA. MEDIALINGVISTIKA VA MADANIYATLARARO KOMMUNIKATSIYA TA’LIMIDA LINGVISTIK VA LINGVOMADANIY ASPEKTLAR

ТЕЛЕКЎРСАТУВЛАРГА ОНА ТИЛИДАГИ НОМЛАР КЕРАК

Амрулло КАРИМОВ
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети декани,
филология фанлари доктори, доцент

Таниқли журналист Рустам Жабборовнинг мақоласи шундай сўзлар билан бошланади: “Одатда байрам арафасида ўзбек тилини улуғловчи шиорлар, унинг улуғлиги, кенг қамровлиги ҳақида факт ва рақамлар излаб қоламиз. “Ўзбек тили минг-минг йиллик тарихга эга”, “ўзбек тилида 50 миллион одам гаплашади”, “ўзбек тили дунёдаги юзта давлат тилидан бири”, “ўзбек тилида дунёда энг кенг тарқалган 40 та тилдан бири”... Бу тилда ижод қилган буюк аждодларимиз номини санашдан чарчамаймиз. Ҳар йили 21 октябрь арафасида ҳаммамиз “тилшунос”га айланамиз, тадбирлар ўтказамиз, мақолалар ёзамиз. Аслида ўзбек тилининг аҳволи қай даражада? Унинг келажаги порлоқми? Унинг тараққиётига нималар раҳна солмоқда? Турли соҳаларда, жабҳаларда ўзбек тилининг ўрни ва мавқеи қай даражада? Қайси тизимда қандай муаммолар бор? Келинг, баландпарвоз гаплардан кўра, шу саволларга жавоб излаб кўрайлик”.[1] Муаллиф иш юритишда, илм-фанда, халқаро миқёсда, жой номларида, кундалик турмушда ва оммавий ахборот воситаларида она тилидан фойдаланиш масалаларини таҳлил қилган. Жуда кенг аудиторияга эга бўлган тиктокер, вайнер, блогерлар ўз тилида, ўз лаҳжасида, ўзининг жаргонида истаган нарсасини бидирлаб ётгани, теле ва радиобошловчилар истаган сўзни исталган маъно ва мақсадда ишлатаётгани,

[1] Жабборов Р. Ўзбек тили хавф остида(ми)!, https://darakchi.uz/uz/174793, 01.12.2023.

кўрсатувлар, дастурлар, турли интернет ресурслари, сайтлар номидан давлат тили қай аҳволда эканини билиш мумкинлигига урғу беради.

Телеканаллардаги дастурлар номлари таҳлил қилинар экан, гарчи номи миллий бўлса-да, “Milliy” телеканалида 10 (“Гараж”, “Mtv Show Kids”, “Mtv Show”, “M – news”, “TV – sale”, “Made in India”, “Voydod Karaoke”, “Hello Africa”, “Shakkar time”, “M-zone”) номда, “Zo`r TV” да 13 (“Pavilon”, “Real xit”, “Puls 11 41”, “Magnit”, “Bumerang”, “Online 3602, “Animal 360”, “Aristokratlar”, “Bojalar drive”, “Travel time”, “Скетч-шоу (Scetch Show)”, “Stend up o`zbekcha”, “The cover up”, “Божалар- community”, “Адреналин шоу”) номда, “Yoshlar” телеканалида 8 (“Sms-chat”, “Start-up-club”, “Uzex”, “General english”, “Kameradar”, “Yoshlar klip paradi”, “My business”, “Blogpost”) номда хорижий тиллардан олинган сўзлардан кўрсатувларни номлашда фойдаланилган. Бундай амалиёт вирусли касаликка ўхшайди. “MY5” (“Reyd kamera”, “My shop”), “Navo” (“Янгича cover”) телеканалида шунга ўхшаш баъзи лойиҳалар учради. “Sevimli” телеканалида ажнабий номлар учрамаганини ижобий баҳолаш зарур.

“Zo`r TV” телеканалида истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадидаги “The cover up” лойиҳаси эфирга узатилди. “The cover up”нинг соф таржимасини глобал тармоқдаги луғатлардан излаб кўрдик. Аммо топилмади. Давлатга қарашли бўлган “Ёшлар” телерадиоканали таркибидаги “Наво” телеканалида ҳам шунга ўхшаш “Янгича cover” лойиҳаси пайдо бўлди. Миллат лексиконида бўлмаган янги сўз нодавлат телеканалда пайдо бўлиб, давлат телеканалларида ҳам тан олинди. Давлат тили ва унинг мавқеи ҳақида гап кетаётган ҳозирги пайтда кўрсатувларга бундай номлар қўйиш бизни қўйилган мақсаддан чалғитади.

Юқорида номи тилга олинган “Yoshlar” телерадиоканали ҳақида гап борганда, унинг фаолияти бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб йўлга қўйилган. Телеканалда эфирга узатиладиган дастурларнинг асосий қисмини информацион дастурлар; мусиқий кўрсатув ва шоулар; интеллектуал ўйинлар; ҳажвий кўрсатувлар; бадиий фильм ва телесериаллар;

ток-шоулар ташкил этади. Каналнинг бир кунлик дастурини кузатар эканмиз, кўрсатувларнинг аксарияти кинокўрсатувлардан иборат бўлиб қолган. “Ош бўлсин!”, “13 студия”, “Дугоналар”, “Қизлар мактаби”, “Фан ва ёшлар”, “Соғлом ҳаёт”, “Давр мавзуси” сингари телекўрсатувлар эфирга узатилса-да, улар том маънода оммавий эмас. Уларни ёшлар истаган, ёшлар севиб кутадиган дастурлар қаторига қўшиб бўлмайди.

Президентнинг 2017 йил 30 июндаги Қурултойдаги нутқида “Ёшлар” телерадиоканали ҳам ўз имкониятларидан самарали фойдалана олмаётганига, ёшлар аудиториясига ихтисослашган медиалар фаолиятини қайта кўриб чиқиши, тубдан ўзгартириши, қуруқ ҳамда расмий гаплардан қочиш, танқидий таҳлилга эътибор қаратиш, креатив ёндашувларни ишга солиб, бугунги ўзгаришларни аслича, бутун кўлами, мазмуни, ҳамда мураккаблиги билан ёритишда журналистлар фаоллик кўрсатиши кераклигига эътибор қаратган эди. Канални оммалаштириш, томошабинни кўпайтириш, янги креатив кўрсатувлар тайёрлаш ажнабий сўзлар иштирокида дастурларга ном бериш ҳеч қачон ўзини оқламайди. Ўзбекча номлар билан ҳам яхши натижа, юқори рейтингга эга бўлиш мумкин. Масалан, “Ширчой” (“Milliy”), “Зирапча”(“Sevimli”) ва ҳоказо.

Миллий телеканаллар масъулларининг ўзбек тилига бўлган бундай муносабатини ҳеч нима билан оқлаб бўлмайди. Хориждан кириб келган, аудитория онгига сингдирилаётган, мулоқотда ҳам кенг қўлланилиши бошланган ажнабий сўзлардан имкон қадар воз кечиш лозим. Агар ўз вақтида чора кўрилмаса, тил бузилади, дид бузилади, дунёқараш ўзгаради, Ғарбга ҳавас уйғонади, ғарбликларга тақлид кучаяди, “оммавий маданият”га йўл очилади. Биз ҳеч иккиланмай буларга ўзимиз йўл очиб беряпмиз. Эътибор берилса, хорижий сўзлардан кўрсатувга ном бериш анъана тусини олди. Ижодкорларда омма эшитмаган янги сўзлар билан тижорий муваффақиятга эришиш бош мақсад қилиб олинган.

Кўрсатувларнинг аксарияти рекреатив лойиҳалар бўлиб, улар аудиториянинг яхши кўриб томоша қиладиган дастурлари қаторида турар

экан, интерактив мулоқотлар, ўзаро баҳс ҳамда тортишувлар, фикр-мулоҳазалар билдириш жараёнида ҳар бир шахснинг индивидуал мулоқот маданиятида ўзгаришлар кириб боради. Шу тариқа: “Радио ва телевидение тили бутун мамлакат фуқаролари тилининг ривожланишига таъсир кўрсатади. Радио эфирда ёки телевидениеда янграган янги сўзлар ва иборалар тез кунда ҳаммага тарқалиб, модага айланиб кетади. Бу эса, телерадио журналистлар тилига алоҳида масъулият юклайди. Улар тил маданиятини асраши, жонли, ширали, адабий тилда гапириши зарур”.[2] Бироқ, ҳамма бошловчилар ҳам ана шу қоидаларга амал қилиб, ўз устида жиддий ишлайди деб хулоса чиқариб бўлмайди. Буни телеканалларда турли номларда эфирга чиқаётган ўнлаб рекреатив кўрсатувлар мисолида кўриш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, она тилимизда ишлатиладиган сўзлар билан кўрсатув рейтингини ушлаб туриш мумкин. Бунга “Зирапча”, “Ширчой”, “Нишонда”, “Ҳудуд”, “Меҳр кўзда”, “Оталар сўзи – ақлнинг кўзи”, “Мени кечир”, “Марказий студия”, “Хайрли кун” сингари лойиҳалар номлари бемалол мисол бўла олади.

ЗАМОНАВИЙ МЕДИАМАКОНДА МАДАНИЯТЛАРАРО КОММУНИКАЦИЯ: ДИСКУРСИВ ТАҲЛИЛ

Дилфуза ТЕШАБАЕВА
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети
Маданиятлараро коммуникациянинг
лингвистик таъминоти кафедраси мудири,
филология фанлари доктори, профессор

Медиаматнларнинг тадқиқи жараёнида янгича ёндашувлар фақат дунё тилшунослиги тараққиётининг умумий йўналишлари билангина боғлиқ эмас. Оммавий коммуникациянинг ўзгарувчан вазифалари, жамиятда рўй бераётган ўтиш даври жараёнлари ҳам бунга бевосита таъсир кўрсатади. Бу эса, жамиятда маданият, сиёсат ва мафкурада рўй бераётган жараёнларни

[2] Фихтелиус Э. Журналистиканинг 10 қоидаси. – Т.: Шарқ, 2002. – 121-б.

инобатга олган ҳолда, оммавий коммуникация матнини англаш заруратини келтириб чиқаради.

Шуни алоҳида қайд этиш керак-ки, оммавий коммуникацияда адресант билан адресат ўртасидаги тафовутнинг йўқолиши, адресатнинг мулоқотдаги фаол ўрни – замонавий ОАВ тизимида муҳим ўрин тутади. Ахборот оқимида жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий муносабатларини ҳамда миллий тилнинг ролини алоҳида эътиборга олиш зарурдир. Зеро, маданиятлараро коммуникацияда ахборотни саралаш, қайта яратиш ва узатиш воситаси сифатида қаралиши ва бунда медиа тилининг шаклланишида, айниқса, вербал ахборотни трансформация қилишда ўзга тил хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ахборотни менталлик ҳамда қадриятлар тизими замирида ўзига хослиги, тил ва маданият алоқаси, улардаги тафовутларни ҳисобга олиши зарурий ҳисобланади.

Маълумки, тил ва маданият масалалари тадқиқи тиллараро ва маданиятлараро мулоқотнинг асосий қисмини ташкил этади. Мазкур мулоқот натижасида эса, иккита лингвомаданий жамоанинг миллий ва маданий ўзига хослиги ҳақида тасаввурга эга бўлиш, хулосалар чиқариш имконияти вужудга келади. Н. Маҳмудовнинг фикрича, “... тил миллат деган бирликнинг тамал тоши, у бой берилса, миллат ҳам бой берилади. ... миллатнинг борлиги ва бирлигининг бош белгиси тилдир” [3]. А. Рустамов ҳам тил софлиги миллат мустақиллигининг муҳим шарти эканлигини эътироф этади[4].

Медиамаданият маҳсулотини яратишда коммуникатив оқимнинг замонавий шароитларида визуал ахборотни етказиш учун универсал усулга айланишига сабаб бўлмоқда, ваҳоланки, вербал коммуникация оламнинг реалияларига мос бўлган лексик бирликларга асосланади.

Маданиятлараро коммуникация деганда, турли маданиятларга мансуб одамларнинг ўзаро мулоқотга киришиш жараёни тушунилади ва

[3] Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқ маданияти. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2007. – 3-б.
[4] Рустамов А. Сўз хусусида сўз. –Тошкент: Extremum press, 2010. –4-б.

маданиятларнинг таъсири ва ахборот алмашинувида ўзга маданият ва ўз маданият тўқнашуви тушунилади.

ОАВда намоён бўладиган маданиятлараро мулоқот замонавий ахборот жамиятининг муҳим аспекти бўлиб, унда турли маданий контекстлар тўқнаш келади ва ўзаро таъсир қилади. Бу жараён турли медиа платформаларида аудиторияга маданий жиҳатдан сезиларли тарзда хабарлар ва маъноларни етказишни ўз ичига олади. "Жамиятда ахборот алмашинувининг кучайиши нутқ фаолияти, нутқ маданияти, нутқ билан боғлиқ хулқ жараёнларини таҳлил этишга қизиқишнинг ортиши билан биргаликда кечади, бу эса, истеъмолчига нутқий таъсирнинг юқори самарасини таъминловчи амалий тавсияларни ишлаб чиқишга хизмат қилади"[5].

Медиалингвистика ва маданиятлараро мулоқот биргаликда замонавий жамиятда тил, маданият ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги муносабатларни чуқурроқ кўриб чиқиш имконини беради. Ушбу соҳалардаги тадқиқотлар турли хил тил ва маданий унсурларнинг оммавий ахборот воситаларида ва кундалик ҳаётда мулоқотни қандай шакллантиришини яхшироқ тушунишга ёрдам беради.

Медиалингвистика ва маданиятлараро алоқа тадқиқотнинг иккита муҳим йўналиши бўлиб, улар ўртасида ўзаро муносабати ва боғлиқ жиҳатлари мавжуд. Ушбу икки соҳа қандай ўзаро таъсирда бўлиши мумкинлиги маданиятлараро мулоқотда тилнинг роли билан боғлиқ:

Тил маданиятнинг ажралмас қисми бўлиб, унинг тузилиши, турли маданиятларда катта фарқ қилиши ва ўзаро мулоқотда бу фарқлардан хабарларни қабул қилиш ва тушунишга таъсир қилишга имкон берувчи жиҳатларини излаш имконини беради;

ОАВни маданиятларни глобал миқёсда намойиш этиш воситаси сифатида қараймиз. Медиалингвистика тил унсурларининг ОАВда тақдим этилган маданий стереотипларнинг идрок этиш ва талқин қилишдаги роли аҳамиятли ҳисобланади.

[5] Сенкевич М. П. Культура радио- и телевизионной речи. – М.: Высшая школа, 1997. – С. 96.

Медианинг тил ва маданиятга таъсирини иккита муҳим жиҳати мавжуд:

1. **Медиаконтекстда лингвистик инновациялар:** ОАВ янги сўзлар, иборалар ва тил бирликларини, янгидан янги терминлар, ўзлашмаларни тилга кириб келишига сабаб бўлиши ва адабий миллий тилда юз бераётган ўзгаришларига таъсирини ўтказади.

2. Турли медиаформатларида тилнинг мослашуви: телевидение, радио, Интернет ва ижтимоий тармоқлар каби турли медиаформатлар турли тил ёндашувларини талаб қилади. Медиалингвистика медиада самарали мулоқотни амалга оширишда медиаматн лингвистик хусусиятларининг турли форматларга қандай мослашувини таҳлил қилишда маданий омилларни инобатга олишни тақозо қилади.

Маълумки, медиадискурс – долзарб ижтимоий ахборотни йиғиш, ишлов бериш ва оммавий коммуникация воситалари орқали даврий тарқатиш бўйича ижтимоий фаолият. Коммуникантларнинг медиадискурсив фаолияти натижаси медиаматн орқали объектланади, бундай медиаматн анъанавий белгилар билан бир қаторда, янги белгиларга эга бўлади, улар орасида медиаматннинг алоҳида турлари / жанрларининг ташкил этилишига таъсир кўрсатадиган медиавийлик, гибридлик, полиадресатлик, полиадресантлик, кўп каналлилик кабиларни айтиб ўтиш лозим. Мазкур параметрлар кўп жиҳатдан ҳар бир медиаматн функционал салоҳиятининг бойлиги ва қудратини белгилайди.

Ҳар қандай инсоннинг ҳаёти ва фаолияти аслида шу маданиятдан иборат бўлган муайян маданият доирасида мавжуд бўлади. Шу боисдан, нутқий хулқ меъёрлари ушбу маданият доирасида амал қилувчи намуналар, қоидалар, билимлар, кўникмалар, ғоялар, қадриятлар ва фаолият меъёрларидан иборат ижтимоий хулқ, одоб-аҳлоқ қонуниятларидан келиб чиқади.

Анъанавий равишда оммавий коммуникация матнларининг барча таркибий унсурлари ва даражалари лингвистик ва экстралингвистик омиллар билан бирга анъанавий равишда таҳлил қилинади: медиаматнларни тузиш ва

тарқатиш усулларининг уларнинг лингвоформат хусусиятларига таъсири, функционал-жанрий таснифи масалалари, фонологик, синтагматик ва услубий тавсифлар, талқиний хусусиятлар, мафкуравий модаллик, прагмалингвистик баҳоси ва маданий-ўзига хос белгилар шулар жумласидан.

Маълумки, нутқни яратиш фаолиятининг асосий жараёнларига мазмунли унсурларни танлаш ва уларни муайян тузилмаларга жойлаш киради. Ана шу бирликларнинг таъсири остида жумлалар ва уларнинг кетма-кетлиги яратилади ва англанади. Дискурсни билим ва хатти-ҳаракат маданий моделларининг узатишдаги асосий воситаларидан бири сифатида қарашимиз мумкин. Зеро, А. А. Залевская фикрича, **ДИСКУРС**, шахслараро нутқий ўзаро ҳамкорликни ифодаловчи, умумий (интегратив) коммуникатив функция ва ягона мавзуга (топикка) эга нутқий фаолиятнинг якунловчи бирлиги демакдир[6].

А. П. Чудинов: ... масс-медиавий дискурсда тил воситаларини танлаш, одатда, манзил (адресат)га таъсир кўрсатиш мақсадида бериладиган баҳо, концептуал, образли ва ҳиссий тавсифлар биринчи ўринга кўчадиган қадриятларга йўналиш тизими билан боғлиқдир. Баҳолашнинг энг ёрқин воситаларидан бири – троплар бўлиб, уларнинг маъно ҳосил қилувчи функциялари когнитив ёндашув доирасида аниқ очиб берилади, деб таъкидлайди[7].

ОАВдаги маданиятлараро мулоқот замонавий ахборий жамиятнинг муҳим жиҳати бўлиб, унда турли маданий контекстлар тўқнашади ва ўзаро таъсир қилади. Бу жараён турли медиа платформаларида аудиторияга маданий жиҳатдан сезиларли тарзда хабарлар ва маъноларни етказишни ўз ичига олади. Яна шуни ҳам қайд этиш жоизки, атрофимиздаги оламнинг публицистик шарҳи турли таъсирчан воситалар қўлланилганлиги туфайли

[6] Залевская А.А. Вопросы теории и практики межкультурных исследований // Этнокультурная специфика языкового сознания. // Отв. ред. Н.В. Уфимцева. – М., 1996. – С. 23-40.

[7] Чудинов А. П. Когнитивно-дискурсивное исследование метафоры в текстах СМИ. Язык СМИ как объект междисциплинарного исследования. Ч. 2 . – М.: Из-во Моск-го унив-та. 2004. – С. 127.

инсонларга кучли таъсир кўрсатади. ОАВнинг когнитив вазифаси – бу, энг аввало, билим олишга умумий йўл сифатида қараш. Бунда инсон нуқтаи назаридан, яъни тўғридан-тўғри кузатиш ва ижтимоий ёндашув муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли ҳам, когнитивлик ОАВ тилининг муҳим хусусияти ҳисобланади.

Дунёнинг исталган қиёфаси субъект, вақт ва макон каби асосий таркибий қисмлардан иборат. Дунёнинг публицистик манзарасини таҳлил қилиш орқали публицистик нутқнинг энг муҳим омиллари – муаллиф, вақт ва маконнинг ўзига хосликлари, публицистикада инсон образи, унинг тасвир тили ҳақида чуқурроқ илмий тасаввурга эга бўлиш мумкин.[8]

Бу борада ОАВда маданиятлараро мулоқотнинг баъзи асосий жиҳатларига қуйидагиларни киритишимиз **асосли ва ўринлидир**:

1. «**Тил ва таржима**»: ОАВда вербал мулоқотда ва хорижий ахборотни мукаммал ва аниқ етказиб беришда таржимага мурожжат қилинади. Тил ва таржима маданиятлар ўртасида маълумот узатишда асосий ўрин тутади. Тушунмовчиликларга йўл қўймаслик учун нафақат сўзларнинг семантик маъносини, балки маданий унсурларни ҳам ҳисобга олиш зарурати мавжуд. Бунда реалияларни мисол қилиш мумкин. Маданиятлараро мулоқотда ўзга тил реалияларининг таснифини билиш муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, ўзга тил маданияти ҳақида тўлиқ билимга эга бўлиш аҳамиятлидир.

2. «**Маданий стереотиплар**»: ОАВ турли маданиятлар ҳақидаги стереотипларнинг аудитория турли қарашларининг шаклланишига таъсир қилиши мумкин. Бунда номаданий стереотиплар тушунчалар ва салбий стереотиплар шаклланишига олиб келиши мумкин.

Умуман олганда, матн тушунчаси ОАВ тилини ўрганишдаги бошқа йўналишлар нуқтаи назаридан ҳам тадқиқ этилган. Шулар ичида бугунги кунга келиб Ю. М. Лотманнинг матн ҳақидаги назарияси алоҳида диққат-эътиборга лойиқ. У барча мутахассислар томонидан тан олинган ва

[8] Лисоченко О.В. Риторика для журналистов: перцендентность в языке и в речи. – Ростов на Дону.: Феникс, 2007. – С. 256.

маъқулланган. Унга кўра, маданият – матнлар тўплами, йиғиндиси ёхуд «мураккаб тузилган матн» сифатида талқин этилади. Олимнинг фикрича, матн «ахборотни ўстирувчи механизм». Зеро, у маданият маконини тўлдириб, хилма-хил матнлар ичида ахборот тўплаш хусусиятига эга, яъни маданият хотирасини (маданий хотирани) ўзида ҳам мужассам этади[9].

3. «**Мультимедиа форматлари**»: видео, аудио ва график каби мультимедиа форматларининг хилма-хиллиги янада самарали мулоқот қилиш учун турли маданий унсурлардан фойдаланиш имкониятини беради.

4. «**Ахборотни контекстуаллаштириш**»: Маълумотни тўғри тушуниш учун маданий контекст муҳим аҳамиятга эга. Баъзи хабарлар турли маданий контекстларда турлича қабул қилинишига сабаб бўлади.

5. «**Интерфаоллик ва қайта алоқа**»: Медиамаконда аудиториянинг қайта алоқаси муҳим аҳамиятга эга. Маданий фарқлар ОАВ аудиториясининг контентга қандай муносабатда бўлишига таъсир қилиши мумкинки, қайта алоқа мулоқотни самарали қилишига ёрдам беради.

6. «**Одоб-ахлоқ ва қадриятлар**»: Турли маданиятлар турли хил ахлоқ ва қадриятларга эга. ОАВ билан мулоқотда низолар ва тушунмовчиликларнинг олдини олиш учун ушбу фарқларни ҳисобга олиш муҳимдир. Медиада тилда ахлоқ масаласи этика ва холислик масалаларини ўз ичига олади. ОАВ ўз хабарлари орқали жамиятнинг хатти-харакатига таъсири учун жавобгардир.

Маданиятлараро коммуникацияда нутқий этикетнинг махсус тил воситалари тизимида намоён бўлиши уларнинг медиамаконда лисоний → таркибий → тузилмавий ҳамда стандартлик-экспрессивлик тамойилларига асосланганлиги, ҳамда нутқий этикет формулаларининг воқеаланиши оммавий мулоқотнинг мақсади ва журналист одоб-ахлоқи билан боғлиқлиги ҳамда мулоқотнинг давомий бўлишини таъминлаш ҳамда ижобий мулоқот муҳитини яратиш воситалари эканлиги нутқий этикет формулаларининг аксиологик қадриятлар тизимида *реалия* сифатида шаклланиши негизида

[9] Лотман Ю. М. Внутри мыслящих миров. Человек – текст – семиосфера – история. – М., 1988 . – С. 22.

оммавий нутқнинг лисоний-маданий манзарасини яратиш омили эканлиги асосланганлигини киритиш мумкин.

Медиа тилининг аксиологик аспекти медиамаконда қадриятларни акс эттирувчи ахборотнинг тадқиқ ва таҳлилини назарда тутади. Шуни таъкидлаш керакки, ОАВ ахборот узатиш, жамоатчилик фикрига таъсир кўрсатиш ва шакллантириш воситасидир ва шунинг учун улар жамиятда муайян қадриятларни шакллантириш ва сақлашда асосий аҳамият касб этади. Бундан ташқари, медиа-контент маълум ахлоқий, ижтимоий ёки сиёсий қадриятларга таъсир қилиши мумкин.

7. «**Менталлик**»: Тил нафақат мулоқот воситаси, балки жамият менталитетини шакллантиришдги асосий восита ва қурол ҳамдир. Замонавий ахборот оқими шароитида медиа алоҳида таъсирчанлик ролини бажарар экан, медиа тили воқеа-ҳодисаларни идрок этиш, жамоатчилик фикрини шакллантириш ва хаттоки, тафаккурига ва, энг асосийси, менталитетга етарли даражада таъсир кўрсатади. ОАВ тили шунчаки ахборот узатиш воситаси эмас, у жамиятнинг руҳий қиёфасини шакллантиришнинг кучли қуролидир.

8. «**Маданий код**»: Маълумки, ҳар бир маданиятга мансуб бўлган инсонлар нафақат ўзларининг она тиллари доирасида, балки унинг ташқарисида ҳам сўзлашишларида ёрдам берадиган тил тизимига эгадир. Маданий код инсоннинг хулқ-атвори ва дунёқарашини, унинг одоб-ахлоқ ва этика ҳақидаги тасаввурларини шакллантириб, аниқлаб берувчи рамзлар, меъёрлар, қадриятлар ва анъаналар тизимидир. У шунингдек, миллат ва жамиятнинг ўзига хослигини шакллантирувчи ва сақлаб қолувчи асосий унсурдир.

Маданий код орқали шахсни ҳаракатга ундаш, мойил қилиш, хулқ-атворга, турмуш тарзига ва бирор турдаги қарорни қабул қилишга йўналтириш мумкин. Маданий кодни тадқиқотчилар маданий мазмун ва қадриятларни узатиш учун турли моддий ва шаклий воситаларни ишлатувчи иккиламчи белгилар тизими сифатида кўриб чиқадилар. Медиада маданий

кодни «ахборотга ишлов бериш усуллари» ёки «маданий макон унсурлари» сифатида тавсифлаш мумкин. Медиа тилида лисоний бирликларни миллий-маданий аспектда тадқиқ қилиш миллий-маданий код халқнинг дунёни тил орқали ифодалашдаги ўзига хослик, яъни, миллий-маданий маълумот бевосита шу тилда мавжуд бўлган ўхшатиш эталонида акс этишини кўрсатади. Халқнинг миллий образли тафаккур тарзининг маҳсули сифатида турғунлашган ўхшатишлар миллий тафаккурни акс эттиради.

Шундай қилиб, маданиятлараро мулоқот глобаллашув ривожланишининг талабидир. У турли даражадаги ижтимоий мулоқот фаолиятида мавжуддир. Мулоқот жараёнида турли минтақалар, мамлакатлар, миллатлар ва маданиятлардан бўлган коммуникаторлар (алоқага киришувчилар) ўзларининг маданий маълумотларини тил ва бошқа алоқа унсурлар орқали етказиб берадилар.

ОАВда муваффақиятли маданиятлараро мулоқот маданий фарқларни билишни, шунингдек, контентни турли аудиториялар учун мослаштиришга тайёрликни талаб қилади. Бу янада самарали ва ўзаро тушунарли мулоқот олиб бориш стратегияларини яратишга ёрдам беради. Ва бунда тилнинг ўрни беқиёсдир. Ҳар қандай маданият тилда ўз акси, ўз моддий қобиғига эга бўлади ва атроф-муҳит таъсирида ўзгаришларга учрайди, ўзгаради. Турли миллатларнинг маданияти, даставвал, борлиқ ва воқеликни моддий-маънавий жиҳатидан қандай ўзлаштириши билан фарқланади.

Тил ижтимоий индивид сифатидаги инсоннинг белги-тушунчаларидан ҳосил бўлган хотирасидир. У янги билимларни етказиш ва йиғилган ижтимоий кўникмаларни коммуникация жараёнида ахборот сифатида узатишнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқ маданияти. –Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2007.
2. Рустамов А. Сўз хусусида сўз. – Тошкент: Extremum press, 2010.

3. Сенкевич М. П. Культура радио- и телевизионной речи. – М.: Высшая школа.

4. Залевская А. А. Вопросы теории и практики межкультурных исследований. // Этнокультурная специфика языкового сознания. // Отв. ред. Н. В. Уфимцева. – Чудинов А. П. Когнитивно-дискурсивное исследование метафоры в текстах СМИ. Язык СМИ как объект междисциплинарного исследования. Ч. 2 . – М.: МГУ, 2004.

5. Лисоченко О. В. Риторика для журналистов: перцендентность в языке и в речи. – Ростов-на Дону: Феникс, 2007.

6. Лотман Ю. М. Внутри мыслящих миров. Человек – текст – семиосфера – история. – М., 1988.

KINO VA TELEVIDENIYE MUNOSABATLARI

Mahliyo MIRSOATOVA
O‘zbekiston Milliy universiteti
jurnalistika fakulteti dekani,
f.f.d., professor

Annotation. *In this article, the idea, dream and search for transmitting images and sounds over long distances is continuous, i.e. permanent. How film and television theory relates to today's practice. About the methodological principles used in the study of the components of cinema and television. It talks about the definition of television as an art form and its connection with all forms of art, science, technology, heritage, past experiences.*

Key words*: sound media, word, music, intershum, cinema, television, images, screen, art, images, events.*

Аннотация. *В этой статье речь идёт о том, что идея, мечта и поиск передачи изображений и звуков на большие расстояния непрерывны, т. е. постоянны, что теория кино и телевидения связана с сегодняшней практикой, о методических принципах, используемых при изучении компонентов кино и телевидения, даётся определение телевидения как вида искусства и расскрываются его связи со всеми видами искусства, науки, технологий, наследия и прошлого опыта.*

Ключевые слова*: звуковые средства, слово, музыка, интершум, кино, телевидение, образы, экран, искусство, изображения, события.*

Annotatsiya. *Mazkur maqolada tasvirni, ovozni uzoq masofaga uzatish haqida fikr, orzu, izlanish muttasil, ya’ni permanent bo‘lgani haqida. Kino va televideniyening nazariyasi bugungi amaliyot bilan bog‘liq ekanligi. Kino va televideniyening tarkibiy qismlarini o‘rganishda qo‘llaniladigan metodologik tamoyillar to’g’risida. Televideniye san’at turi sifatida ta’riflanishi hamda san’atning barcha turlari bilan, fan, texnika, meros, o‘tmish tajribasi bilan*

bog‘liqligi haqida gap boradi.

Kalit so‘zlar: *ovoz vositalari, so‘z, musiqa, intershum, kino, televideniye, siymolar, ekran, san’at, tasvirlar, voqealar.*

Kirish. Go‘zallikning kinodagi yorqin ifodasi haqida oqil va odil so‘z aytilgan. Darhaqiqat, ekran san’ati durdonalarida go‘zallik dinamik tarzda, harakatda, yorqin siymolarni ko‘rkam muhit bilan uzviy bog‘lanishida, serjilo ranglar silsilasida, nafis tasvirda, teran fikr ifodasida ibratli voqealar tavsifida, sahiylik va muruvvat ta’rifida ko‘rsatilgan. Bu masala azaldan olimu-fuzalolarni, mumtoz asarlari bilan shuhrat qozongan san’atkorlarni qiziqtirib kelganini, go‘zallikning jozibasini, nafosatini shoir qalami chiza oladimi yohud mo‘yqalam sohibimi, bastakorning ko‘z ilg‘amas shaklga "joylagan" musiqasimi yoki zehni o‘tkir me’mor barpo etgan inshootmi — bu haqda bahslashib kelinganida kino va televideniye ihtiro qilinmagan edi. Endilikda bu texnik kashfiyotlar san’at darajasiga ko‘tarilganida munozara davom etishiga ehtiyoj bor. Zero an’anaviy san’atlardan o‘rganib, kamol topib, badiiy bisotini boyitib, go‘zallikning turli ko‘rinishlarini katta va kichik ekranda mujassam etish yo‘lida izlanayotgan navqiron san’atkorlarning nazariy asoslari ham baquvvat bo‘lishidan ijodkor bilan birga tadqiqotchilar hamda tomoshabin-tinglovchi ham manfaatdor.

Mavzuga oid adabiyotlar tahlili (Literature review). Kino va televideniyening nazariyasi bugungi amaliyot bilan bog‘liq ekanligini qayd etganimizda esa o‘tmish tajribasini, jumladan, fundamental ilmiy-nazariy asarlarda bildirilgan asosli fikrlarni inkor etmaymiz. Zero, XX asr san’atlarining tabiati va tarkibi murakkabligini amalda, ijod jarayonida, ilmiy taxlilda ko‘rib, o‘zga — ko‘hna san’atlarning xususiyatlarini qayta o‘rganishga ehtiyoj sezamiz. Kino va televideniyening tarkibiy qismlari hamda ularni o‘rganishda qo‘llaniladigan metodologik tamoyillar asriy tarixga ega bo‘lgan san’atlarning qonuniyatlari, hususiyatlari haqida fikr yuritishga ko‘maklashadi. Bu yo‘nalishda olib

borilayotgan tadqiqot ishlari asrlar davomida yozilgan, chizilgan asarlarning yangi o‘rganilmagan jihatlarini yoritishga olib kelmoqda“[2].

Tadqiqot metodologiyasi (Research Methodology). Televideniye kino, teatr san’atlari ifoda vositalaridan foydalanibgina qolmay, o‘z imkoniyatlarini kashf qildi. Adabiyot, teatr, bir aktyor teatri, tok-shou, turli-tuman muloqotlar va boshqa ko‘p janrdagi ko‘rsatuvlar televideniye tufayli paydo bo‘ldi. Ko‘pseriyali filmlar, televizion filmlar, roman va qissalarning televizion adaptatsiyasi, epik asarlar, ko‘p kamerali tasvirga olishlar televideniye tufayli ro‘yobga chiqdi. Hech qanday ximikatlarsiz, jismoniy aralashuvsiz montaj usullari paydo bo‘ldi. Bular o‘z navbatida televizion rejissyordan muallif, aktyor va boshqa ijodiy jamoa bilan ishlashdan tashqari yangi televizion texnologiyani o‘rganishni, uning imkoniyatlaridan unumli foydalanishni vazifa qilib qo‘ydi. Televideniye jamoasi ijodiy mahsul berishdan tashqari katta tashkilotchilik qobiliyatlariga ega bo‘lish hislatlarini ko‘rsatdi.

Hamma san’at turlaridan ko‘ra kinoga ko‘proq televideniye yaqinroqdir, negaki ekrandagi ko‘rinish, harakatlar va tovushlar xuddi kinodagidekdir.

Kinoning haqiqatga yaqinroq ekanligiga sabab undagi tasvir bir qancha fotosuratlarning harakati tufayli yuzaga keladi. Tasvir, plyonka yoki qog‘ozga tushirilmasa ham televideniye ham xuddi shu prinsip bo‘yicha ishlaydi. Biroq bir narsaning tasvirini tushirish uchun predmetdan tarqalgan yorug‘lik nurini ob’ektivdagi linza sistemasidan o‘tkazish kerak bo‘ladi. Kinokamera va televizion kameralari ham xuddi shu ob’ektiv yordamida ishlaydi. Optika qonuniga bo‘ysungan holda tasvir birinchi bo‘lib ob’ektiv o‘rtasidagi plyonkaga, ikkinchi hxolatda esa nur va elest sezuvchi plastinakaga tushadi. Shuning uchun bo‘lsa kerak “fotografiya” so‘zi nurni qayd etish ma’nosini anglatadi, lekin bu so‘z biz uchun ko‘proq qog’ozga tushirilgan fotosurat ma’nosini eslatadi. Kinodagi tasvir –

[2] Ничипиров И. Б. Цветовое и звуковое оформление степных пейзажей в проза А.П. Чехова. // Вестник Московского университета. Сер. 9. филология. 2007. № 5.
Семьян Ф. Визуальный облик прозаического текста. Челябинск: Библиотека А.Миллера. 2006. // Вестник МГУ. Серия филология. – М., 2008, № 6.

yuqorida aytib o‘tilgan prinsip bo‘yicha obyektiv orqali fizika qonuniga ko‘ra kimyoviy reaksiya bo‘lib plyonkaga tushadi.

Tahlil va natijalar (Analysis and results). Kinoekrandagi tasvir bir necha fotosuratlarning tez harakatidan yuzaga kelib, u fotosuratlar kinoplyonkada aks ettirilgan, uzil-kesil bo‘laklardan montaj qilingan bo‘ladi. Televideniye ham xuddi shu prinsip bilan ishlaydi, lekin bu usul televideniye uchun boshqacha qo‘llaniladi. Teleekran tasviri fizika nuqtai - nazari bo‘yicha nurni qayd etish. Ekranda tasvir etilayotgan voqealarni ko‘rgan biron - bir tomoshabin bu voqeani haqiqatan ham ko‘z oldida bo‘layotganligiga ishonmaydi, albatta, bu xuddi fantaziyani tasvirga tushirganday gap. Ammo kinotasvirni tomoshabin qiziqib ko‘rishida rejissyorning mahorati katta ro’l o‘ynaydi.

Televideniye o‘z unsurlarini kinodan olgan bo‘lsa-da, kinotelevideniye kabi bo‘layotgan voqeani bir vaqt ichida tasvirga olib, tomoshabinlarga havola etmaydi. Negaki kinodagi tasvir voqeasi bir vaqtlar sodir etilgan bo‘ladi. Kinoning televideniyedan asosiy farqi shundadir.

Televideniyening kinodan asosiy farqi yana shundaki, uning bir xususiyati – ko‘rish sharoitlari va auditoriyaning xarakteridir. Ushbu xususiyatlar qolganlaridan ko‘ra muhimroqdir. Ko‘rishning o‘ziga hos sharoitlari, ya’ni televizor ekranining kichik hajmli tomoshabin va ekrandagi inson o‘rtasida o‘ziga hos aloqa o‘rnatishni talab etadiki, mazkur aloqa hayotda mavjud bo‘lgan shaxsiy aloqaga yaqin turadi. (televizion kommunikatsiyalarida alohida ma’naviy va jismoniy fazilatlar talab qilinadi).

Xulosa va takliflar (Conclusion / Recommendations). Qisqa qilib aytganda, ko‘rsatuvni qabul qilish shartlari teleekran va auditoriya o‘rtasidagi o‘ziga hos tavsifiy holatlardir. Kino ma’lum bir vaqt tomosha qilinsa, televideniyeni to‘xtovsiz tomosha qilib turiladi. Kino san’at turi sifatida omma ongiga yo‘naltirilsa, televideniye esa, jamoatchilik fikrini ifoda etib qolmasdan, uni shakllantirishga yo‘naltiriladi.

Shunday qilib, televideniyening kinodan farqi uning ijtimoiy vazifasidan kelib chiqadi: televideniye jurnalistik vazifani bajarsa, kino san’at vazifasini bajaradi.

O‘zbekiston Respublikasi o‘z mustaqilligiga erishgandan keyin, barcha sohalarda bo‘lgani kabi, televideniyeda ham katta o‘zgarishlar bo‘lishi kutilgan edi. Biz ochiq va huquqiy demokratik jamiyat qurish borasida odimlayotgan ekanmiz, bunda shak-shubhasiz ommaviy axborot vositalarining o‘rni kattadir. Bu borada ilk qadamlar qo‘yilib, respublika miqyosida tajribalar olib borildi. Buni biz yangidan-yangi ochilgan, endigina ish boshlagan telestudiyalar, radiostansiyalar, mustaqil gazetalar misolida ko‘rishimiz mumkin.

Ma’lumki, mustaqillik bizga asl hayot mazmunini yanada chuqurroq anglab etish imkoniyatini yaratib berdi. Fikrimcha, respublikamiz ommaviy axborot vositalari shu mezon asosida faoliyat olib borishni maqsad qilib qo‘ygani aniq.

O‘zbekiston Respublikasi birinchi Prezidenti Islom Karimovning Oliy Majlis Qonunchilik palatasi va Senatining qo‘shma majlisidagi ma’ruzasida: “Teleradio industriya bozorini rivojlantirish, tijorat va hududiy nodavlat teleradiostudiyalarining faoliyat yuritishi uchun zarur shart-sharoit yaratish, bu sohada g‘oyalar va dasturlarning ijodiy raqobat muhitini vujudga keltirish bo‘yicha aniq chora-tadbirlar majmuini ishlab chiqish va amalga oshirish kerak”, deb ta’kidlanadi. Masalaning bu tarzda ochiq va qat’iy qo‘yilishi jamoatchilikda ijobiy ma’nodagi bahs-munozaralarni uyg‘otdi. “Zamonaviy televideniye qanday bo‘ladi?” degan savol odamlar orasida tez-tez muhokamaga aylandi.

Sir emas, bugungi tomoshabinning didi va talabi baland. U bugun eski, qotib qolgan o‘lchov va yondashuvlarni yoqtirmaydi. Global dunyoda iste’molchi talabi bilan ko‘rish va unga xozirjavob bo‘lish har bir sohaning taraqqiyotini belgilovchi omillardandir. Shu ma’noda, televideniye xalqimiz ma’naviyati va madaniyati taraqqiyotida katta o‘rin egallaydi. Uni har jihatdan yangilash va boyitish, dasturlarni zamon talablari darajasida muvofiqlashtirish lozimligi ayon. Keng xalq ommasi bilan televideniye o‘rtasida tabiiy bog‘liqlikni mustahkamlash va rivojlantirish asosiy vazifalardan biri.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. O‘zbekiston Respublikasi konstitutsiyasi. -T.: O‘zbekiston, 2023.

2. Mirziyoyev Sh. M. Tanqidiy tahlil, qat'iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak. –T.: O'zbekiston, 2017.

3. Mirziyoyev Sh. M. Erkin va farovon, demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti lavozimiga kirishish tantanali marosimiga bag'ishlangan Oliy Majlis palatalarining qo'shma majlisidagi nutq. – Toshkent, 2016. – 56-b.

4. Mirziyoyev Sh. M. Tanqidiy tahlil, qat'iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak. Mamlakatimizni 2016 yilda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning asosiy yakunlari va 2017 yilga mo'ljallangan iqtisodiy dasturning eng muhim ustuvor yo'nalishlariga bag'ishlangan Vazirlar Mahkamasining kengaytirilgan majlisidagi ma'ruza, 2017 yil 14 yanvar. – Toshkent, O'zbekiston, 2017. –104-b.

5. Mirziyoyev Sh. M. Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta'minlash-yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganining 24 yilligiga bag'ishlangan tantanali marosimdagi ma'ruza. 2016 yil 7 dekabr - Toshkent, O'zbekiston, 2017. 48-b.

6. Akbarov H. I. Kinosan'ati tarixi. – T.:O'zMU, 2005.

7. Akbarov H. I. Kinoteledramaturgiya: nazaruya va amaliyoti. – T.: Ilm-Ziyo, 2005.

8. Akbarov H. I. Kino va televideniye olamida. – T.: G'.G'ulom. nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti, 2003.

9. Aliev M. Kino asoslari. – T.: O'qituvchi, 1993.

10. Xidoyato'xjaev T. Kinovideojihozlar. –T.: O'zbekiston, 1990.

11. Bobur Z. M. Boburnoma. –T.: O'qituvchi, 1994.

12. Nesterenko F. P. va mualliflar jamoasi. Lug'at. Jurnalistika, reklama, Pablik rileyshnz. – T.: Zarqalam, 2003.

13. Televideniye va radiodasturlar yaratishda etika mezonlari: "INTERNEWS", 1998.

14. Ommaviy axborot vositalarining tanqidiy nazariyalari: kecha va bugun. Paul A. Teylor va Jon Li Xarris (tarjima). Open University Press. 2008.

15. Critical theories of mass-media. Then and now. Open University Press. 2008.

16. Akbarov H. I. "Kinotelerejissura montaj". –Toshkent: Ilm-Ziyo, 2007.

17. Лотман Ю. Семиотика кино и проблемы киноэстетики. // http//royallib.ru|book

18. Akbarov H. I. Kino va televideniye: kreativ ta'lim jarayoni. – T.: Musiqa, 2012.

19. Aliev A. Kino asarlari. – T.: O'zbekiston, 1993.

20. Akbarov H. Televideniye va kino olamida. –T.: G'.G'ulom nomidagi Adabiyoti va san'ati nashriyoti, 1993.

21. Proxorov E. P. Vvedeniye v teoriyu jurnalistiki. – M.: Aspekt-Press 2002.

22. Kinotelekommunikatsiya: tabiati va tarkibi. O'zMu. 2008-2010 y.y. 1-5 qismlar.

Internet saytlari

1. www. ziyonet.uz - O‘zbekiston ta’lim axborot tarmog‘i.
2. www. media.utmn.ru.
3. www/ uzbekkino.uz.
4. www/ziyonet.uz.

ПРОФЕССИОНАЛЬНОЕ САМОСОЗНАНИЕ ЖУРНАЛИСТА КАК ОСНОВА ФОРМИРОВАНИЯ ЕГО ИМИДЖА

Елена МИРЗАЕВА
главный редактор телеканала «Dunyo bo’ylab» Национальной телерадиокомпании Узбекистана, свободный исследователь Университета журналистики и массовых коммуникаций Узбекистана

Журналистика, несмотря на кажущуюся легкость, - серьезная, сложная сфера деятельности, подчиняющаяся многим законам и нормам. В первую очередь, правовым. Журналисты не только никогда не должны выходить за нормы законодательства и права своей страны, но обязаны руководствоваться этими нормами. В то же время, журналисты, как представители социальной сферы опираются и на этические нормы, принятые как на государственном, так и на внутриредакционном и личном уровнях. «В медиасфере правовые механизмы действуют совместно с этическими нормами, предписанными как этическими кодексами, принятыми на федеральном и региональном уровнях, так и внутренними правилами, введенными самими редакциями».[10]

Опираясь на нормы и правила, установленные государством, редакцией и личностные установки, которые зиждятся на менталитете и ментальности, журналист самостоятельно выстаивает концепцию своего поведения на экране и в жизни, пишет информационные материалы, создает видеопрограммы, дискутирует, собирает мнения, выстраивает свою профессиональную творческую позицию. «Профессиональное самосознание журналиста — это как бы конечная фаза философских, теоретических, производственных дискуссий о назначении и критериях оценки качества

[10] Пасти С. Журналист в контексте перемен. – СПб., 2004. – С. 19.

редакционного труда». 11 Таким образом культурное, цивилизованное самосознание журналиста, как человека образованного, обладающего широким кругозором и разноплановыми интересами, формируют у него значимые принципы, которыми он руководствуется в своей профессиональной деятельности. Причем, как все живое, журналист на стоит на месте, его взгляды могут эволюционировать и менять со временем и изменяющимися событиями. Незыблемым остается менталитет, ментальность и правила поведения, воспитанные в нем родителями, заложенные предками на генетическом уровне. Основными принципами, которыми должен руководствоваться любой журналист, должны быть честность, правдивость, объективность, гуманизм. Не менее важны эмпатия, сопереживание, эмоциональность, культура подачи материала, народность.

Сегодня любой индивид не только отражает объективную реальность, но и выделяет себя из нее. А это означает, что наше сознание одновременно является самосознанием. Журналиста отличает «способность к рефлексии, направленной на себя, — ключ к субъектному становлению личности, обладающей свободой выбора и принимающей решения о совершении нравственных поступков, основываясь на результатах самопознания, самоанализа, самопонимания».[12] В то же самое время «по мере взросления человека в его жизни все большее место занимают саморазвитие, самовоспитание, самоформирование и соответственно больший удельный вес принадлежит внутренним условиям как основанию развития, через которое всегда только и действуют все внешние причины, влияния и так далее».[13]

В основе любой журналистики всегда лежит коммуникативный процесс, наличие обратной связи, отклики зрители, выливающиеся в рейтинг проекта и журналиста как личности. Причем, чем сложнее коммуникативный процесс, чем большее количество участников принимает участие в данном

[11] Корконосенко С.Г. Введение в журналистику. – М., 2011. – С. 250-251.
[12] Знаков В. В. Психология субъекта как методология понимания человеческого бытия. // Психологический журнал. — 2003. – Т. 24, № 2. – С. 95-106.
[13] Брушлинский А. В. Психология субъекта. – М.: Ин-т психологии РАН; СПб.: Алетейя, 2003. – С. 272.

процессе, тем сложнее задача журналиста. Он должен не только руководить процессом, не терять нить беседы, удерживать во внимании аудиторию, но и не отходить при этом от правовых и этических норм, не скатываться в эпатаж и придерживаться авторской позиции в освещаемом или обсуждаемом материале. «Во всех видах деятельности и поведения отношение к себе следует за отношением к ситуации, предмету и средствам деятельности, другим людям. Лишь пройдя через многие объекты, благодаря развитию самосознания у личности формируется достаточно устойчивое и постоянное понятие о себе, о своей ценности, отношении, сознание становится само объектом в самопознании. Требуется накопление опыта множества подобных осознаний себя субъектом поведения и реализации в поведении, чтобы эти отношения к себе превратились в свойства характера, которые мы называем рефлексивными. Однако именно эти свойства завершают структуру характера и определяют его целостность».[14]

При создании любого текста журналист опирается на описываемое событие, собственный интеллект, менталитет и творческую составляющую. При этом основной движущей силой создания текста, проекта, программы является выверенная авторская позиция. То есть сам телевизионный журналистский продукт зависит особенностей личности журналиста, его позиции, убеждений и жизненных установок, сознательности и эмоциональности, отношения к творческому процессу и самосознания. «Осознание не беспристрастно. Степень адекватности самосознания — важнейшая характеристика личности, указывающая на уровень ее развития».[15]

В то же время достижение адекватного самосознание не есть конечная цель развития индивидуальности журналиста-автора. Ведь «личность не должна фиксироваться в позиции адекватности, она должна искать как можно больше проекций видения себя для того, чтобы создать проблемное

[14] Ананьев Б. Г. Избранные психологические труды: в 2 т. — М.: Педагогика, 1980. — Т. 1. – С . 262.
[15] Анцыферова Л. И. К психологии формирования личности как развивающейся системы. // Психология формирования и развития личности — М., 1981. – С. 16.

отношение к себе. Это, в свою очередь, позволяет личности не останавливаться в своем развитии, у нее появляется возможность изменяться, обновляя внутреннее содержание».[16]

Профессиональная журналистская культура зиждется сегодня на нескольких составляющих. Правовая грамотность, помноженная на профессионализм, вкрапление этических, ментальных, эмоциональных моментов, самосознания и четкой авторской позиции. В случае же, если речь идет о нескольких участниках творческого процесса, то и правильный подбор экспертов и гостей студии, выбор героев, сюжетных линий и художественно-выразительных, мультимедийных средств, музыкального сопровождения и декораций. Все это сущностные характеристики авторской подачи материала журналистом и слагаемые журналистской культуры и журналистики как социального института. И если на начальном этапе журналист, складываясь как индивидуальность, как личность, лишь овладевает профессиональным мастерством, то зачем он постепенно формируется как творческая единица с авторским подходом, сформированной жизненной и журналистской позицией, мнением по тому или иному обсуждаемому событию. И здесь субъективная картина жизненного пути личности, рассматривается как «психический образ, отражающий социально обусловленные пространственно-временные характеристики жизненного пути (прошлое, настоящее, будущее), его этапы, события и их взаимосвязи, и выполняющий функции долговременной регуляции и согласования своего жизненного пути с жизнью других, прежде всего значимых для нее людей».[17] Со временем происходит процесс творческой индивидуализации, характеризующийся растущим самосознанием и изменяющимся с опытом отношением индивида, в данном случае, журналиста, к жизни и событиям в ней.

В современных условиях и жизненных скоростях, появлении огромного количества средств массовой информации и, как следствие, широкого выбора

[16] Абульханова-Славская К. А. Время личности и время жизни: монография. — СПб.: Алетейя, 2001. – С. 45.
[17] Головаха Е. И. Психологическое время личности. — Киев: Наукова Думка, 1984. – С. 73.

у зрителя/читателя может показаться, что авторская позиция сдает сои позиции и уступает оперативности подачи информационного материала. Однако не стоит забывать о том, что среди всего разнообразия и изобилия информационных контентов лидирующие позиции занимают уникальные журналистские материалы, а также уникальность способов предоставления информации аудитории. Естественно под уникальностью материала не подразумеваются лишь уникально добытые кадры и факты. Система новых медиа формирует запрос на новых журналистов, специалистов по подаче информационного материала, в основе творчества которых лежит уникальная авторская позиция, основанная на множестве взаимосвязанных компонентов, в числе которых лежат менталитет и самосознание журналиста, осмысление авторской позиции журналиста как важной составляющей профессиональной культуры.

Список использованной литературы

1. Абульханова-Славская К. А. Время личности и время жизни: монография. – СПб.: Алетейя, 2001. – С. 45.
2. Ананьев Б. Г. Избранные психологические труды: в 2 т.; под ред. А. А. Бодалева [и др.]. – М.: Педагогика, 1980, Т. 1. – С. 262.
3. Анцыферова Л. И. К психологии формирования личности как развивающейся системы. // Психология формирования и развития личности: сб. ст. // отв. ред. Л. И. Анциферов. — М., 1981. – С. 16.
4. Брушлинский, А. В. Психология субъекта; отв. ред. В. В. Знаков. — М.: Ин-т психологии РАН; СПб.: Алетейя, 2003. – С. 272.
5. Головаха Е. И. Психологическое время личности. – Киев: Наукова Думка, 1984. – С. 73.
6. Знаков В. В. Психология субъекта как методология понимания человеческого бытия. // Психологический журнал. – 2003. – Т 24, № 2. – С. 95-106.
7. Корконосенко С.Г. Введение в журналистику. – М., 2011. – С. 250-251.
8. Пасти С. Журналист в контексте перемен. – СПб., 2004. – С. 19.

TELEJURNALISTIKADA TA'SIRChANLIKNI OShIRIShDA NEYROLINGVISTIK DASTURLASh

Yulduz ARTIKOVA
filologiya fanlari nomzodi
O'zbekiston Jurnalistika va ommaviy kommunikatsiya universiteti,
Xalqaro va audiovizual jurnalistika kafedrasi dotsenti

Teletomoshabinni o'ziga jalb qilish, nutqni ta'sirchan qilishning professional usullari mavjuddir. Jahon tajribasida buning uchun neyrolingvistik dasturlash usullari keng qo'llaniladi."Ko'rish, eshitish, teginish, hid va ta'm bilish kabi sezgi organlari orqali inson asab tizimi hamda miyasi tashqi dunyo haqida ma'lumotni oladi. Neyrolingvistik dasturlashda axborotni qabul qilish va qayta ishlash tizimlari reprezentativ tizim deb ataladi. Mazkur dasturlash inson fikrlashining muhim tarkibiy qismidir"[18]. Neyrolingvistik dasturlash tizimi odamlarning psixo-fiziologik axborot qabul qilish xususiyatlarini o'rganadi. Mutaxassislar ma'lumotni taqdim etishning samarali usullarini ishlab chiqishda axborotni auditoriyaga ta'sirchan shaklda yetib kelishi uchun dasturlash usullarini o'zlashtirishlari kerak.

Reklama tayyorlash hamda siyosiy PR sohalarida ulardan foydalanish yaxshi natija berishi shubhasiz. Psixolog mutaxassislar odamlarni ko'rish, tinglash, his qilish kabi axborotni qabul qilish qobiliyatiga ko'ra neyrolingvistik xususiyatlarni tasniflaydilar. Aksariyat vizual, audial, kinestetik shaklda axborotni qabul qiluvchilarda bu qobiliyatlarning uyg'unligi uchraydi. "Odatda bu qobiliyatlarning biri yetakchilik qiladi. Vizual- "Men buni shunday ko'raman", audial "men buni shunday deb aytaman", kinestetik esa "men buni shundayligini his qilaman" deb so'z yuritadi" [19] . Jurnalistlar material ta'sirchan bo'lishida axborotni qabul qilishning bu kabi xususiyatlari borligini hisobga olib faoliyat yuritishlari mumkin. Masalan, ma'lumotlarni ta'sirchan yetkazib berish uchun vizuallar uchun axborotni infografika shaklida uzatish, audiallarga so'z boyligiga ega bo'lish, kinestetiklar uchun hissiyotlarga ta'sir etish usullari mavjud. Shu bilan birga, muallifning o'zida

[18] Халимова Р.Р. Технологии нейролингвистического программирования в рекламе. Вестник Башкирского университета. 2009. Т. 14. №2 Раздел филология и искусствоведение. С. 482 -485. // https://cyberleninka.ru/article/n/tehnologii-neyrolingvisticheskogo-programmirovaniya-v-reklame/viewer
[19] https://studfile.net/preview/6858852/

ham mazkur qobiliyatlarning mavjudligini, ular ijod jarayonida namoyon bo‘lishini hisobga olish kerak.

“Matbuot - o‘qish degani. U jamiyatda o‘qish hissini ham, umumiy nutqiy madaniyatni ham tarbiyalaydi. Radio va televideniye o‘qishga uncha moyil bo‘lmagan toifalar uchun vaqtni zavqli o‘tkazish vositasi ekanligini ham esda tutish kerak” [20]. Ya’ni, teleradiojurnalistikada axborotni audial hamda vizual shaklda qabul qilinishi sohaning rekreativ xususiyatini oshiradi. Aksariyat telejurnalistlar axborotni vizual qabul qilish qobiliyatiga ega bo‘lishadi. Zamonaviy axborot vositalari keng taraqqiy etgan davrda bunday insonlar aksariyatni tashkil etadi. Tasvirga olish uskunalarning ommalashgani sari vizual axborot tarqatish ko‘payib, har bir individuumning voqea-hodisalarni tasvirlash imkoniyati ortdi. Natijada, axboriy jamiyatda ko‘pchilikning axborotni vizual shaklda qabul qilish qobiliyati rivojlandi. Vizuallarning auditoriyaning aksariyatini tashkil qilishi - aholining umumiy kitobxonlik darajasi tushgani, bosma nashrlar o‘quvchilari kamayganida ham namoyon bo‘lmoqda. Jurnalistlar material ta’sirchanligini oshirish uchun axborotni vizualizatsiyasiga katta ahamiyat berib, informatsiyani tasvir bilan dalillashmoqda.

Mediaaxborotni samaradorligini oshirishda, jumladan, interaktiv teleko‘rsatuvlarning ta’sirchanligida auditoriyaning axborotni qabul qilish imkoniyatlarini o‘zlashtirganligi muhim ahamiyat kasb etadi. Vizual axborot qabul qiluvchilar ko‘pchilikni tashkil qilsa-da, so‘zni to‘g‘ri qo‘llash, nutq madaniyatining alohida o‘rni bor. Vizualizatsiyaga qaratilayotgan e’tibor bilan bir qatorda dasturning lingvistik o‘ziga xosligi muhim ahamiyat kasb etishini hisobga olish zarur. Til- har bir millatning milliy o‘ziga xosligini namoyon etuvchi xususiyatga ega ekan, telejurnalistlar nutqining savodli bo‘lishi bugungi kunning dolzarb masalalaridan biridir. Ayniqsa, improvizatsiya jarayonida interaktiv teleko‘rsatuvni tayyorlashda jurnalistning so‘z boyligi, notiqlik mahorati namoyon bo‘ladi. Jonli efirdagi kommunikatsiya jarayonida axborotni so‘z bilan ifodalashda

[20] Тошалиев И.Абдусаттаров Р. Оммавий ахборотнинг тили ва услуби. Ўқув қўлланма. – Т.: ZARQALAM, 2006. – 55 б.

ham u yoki bu ta’sirchan so‘zlarni tanlay olishi muhimdir. Shunday ekan, ijodkorlar auditoriya vakilining qaysi bir neyrolingvistik guruhiga mansubligini aniqlab, muloqot shaklini tanlashlari kerak. Mutaxassislarning fikriga ko‘ra: “Vizuallar “Men sizning so‘zlaringizda haqiqatni ko‘ryapman, o‘zim uchun yanada yorqinroq tasavvur qilyapman, nuqtayi nazaringizni ko‘ryapman” kabi so‘zlarni tanlashadi. Audiallar “haqiqatga o‘xshayapti, meni tingla, shunday eshitildi” kabi iboralardan foydalanishadi. Kinestetiklar esa, “Siz haqligingizni his qilyapman, so‘zlaringizdan shu narsa sezilyapti, og‘ir, yengil, sovuq, achchiq” kabi so‘z va iboralarni nutqlarida qo‘llashadi” [21] . Jurnalistlar kommunikatsiya jarayonida respondentning qobiliyatlarini o‘zi uchun aniqlab, unga mos bo‘lgan so‘z va iboralarini nutqida qo‘llashi kerak. Muallif taqdim etayotgan materialining ma’lumotlarini vizuallar uchun tasvirlab berish, audiallar uchun eshitimli qilishi va kinestetiklar uchun hissiyotli tarzda yetib borishiga intiladi. Bu uch unsurni o‘z nutqida jamlay olganlarning faoliyati samarali bo‘lishi shubhasiz. Ayniqsa, intervyu olishda, suhbat qurishda respondentning qaysi bir qobiliyati ustunlik qilayotganligini aniqlab, unga mos tarzda kommunikatsiyani o‘rnata olish boshlovchining notiqlik san’atini oshiradi. Shu o‘rinda televizion jurnalistikada audiallar qatori - vizual va kinestetiklarga ta’sir qiladigan nutqni shakllantirish imkoniyati mavjudligini ta’kidlash kerak. Audiallar uchun adabiy til me’yorlariga rioya qilingan og‘zaki nutqda muloqot shakllantiriladi, vizuallarga xatti – harakatlar, mimika, imij orqali ta’sir qilinsa, kinestetiklarga pauza, ritm, intonatsiya kabi unsurlardan keng foydalanish yaxshi samara beradi. Mazkur nutq xususiyatlarining o‘ziga xosligidan o‘rinli foydalanilmasa, loyiha samaradorligi tushib ketishi mumkin. Masalan, “ZO’R TV”da efirga uzatilgan “O‘g‘irlangan niqob” tok-shousida sahna dekoratsiyasi, boshlovchi va ishtirokchilar tashqi ko‘rinishi, imiji ustida mahoratli mutaxassislar ishlagan. Ya’ni, vizual tarzda dastur ta’sirchan chiqishiga katta ahamiyat berilgan. Ammo hakamlar va boshlovchining nutqiy savodxonligi talab darajasida emasligi ko‘rsatuv saviyasini tushirgan. Boshlovchining baqirib, baland ovozda gapirishini kinestetik xatolik sifatida

[21] https://studfile.net/preview/6858852/

baholash mumkin. Mazkur misol orqali teleloyihalarda neyrolingvistik dasturlashning barcha xususiyatlari hisobga olinishi muhimligi namoyon bo‘ladi. Ya’ni televizion dasturda - ham audiallar, ham vizuallar, ham kinestetiklar uchun ta’sir vositalarini hisobga olinishi zarurligi ko‘rinadi. Televizion loyiha bo‘lgani uchun faqat vizuallizatsiyasini hisobga olib, nutq madaniyatiga rioya qilmaslik ko‘rsatuvning umumiy saviyasini tushirishi mumkinligini ta’kidlash kerak. Tijoriy telekanallar faoliyatida televizion rejissura ustida ishlanib, mumtoz telejurnalistika tamoyillariga rioya qilinmaslik ko‘zga tashlanadi. Nodavlat OAVlar asosan - rekreativ yo‘nalishda faoliyat ko‘rsatishadi, auditoriyaning hissiyotlariga ta’sir qilgan holda ko‘rsatuv vizualizatsiyasiga e’tibor qaratishadi: sahna dekoratsiyasi, taniqli shaxslarni boshlovchilikka jalb qilinishi, loyihaning umumiy dinamikasini ushlanishi va h.k. Kasbiy malaka, amaliy tajriba talab etiladigan jurnalist mahorat masalasiga xususiy telekanallarda katta ahamiyat qaratilmaydi. Natijada, yuqorida ta’kidlab o‘tilganidek, vizual ko‘rimli bo‘lgan dasturlarning umumiy saviyasi talab darajasida bo‘lmaydi. Tijoriy maqsadda faoliyat ko‘rsatadigan xususiy telekanallar faoliyati auditoriyaning umumiy saviyasiga salbiy ta’sir qilishi, aholining nutqiy savodxonligini tushirishi - mazkur muammoning ijtimoiy ahamiyatini namoyon qiladi. Davlat telekanallari asosan davlat siyosatini targ‘ib qilgani uchun ularda g‘oya, siyosiy idealogiya ustunlik qilib, vizualizatsiyaga emas, nutq orqali beriladigan informatsiyaga katta ahamiyat beriladi. Bunda loyihalar saviyasi yuqori bo‘lsa ham, vizual shakli ishlab chiqilmagani uchun tomoshabinni o‘ziga jalb qilish xususiyati yetarli bo‘lmaydi. Tasniflanadigan bo‘lsa, nodavlat telekanallar asosan vizual va kinestetiklarga ma’qul keladigan mahsulot ishlab chiqarishsa, davlat telekanallari ko‘rsatuvlari audial tarzda axborot qabul qiluvchilarga mo‘ljallanganligi diqqatni tortadi. Misol tarzda, “O‘zbekiston” telekanalida efirga chiqadigan “Munosabat” ko‘rsatuvi bir paytning o‘zida radio orqali ham efirga ketganligini ko‘rsatish mumkin. Ya’ni ko‘rsatuv asosan nutqiy muloqotga asoslanganligi uni audial tarzda ham tinglash imkoniyatini bergan. Demak, davlat telekanallarida tayyorlanadigan interaktiv dasturlarining reytingini oshirish uchun ularning vizualizatsiyasiga, rejissurasiga katta ahamiyat berilishi tavsiya etiladi.

Xususiy telekanallarda efirga ketadigan teledasturlarda mazmun hamda nutqiy savodxonlik masalalarini hal etish zarur. Nutq ta’sirchanligini oshirishda esa neyrolingvistik dasturlash usullaridan foydalanish telejurnalist mahoratini yanada oshiradi. Bunday dasturlash usulining samarasi haqida so‘z ketganda, uning salbiy xususiyati mavjudligini ham ta’kidlash o‘rinli. Neyrolingvistik dasturlash orqali tomoshabinni, auditoriyani manipulyatsiya qilish imkoniyati paydo bo‘lishi mumkin. Propagandaga yoki marketing uchun zarur bo‘lgan reklamalarni ishlab chiqarishda neyrolingvistik dasturlashdan unumli foydalaniladi. Mazkur holatda dasturlash tizimi auditoriya manfaati, jurnalistika samaradorligi uchun emas, balki shaxsiy yoki iqtisodiy manfaat uchun xizmat qiladi. “Zamonaviy jamiyatda keng qo‘llaniladigan neyrolingvistik dasturlash insonning o‘ziga xos fikrlashini ma’lum darajada uni manipulyatsiyaga ta’sirchan bo‘lishiga tayanadi. Buning uchun subyekt oldiga aniq maqsad qo‘yishi va undan kelib chiqqan holda obyekt ongiga ta’sir qilish ketma- ketligining yaratishi kerak. XXI asrda har bir inson dasturlash obyekti bo‘lishi (ya’ni kompyuter kabi uni ma’lum bir harakatlarga “dasturlab qo‘yish”) mumkin”[22]. Bu usuldan davlat telekanallari hamda tijoriy telekanallarda foydalanish auditoriyadan o‘z maqsadlari yo‘lida foydalanish uchun zamin hozirlab, interaktiv telejurnalistikaning ijtimoiy xususiyatlari kimnidir manfaatlariga xizmat qilishiga olib keladi. Efirdagi erkin muloqot shaklidagi teledasturlar - jamiyat demokratlashuvi, so‘z erkiniligining ta’minlanishi, ko‘p fikrlilik kabi ijobiy xususiyatlarga xizmat qilmay- manipulyatsiya, propaganda, feyk axborotning tarqalishi kabi holatlar vujudga kelishiga sabab bo‘lishi mumkin. Buning yechimi sifatida ijtimoiy televideniye faoliyatini yo‘lga qo‘yish, jurnalist mas’uliyatini oshirish va eng muhimi - sifatli jurnalistikani rivojlantirishni zarurligini ko‘rsatish mumkin. Sifatli jurnalistikada esa lingvistik masalalar birlamchi ahamiyatga egaligi zamonaviy media olamda o‘z tasdig‘ini topmoqda. Chunki: “Jurnalistning nutqiy faoliyati mohiyat e’tibori bilan kishilar xatti -

[22] Макаренков Е. В., Дурнева М. А. Анализ технологий нейролингвистического программирования как инструмента политического противоборства. Вест.Челябинс. гос. универ.2019.№12.(434) Философс.науки.Вып.54.С.89–94. //ttps://cyberleninka.ru/article/n/analiz-tehnologiy-neyrolingvisticheskogo-programmirovaniya-kak-instrumenta-politicheskogo-protivoborstva.

harakatini, fe'l- atvorini, yurish- turishini, tafakkur tajrijini boshqarishdan, jamiyat faoliyatini muayyan maqsadga yo‘naltirish va bu maqsadni maqbul va mukammal tarzda faol amalga oshirishdan iborat....Jurnalistning nutqiy faoliyati jurnalist ixtisosligi mohiyatiga dahldor eng faol va eng samarador ijtimoiy mafkuraviy nutq (matn)ni yaratadi va qaror toptiradi" [23]. Axborot bilan faoliyat ko‘rsatuvchi mutaxassislar neyrolingvistik dasturlash tizimi nazariyasiyaga ko‘ra ma'lumotni taqdim etish, tayyorlashning eng samarali usullarini ishlab chiqishni bilishlari, axborot auditoriyaga ta'sirchan shaklda yetib kelishi uchun ulardan unumli foydalana olish kerak.

Yurtimizda nodavlat telekanallar asosan vizual va kinestetiklarga ma'qul keladigan mahsulot ishlab chiqarishsa, davlat telekanallari ko‘rsatuvlari audial tarzda axborot qabul qiluvchilarga mo‘ljallangan. Mazkur dasturlash tizimidan davlat yoki tijoriy telekanallarda foydalanishining salbiy oqibatini oldini olishda ijtimoiy televideniye faoliyatini yo‘lga qo‘yish, sifatli jurnalistikani rivojlantirish zarurdir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Макаренков Е. В., Дурнева М. А. Анализ технологий нейролингвистического программирования как инструмента политического противоборства. Вест.Челябинс.гос. универ. 2019. №12. (434) Философск.науки. Вып.54. – С. 89–94. // https://cyberleninka.ru/article/n/analiz-tehnologiy-neyrolingvisticheskogo-programmirovaniya-kak-instrumenta-politicheskogo-protivoborstva

2. Тошалиев И. Абдусаттаров Р. Оммавий ахборотнинг тили ва услуби. Ўқув қўлланма. – Т.: ZARQALAM, 2006.

3. Халимова Р. Р. Технологии нейролингвистического программирования в рекламе. Вестник Башкирского университета. 2009. Т. 14. №2 Раздел филология и искусствоведение. – С. 482-485. // https://cyberleninka.ru/article/n/tehnologii-neyrolingvisticheskogo-programmirovaniya-v-reklame/viewer

3. https://studfile.net/preview/6858852/

[23] Тошалиев И., Абдусаттаров Р. Оммавий ахборотнинг тили ва услуби. Ўқув қўлланма. – Т.: ZARQALAM, 2006. – 15-б.

АУДИТОРИЯҒА КЕРЕКЛИ МАҒЛЫЎМАТТЫ ЖЕТКЕРИП БЕРИЎДЕ ДИЗАЙННИҢ РОЛИ

Кумар ПЕРДЕБАЕВА
Бердақ атындағы Қарақалпақ мәмлекетлик университети излениўшиси

Әлбетте, индустрия дәўири аграр дәўирге салыстырғанда информация тарқатыўды кескин күшейтти ҳәм Европа халқының кең қатламына жеткере баслады. Бирақ, бул информацияны механикалық тәризде таярлаў ҳәм тарқатыў болды.

Информациялық әсирде мағлыўматлар оғада нәтийжели ҳәм тез усылда, яғный, электрон түрде тарқала баслады. Егер индустрия дәўириндеги информация тарқалыў усыллары аграр дәўирге салыстырғанда күшейтиў онлаған ҳәм жүзлеген рет күшейтиў көбейген болса, информация әсиринде мағлыўматларды тарқатыў санаат дәўирине қарағанда мыңлап ҳәм миллионлап мәрте көбейди. Информация ҳәттен тысқары көплеген адамлардың керекли мағлыўматын алыўына тосқынлық етеди.

1. Қола дәўири. Грецияда үскенеден пайдаланылған, Қытай ҳәм Ҳиндстанда қолда есаплағыш (счет) болған.

2. Механикалық дәўир. Леонарда да Винчи дәўири менен басланады. 14-әсир универсал дәўир есапланады.

3. Компьютерлестириў дәўири.

Солай етип, 21-әсирге келип информация ҳәттен тысқары көбейип кетти. Алдын аграр дәўиринде аудитория газета ҳәм киноны көриўге үлгерген болса, енди олар буған үлгермей қалды. Себеби 5–6 газета орнына, онлап баспалар ҳәрекет ете баслады. 2 телеканал орнына 20 телеканал өз көрсетиўлерин узата баслады. Қалаберсе, интернет пенен қол телефонлары пайда болды. Информация көплигинен нени оқыўды, нени көриўди билмей қалды. Не ислеў керек? Егер санаат дәўиринде аудитория информацияны дәрриў тапқан болса, енди ҳәр қыйлы информациялар өз пайдаланыўшыларын излей баслады. Яғный, информация тармақланып,

дифференциалласты. Мәселен, спорт журналистикасы, медицина журналистикасы, әскерий журналистика ҳәм т.б. Бундай дифференциал факторлар аграр дәўирде де болған. Бирақ информациялық әсирде тармақланыў информация тарқатыўдың тийкарғы нызамына айланды. Енди тараўлық яғный қәнигелескен медиалар өз пайдаланыўшысын өзи излеп табыўға мәжбүр болмақта. Бул информация тийкарында ҒИҚ – ғалаба информациялық қураллардан пайдаланыўдың жетекши нызамына айланды.

Информация әсиринде медиалардың саны кескин көбейип кетти. Бир суткада бурын қандай 24 саат болса, ҳәзир де сондай. Бирақ медиалар 50, 70 жыл алдын он газета ҳәм бир телеканал болса, бүгинги күнде баспасөз саны кескин көбейип, ҳәзир газеталар 20–30 болып, төрт телеканал жумыс алып барады. Буннан тысқары Өзбекстан газеталары ҳәм телевидениелери бар. Қалаберсе, интернет ҳәм телеграм қосылды. Нәтийжеде медиалар саны кескин көбейди. Бундай жағдайда егер редакция оның газетасын аудитория оқыўын қәлемесе, ол усы газетаға газета оқыйтуғынлардың дыққатын тартыўға мәжбүр болады. Буның бир қатар усыллары бар. Мәселен, газетада сенсациялы ямаса критикалық материалларды көбейтиў, сулыў сүўретлерди бериў менен бир қатарда газетаға аудиторияның дыққатын дизайн жәрдеминде де қызықтырыў мүмкин.

Соны да еслетип өтейик, бүгин дизайн тек газета яки медиаларға тийисли емес. Дүнья тенденциялық информация әсиринде адамлардың турмыс жағдайы илгерилеўи кескин артып кетти. Оғада көп тараўлар интенсив рәўиште раўажланбақта. Бул өндиристиң түрли тараўларын өз-ара бәсекилесиўге мәжбүрлейди. Мәселен, Өзбекстан Венгрия ҳәм Қытайдан автобуслар сатып алады. Буны мәмлекетимиз қайсы бир мәмлекеттен усы транспортты сатып алады ҳәм олардың бири биринен абзал тәреплерин салыстырып көрсетиў мүмкин. Тап усындай гәпти кийим ҳаққында да айтыў мүмкин. Демек, дизайн ең әҳмийетли, ең керекли тараў. Айырым сораўлар соны көрсетеди, бүгинги күнде дизайнерлик кәсиби дүньяда биринши орында турыпты. Дизайнер қәнигелиги университетлердиң ең үлкен

конкурслы кәсиплеринен бирине айланған. Мәселен, “Каракалпак 24” сайты жазғанындай, “Жаңа кийим сатып алдыңыз, бирқ үйге келгеннен кейин киийм сиге унамай қалды. Сатыўшыға қайтарып бериўиңиз мүмкин бе?”(@Karakalpak24). Бул материалда кийим қыстырғышқа илдирилген кийимлердиң реңли фотосы берилген. Бул оқыўшының дыққатын дәрҳал өзине тартады. Сондай-ақ, тутыныўшы ушын оның ҳуқықлары туўралы мағлыўматлар алты иллюстрациялық белги менен ажыратып көрсетилген. Бул арқалы тутыныўшы өз ҳуқықларын аңсат биле алады. Егер де сайт “Юрист Ауезбеков” деген автордың исмин толық келтиргенинде ҳәм материалға тартымлы етип еки ямаса үш сөзден ибарат қысқаша етип ат қойғанында еле де исенимлирек ҳәм тартымлырақ болар еди.

Әдебиятлар

1. Уэбстер Ф. Теории информационного общества. – М.: Аспект Пресс, 2004.
2. Abdullayeva N.B. Dizayn, atrof-muhit ba texnika estetikasi. Magistrlar uchun uslubiy qyllanma. – Tashkent. Mirzo Ulug’bek nomidagi Yzbbekiston Milliy universiteti. 2012.
3. Русча-ўзбекча луғат. Икки томлик. I том. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2013.
4. Галкин С.И. Оформление газеты и журнала: ол элемента к системе. – Москва: МГУ, 1984. – 152 с.
5. Техника средств массовой информации и пропаганды (оформление периодических изданий). Составитель Муминов Ф.А. – Т.: ТашГУ, 1986. – С. 48.
6. Тулупов В.В. Дизайн периодических изданий. – СПб., 2006.
7. Тулупов В.В. Техника и технология медиадизайна. – М.: Аспект Пресс, 2018.
8. Тулупов В.В. Техника и технология периодических изданий. – Воронеж, 2005.
9. Қожықбаева З. Баспасөз: жанрлар, макет, дизайн. – Нөкис: Қарақалпақстан, 2011.

SOTSIOLINGVISTIK OMILLARNING TILNING TARAQQIYOTIGA TA'SIRI

Mukaddas ISRAIL
O'zDJTU xalqaro jurnalistika fakulteti professori,
filologiya fanlari nomzodi

Har qanday tilda imlo qoidalarini isloh qilish jarayoni davlat til siyosatining aktlaridan biridir. Avvalo, umuman "til siyosati" nimani anglatishini vaamalga oshirilayotgan islohotlar til siyosatining natijasi bo'lishi mumkinligini aniqlash kerak. Ijtimoiy jarayonlarning tilga (xususan, imlo tizimiga), tartiblangan va tashkil etilgan jarayonlarga, shuningdek, ushbu ta'sirning ijtimoiy va lisoniy tomonlariga ta'sirining mohiyatini ochib beramiz.

Tilshunoslik bo'yicha adabiyotlarda sotsiolingvistikaning yoki ijtimoiy tilshunoslikning ko'plab ta'riflari mavjud. Masalan, nemis tilshunosi G. Leffler sotsiolingvistikani "ijtimoiy faoliyat nazariyasi", deb ta'riflaydi, bu nazariya "til" omilini ijtimoiy tuzilmaning xususiyatlaridan biri, deb biladi. Shu bilan birga, til nafaqat muloqot vositasi, balki jamiyatning ajralmas unsuri sifatida ham ko'rib chiqiladi [1; 22].

Tilni nafaqat lisoniy, balki ijtimoiy nuqtai nazardan ham ko'rib chiqadigan bo'lsak, u yopiq tizim emas, balki tashqi ta'sirga ochiq ekanligini ta'kidlash kerak. Ya'ni, til o'zgaradi, taqaqqiy etadi, ammo bu evolyutsiya oddiy jarayon emas. Avvalo, bu jamiyatning ta'siri har doim ham bir xil yoki bir hil emasligi uchundir.

Jamiyatning tilga bevosita va bilvosita ta'sirining murakkabligini, ko'p qirraliligini inobatga olgan holda, ijtimoiy omillarning tillarning ishlatilishiga, taraqqiyotiga va o'zaro munosabatiga o'zaro ta'siri haqida aytish mumkin. Turli xil ijtimoiy omillar alohida unsurlarga, tilning turli darajalariga turlicha ta'sir qiladi. Ta'sirning ikki turi mavjud: 1) Ijtimoiy omillarning ijtimoiy rivojlanish mantiqidan kelib chiqadigan lisoniy jarayonlarga ta'siri; 2) Jamiyatning tilning rivojlanishi, ishlatilishi, uning boshqa tillar bilan o'zaro munosabatiga ongli ta'siri [2; 132].

A. D. Shveytser biroz kengroq ta'rif beradi: "Til siyosati deganda, biz "davlat, partiya, sinf, ijtimoiy guruhlar tomonidan tillar yoki til quyi tizimlarining mavjud

vazifaviy taqsimotini o'zgartirish yoki saqlab qolish, yangi yoki amaldagi lisoniy me'yorlarni joriy etish uchun ko'rilgan chora-tadbirlar majmuini tushunamiz" [4; 117]. Ushbu ta'rif, birinchi navbatda, til siyosatining ikkala tomonini, ya'ni uning predmeti va obyektini aks ettiradi.

Yuqorida aytib o'tilganidek, "lisoniy rejalashtirish" va "lisoniy qurilish" kabi tushunchalar farqlanadi. "Lisoniy rejalashtirish"ning mohiyatini tushunishda biz A. D. Shveytserning "lisoniy rejalashtirish" "til siyosati"dan biroz kengroq va aslida "tilga har qanday ongli va maqsadli ta'sirni qamrab oladi", degan fikriga qo’shilamiz [5; 152]. Til siyosatining bevosita vazifalari tilning funktsional tomoni, uning jamiyatdagi faoliyati, u bajargan ijtimoiy-kommunikativ funktsiyalar va uni qo'llash sohasi bilan bog'liq. Shunga ko'ra, bunday muammolarni hal qilishda tilning tuzilmasiga ta'sir ko'rsatiladi. Tilga ongli va maqsadli ta'sir umummajburiy (talaffuz, imlo, grammatik, leksik) meyorlarni o'rnatishga aloqador, umummajburiy til me'yorlarni joriy etish va tarqatish uchun so'zlardan foydalanishni tartibga solish ishlari bilan bog'liq. Ammo tilga, ayniqsa, uning funktsional tomoniga va tuzilmasiga ta'sir faqat ma'lum darajada bo'lishi mumkin [4; 122].

"Til siyosati" tabiatan retrospektiv (tegishli lisoniy vaziyatni saqlashga, o'zgarishlarga qarshi turishga yo'naltirilgan) va istiqbolli (mavjud lisoniy vaziyatni o'zgartirishga yo'naltirilgan), demokratik (keng omma manfaatlarini inobatga oladigan) va antidemokratik (faqat bitta etnik guruh manfaatlarini inobatga oladigan) bo'lishi mumkin. U konstruktiv (til funktsiyalarini kengaytirishga, tilni rivojlantirishga qaratilgan bo'lishi) yoki destruktiv – bir tilning boshqasining foydasiga rivojlanishiga to'sqinlik qiluvchi bo'lishi mumkin. Bunday tasnifni L. B. Nikolskiy taklif etgan [4; 152]. Uni tuzishda ko'p jihatlar inobatga olingan. Avvalo, bu til siyosatini amalga oshirish uchun asosiy turtki bo'lgan mavjud til muammolari. Til muammolari haqida til institutlari, ona tilida so'zlashuvchilarning (asosan OAV orqali) oddiy noroziligi guvohlik berishi mumkin.

Til siyosatini amalga oshirish jarayon bo'lib, u o'z oldiga tilda muayyan o'zgarishlarni amalga oshirish yoki tilning ma'lum bir holatini saqlab qolish

vazifasini qo'yadi. Ammo, bu vazifani ado etish uchun, birinchi navbatda, o'zgarishga da'vogar til bo'limlarini yoki lisoniy variantlarni tanlash bo'yicha ishlar olib borilishi kerak.

Til siyosatining navbatdagi bosqichi – vazifani bajarishga tayyorgarlik ko'rish, ya'ni tanlangan maqbul til variantini joriy etishga tayyorgarlik ko'rish yoki boshqacha qilib aytganda, qonuniylashtirish va kodifikatsiya. Kodifikatsiya deganda, "lisoniy hosilalardan foydalanishning yangi qoidalarini qonuniy mustahkamlash, tanlangan va yangi to'plangan lisoniy vositalardan foydalanishni qonuniylashtirish" tushuniladi. [4; 146]. Bu qonun hujjatlarini nashr etish, lug'atlar va grammatikalarni, imlo qoidalarini yaratish va boshqa shakllarda amalga oshirilishi mumkin.

Oxirgi bosqich, ehtimol, eng muhim nuqtadir, bu ham bo'lsa, til siyosatini amalga oshirishning o'zi, ya'ni so'zlovchilarni til siyosati organlari tomonidan tavsiya etilgan yangiliklarni qabul qilishga majburlashga yoki ishontirishga qaratilgan harakatlardir. Qabul qilingan yangiliklar yangi qoidalarga va yangi lisoniy me'yorlarga rioya qilishda ifodalanadi. Nutq so'zlovchilar tavsiyalarni to'liq, qisman yoki umuman qabul qilmasliklari mumkin. Tavsiyalarni qabul qilish darajasi til siyosatining samaradorligini va istiqbollarini baholashga, shuningdek, ma'lum darajada tilning keyingi taraqqiyotini bashorat qilishga imkon beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Zuffler H. Germanistische Sotiolinqustik. – Berlin: Erich Schmidt, 1985.
2. Дешериев Ю.Д. Социальная лингвистика. – М.: Наука, 1977.
3. Лингвистический энциклопедический словарь. – М.: Сов. энциклопедия, 1990.
4. Швейцер А.Д., Никольский Л.Б. Введение в социолингвистику. – М.: ВШ, 1987.
5. Швейцер А.Д. Современная социолингвистика: теория, проблемы и методы. – Л.: Наука, 1977.

САРЛАВҲАДА МЕДИА ТИЛИ ЭКСПРЕССИВЛИГИ

Дилшод БОБОЖОНОВ
Денов тадбиркорлик ва педагогика институти
таянч докторанти

Аннотация. *Публицистик услубнинг ноёблигини белгилайдиган асосий таснифлари – бу иккита асосий функциялари, яъни ахборот бериш ва таъсир кўрсатишнинг бирикишидан иборат. услубнинг бундай ноёб аспектини газетанинг «экспрессия» ва «стандарт»лар элементларининг кетма-кетликда бир-бирини ўрнини эгаллаб келиши муҳим роль ўйнайдиган структураси ва мазмунида ёрқин кўрсатиш мумкин.*

Калит сўзлар: газета, тил, матн, медиа, экспрессвилик, стандарт, ибора, лексика, белги, образ

Публицистик услуб ўзининг ифодалилиги, ошкора баҳолаши, чақириқ ва декларацияларни қўллаши, шунингдек нутқининг содда ва тушуналилиги билан, баъзида реклама нотаси билан ажралиб туради. Унда лексика ва фразеологиянинг ҳар хил турлари, жумладан баландпарвоз ва тантанали сўзлар фаол ишлатилади. Бу услубда эмоционал ифодалар, риторик саволлар, хитоблар ва қайтаришлар ҳам учраб туради. Шундай қилиб, публицистик услуб ўзида экспрессив ва стандарт элементларни бирлаштиради.

Газеталарда матнларнинг иккита тури мавжуддир: оммавий таъсир кўрсатишга мўлжалланган мақолалар, ва фактларни етказиб беришга мўлжалланган ахборотга оид маълумотлар. Бундай турли-туманлик нафақат нашр турли услубда эканлигига, шунингдек, яна умумий мақсадга етишиш, яъни ўқувчига таъсир кўрсатишга мўлжалланган газеталарнинг тилшунослик жиҳатидан мослашувчанлигидан ҳам далолат беради.

Тилдаги экспрессия ахборотга оид маълумотларнинг нейтрал услубига қарши туриш учун мақолаларда ифодалаш воситаларини ишлатиш натижисидир. Бу газеталарда анча расмий бўлган янгиликлар тилига қараганда ўзининг ифодалилиги билан ажралиб турувчи тил ишлатилишини билдиради. Ушбу принцип баҳоловчи ва интеллектуаллаштирилган элементларни бирлаштиради, ҳамда матнинг иккита турли жанрларнинг

турли тил воситаларини ишлатиб, ахборотга оид ва таъсир кўрсатувчи функцияларини бириктиради.

Тилдаги экспрессивликни тушуниш қисқартирилиши мумкин эмас. Газета нутқида экспрессивлик фақат тайёр тилга оид ифадалаш воситалари билан чекланмай, турли усуллар билан ҳам намоён бўлиши мумкин. Бу газета ўқувчига максимал таъсир кўрсатиш учун контекст ва коммуникация мақсадларидан келиб чиқиб, энг мос келадиган тил воситаларини танлаши керак бўлган муаллифдан услубий маҳоратни талаб қилади.

Публицистик услуб асосий нутқ услубларидан бири бўлиб, журналистика, публицистика, сиёсий чиқишлар ва ижтимоий фаолиятнинг бошқа соҳаларида ишлатилади. У маълум бир лексик, синтаксик ва фразеологик белгиларга эгадир бўлиб, публицистик услубнинг лексик белгиларига:

1. Публицистик услубда специфик лексиканинг ишлатилиши: публицистик услубда кўпинча аниқ бир соҳага (сиёсат, иқтисод, маданият ва бошқ.) хос бўлган терминлар, сўзлар ва ифодалар ишлатилади.

2. Образли ифодаларни ишлатиш: публицистик матнларнинг муаллифлари кўпинча ўз матнларини ифодалироқ ва ишончлироқ қилиб кўрсатиш мақсадида метафора, аллегория ва бошқа воситаларни қўллаб туришади.

3. Цитаталар келтириш ва тўғри нутқни матнга қўшиш: публицистик услуби ўз ичига далилларни кучайтириш учун цитаталар ва машҳур шахслар ва экспертларнинг фикр-мулоҳазаларини олиши мумкин.

Публицистик услубнинг синтаксик белгиларига:

1. Феълнинг фаол контсрукцияларига эга бўлган публицистик матнларда кўпинча матнга динамика ва шиддат каби хусусиятларни берувчи фаол конструкциялар ишлатилади.

2. Қўшма ва эргашган қўшма гапларни ишлатиш: муаллифлар ахборотни аниқ ва батафсил ифодалашлари учун қўшма синтаксик контрукциялардан фойдаланишлари мумкин.

3. Кириш сўзлари ва ибораларни ишлатиш: муҳимлигини таъкидлаш ва эътиборни матндаги маълум бир ҳолатларга қаратиш учун кўпинча *«муҳим»*, «*айтиш керак», «...га қараганда*» туридаги кириш сўзлари ва иборалар ишлатилади.

Цитаталардан фаол фойдаланиш. Инглиз ОАВ кўпинча таниқли шахслар ва экспертлар чиқишларидан цитаталар оладилар. Бу материални нафақат нуфузли қилади, балки матнга турли-туманлик киритади ва мунозараларда турли овозларни намоиш қилади.

Структура ва сарлавҳаларга эътибор**.** Мақоланинг структураси ва унинг сарлавҳаси газета ўқувчиларни жалб қилишда муҳим роль ўйнайди. Сарлавҳалар кўпинча қисқа, аммо қизиқиш уйғотиши мумкин бўлган асосий маънони кўрсатучи сўзлардан иборат бўлади. Бундан ташқари, мақоланинг структураси мантиқий принципларга риоя қилади, яъни асосий ахборотдан бошланиб, аста-секин батафсил таҳлилга ўта бошлайди.

Хулоса қилиб айтганда, инглиз тили ингиз тилидаги ОАВ да ахборотни тарқатиш ва оммавий фикрни шакллантиришда асосий роль ўйнайди. услуб, терминология, структура ва сарлавҳалар каби тилшунослик аспектлари аудиторияга самарали таъсир кўрсатиш ва ахборотни лўнда ва аниқ қилиб етказиб беришни таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Демак, газета-публицистик услуб шуғулланаётган кенг диапазон турли-туманлик ва ушбу услубнинг кенг кўламли лексикасига олиб келади. Шу сабабга кўра публицистика адабиётда энг мазмунга бой услуб ҳисобланади. Публицистик услубнинг муҳим фарқи шундаки, ушбу услуб газета-публицистика услуби доирасида матнларга баҳолаш тусини берувчи юқори даражадаги эмоционалликдан иборатдир. Публицистика, адабиёт жанри сифатида, бугунги куннинг долзарб ижтимоий-сиёсий масалаларига эътиборини қаратади. Унинг предмети жамиятда, сиёсатда ва иқтисоддаги ҳаёт бўлиб, ҳар бир инсоннинг манфаатларини ёритиб келади.

Ушбу услубнинг газета ва публицистик матнлардаги асосий элементларидан бири лексикадир. Газета лексикаси ижтимоий факторлар

сўзларни танлаш ва қабул қилишга кучли таъсир кўрсатувчи даврларда лексика ўз маъносини ўзгартириши мумкинлигини айтиш муҳимдир. Лексиканинг бундай хоссаси матнларда тақдим қилинган маълум бир тарихий вақтда қолдирилган дунёга шўнғишимизга имкон беради. У яна ҳар бир матн аниқ тил тизимига эга бўлган индивидуал тилга оид шахс томонидан яратилганлигини ҳам таъкидлайди.

Газета-публицистик услуб бир нечта асосий таснифларга эгадир. Биринчидан, у кенг аудиторияга йўналтирилган бўлиб, ҳаммабоп ва ҳамма учун тушунарли бўлишга ҳаракат қилади. Иккинчидан, бу услуб кўпинча ҳам ижобий, ҳам салбий эмоционал нозик фарқ сифатида ифодаланган баҳолаш элементларига эга бўлиб, улар матнларни ифодалироқ ва газета ўқувчи учун таъсирлироқ қилади. Учинчи таснифи турғунлашган ибора ва ифодали, эмоционал тусга эга бўлган сўз ва нутқ фигураларининг стандарт бирикмаларидир. Ниҳоят, газета-публицистик услубда кўпинча матнларга турли-туманлик ва жўшқинлик хусусиятларини берувчи турли тил услубларининг элементлари учраб туради.

Г.Я. Солганик экспрессивликни газета услубининг асосий таснифларидан бири сифатида ажратиб кўрсатади. У газета лексикаси уни ифодали қилувчи очиқ ва оғзаки харакатерга эга эканилигини айтиб ўтади.

Ушбу ифодалилик ўзининг табиатига кўра китоб-ёзувга оид бўлган публицистик нутқда оғзаки нутқ лексикасини ишлатишдан келиб чиқади[24].

Сарлавҳалар газета ўқувчининг эътиборини тортиб, ундаги эмоцияларни уйғотган ҳолда ижобий образ яратишда муҳим роль ўйнайди. Перефраз - сарлавҳа, яъни бошқача ифодаланган сарлавҳа газета ўқувчининг идрок қилишига максимал таъсир кўрсатиш ва етказиб берилаётган ахборот ҳақида ижобий таассуротларни шакллантириш учун турли ифодали иборалар ва лексикани ҳар турдаги услуб ва китоб манбаларидан олади.

Публицистик услубнинг фразеологик белгилари:

[24] Солганик Г.Я. Стиль репортажа. – М., 1970.

1. Публицистик услубда турғун ифодаларни ишлатиш: публицистик услубда кўпинча матнга нуфузлилик бериб, уни структураловчи тайёр иборалар ва ифодалар учраб туради.

2. Стереотипли оборотлар: публицистик матнларда мазкур соҳага тегишли бўлган (масалан, «замонавий дунё шароитларида», «ижтимоий-иқтисодий вазият» ва бошқ.) нутқ оборотларини топиш мумкин.

3. Эмоционал тусга эга бўлиш: публицистик услуб ўз ичига муаллифнинг нуқтаи назарини таъкидловчи ва газета ўқувчи ва тингловчининг эмоцияларига таъсир кўрсатувчи эмоционал ифодаларни олган бўлиши мумкин.

Ушбу белгилар публицистик материалларнинг мақсадли аудиторияси учун информатив, ишонтирувчан ва осон ўқиладиган матнларни яратишга ёрдам беради.

Газета тилидаги метафоралар – бу тилшуносликдаги ифодалаш воситалари бўлиб, улар ассоциациялар ва образлар ёрдамида ахборотни узатиб бериш ёки фикр-мулоҳазани ифодалаш учун ишлатилади. Метафоралар матнни газета ўқувчилар учун жонлироқ, қизиқроқ ва тушунарли қилишлари, шунингдек муаллифларга ўз фикрларини очиқроқ ва самарали ифодалашда ёрдам беришлари мумкин.

Фразеологик ифодаларни ишлатиш бўйича замонавий амалиёт ўз ичига уларнинг ўзгаришини олади. Бундай ҳолат ўз ичига бир нечта фразеологик ифодаларга янги элементларни қўшиш, фразеологизмларни қўшиб аралаштириш, фразеологик конструкцияларни қисқартириш ва ҳазил ёки хажвий эффектни яратиш учун том ёки кўчма маъноларни бирлаштиришни олади. Бундай ўзгаришлар ёлғон ахборот тарқалишга туртки бўлиши ва воқеликнинг асл ҳолатини тўсиб ёпиши мумкин.

Газета тилида паремияларни ишлатиш (мақоллар ва маталлар) бир нечта специфик хусусиятларга эга бўлиши мумкин:

1. Матнни иллюстрациялаштириш ва бойитиш: Журналистлар паремияларни матнни иллюстрациялаштириш ва бойитиш учун

ишлатишлари мумкин. Улар маълум бир маънони узатиб бериш, ғояни ифодалаш ёки матнни жонлироқ қилишда ёрдам беришлари мумкин.

2. Тўлиқ ўхшашликлар ва солиштиришлар: Паремиялар газета ўқувчи вазиятни яхшироқ тушуниши учун тўлиқ ўхшатишлар ёки солиштиришларни яратишда ишлатилиши мумкин.

Экспрессия ва стандартлаштириш тенденцияси газета-публицистик услубининг жанрларга оид турли-туманлигига қарамасадан унинг асосий белгисидир. Газета матнлари кўпинча маълум бир стандартларга риоя қилади. Аммо матн ифодали чиқиши учун унга эксперссив конструкцияларни қўшиш ҳам тез-тез учраб туради. Ушбу иккита тенденция, яъни стандартлаштириш ва экспрессия, газета тилида ўзаро зиддиятлар яратмай, бир-бирини тўлдириб келади. Газета услуби ушбу иккита аспектларнинг бирлиги ва уларнинг диалектик ўзаро ҳаракатланишини намоён қилади. Газета-публицистик услубда нейтралдан тортиб, то ифодали бўлган тури-туман услубистик усулларни ишлатиш мумкинлиги, ва кўпинча бундай бирикма матнга зарур бўлган динамика ва қизиқишни беришини айтиш муҳимдир[25].

Таҳлил қинаётган газеталар сиёсий метафора, фразеологизмлар, муаллифлик янги тузилмалари каби турли ифодалаш воситалари фаол ишлатилиши билан ажралиб туради. Бундай матнларда қўлланиладиган сиёсий метафора нафақат маънони аниқ ва адекват тарзда ифодалабгина қолмай, балки яширин образли тил билан боғлиқ бўлган янги маънога ҳам эга бўлади. Биз тадқиқот қилган кўпчилик метафоралар ушбу контекстда одатда салбий эмоционал тусга эга бўладилар.

Газета-публицистик услубда яна жаргонизмлар, оғзаки нутқ сўзлари ва сленг сўзлари, ҳамда муаллифлик янги тузилмалари каби чекланган соҳаларга мансуб бўлган лексика фаол ишлатилади.

[25] Костомаров В.Г. Русский язык на газетной полосе. – М., 1971.

MEDIALINGUISTICS AND INTERCULTURAL COMMUNICATION

Kunduz KHAZRATOVA
Senior teacher of the Uzbekistan State
World Languages University

Abstract. *Cultural and linguistic contact may occur in the flows of information and mass media, as well as in the flows of actual people in migration and tourism. Given the ubiquity of cultural and linguistic contact, mergers and hybrids, it is unsurprising that there should be a strong interest in Intercultural Communication, both outside and inside academia. Linguistics as a discipline makes two key contributions to the study of Intercultural Communication. (i) It is the key contribution of discourse analysis and anthropological linguistics to take culture as empirical and cultural identity, difference and similarity as discursive constructions. (ii) Intercultural Communication by its very nature entails the use of different languages and/or language varieties and sociolinguistics, particularly bilingualism studies, illuminates the differential prestige of languages and language varieties and the differential access that speakers enjoy to them.*

Key words: *media linguistics, function of media language, role of culture, benefits of linguistic skills, relationship between culture and media.*

Аннотация. *Культурный и языковой контакт может происходить в потоках информации и средств массовой информации, а также в потоках реальных людей в сфере миграции и туризма. Учитывая повсеместность культурных и языковых контактов, слияний и гибридов, неудивительно, что существует большой интерес к межкультурной коммуникации, как за пределами, так и внутри академических кругов. Лингвистика как дисциплина вносит два ключевых вклада в изучение межкультурной коммуникации. (i) Ключевым вкладом дискурсивного анализа и антропологической лингвистики является понимание культуры как эмпирической, а культурной идентичности, различия и сходства - как дискурсивных конструкций. (ii) Межкультурная коммуникация по самой своей природе предполагает использование различных языков и/или языковых разновидностей, а социолингвистика, особенно изучение двуязычия, проливает свет на различный престиж языков и языковых разновидностей и различный доступ к ним носителей языка.*

Ключевые слова: *медиалингвистика, функция языка СМИ, роль культуры, преимущества лингвистических навыков, взаимосвязь между культурой и медиа.*

Our ethical responsibility Most scholars emphasize that global citizenship entails a commitment to live responsibly by taking care of the Earth and its inhabitants. A global citizen is concerned about the welfare of all human beings,

not just his or her own ethnic, linguistic or national group. Instead of seeking selfish aims global citizens recognize the dignity of every human being and proactively seek the common good for society and the environment.

With this in view, Patel recommend that all of us resolve to:

1. Develop an understanding of global interrelatedness and interdependence
2. Respect cultural diversity
3. Fight racial discrimination
4. Protect the global environment
5. Understand human rights 6. accept basic social values (adapted from Patel et al. 2011: 79).

Martin and Nakayama (2008) concur, arguing that all of us have an ethical responsibility to develop a sense of social justice as we discover more about ourselves and others: as members of an increasingly interdependent global community, intercultural communication students have a responsibility to educate themselves, not just about interesting cultural differences, but also about intercultural conflicts, the impacts of stereotyping and prejudice, and the larger systems that can oppress and deny basic human rights—and to apply this knowledge to the communities in which they live and interact. (Martin & Nakayama 2008: 22). Recognizing the interdependence of communities, global or world citizens are passionate about social justice (the fair administration of laws to treat all people as equal regardless of ethnicity, religion, race, language, gender, origin, etc.), economic justice (economic policies that distribute benefits equally to all), human rights (the fundamental rights and freedoms to which all humans are entitled, such as the right to life and liberty, freedom of thought and expression and equality before the law), language or linguistic rights (the right to choose the language(s) for communication in private and public places; the right to one's own language in legal, administrative and judicial acts, language education and the media) and global ethics (basic shared ethical values, criteria and attitudes for peaceful coexistence among humans). Becoming a global citizen involves much

Qarshi davlat universiteti ingliz tili o'qitish metodikasi va amaliyoti kafedrasi o'qituvchisi

Radioaloqaning diskursiv maydoni nutq subyektlarining ma'lum bir matn chegarasidan chiqib ketishi hamda diskursda ma'no yaratish va algoritmik mexanizmi tarzda aks ettirishi, nafaqat diskurs rivojlanishining ichki omillarini, balki ijtimoiy-madaniy kontekst dinamikasi bilan obyektivlashtirilgan tashqi omillarni ham hisobga olish zarurati bilan bog'liqdir.

Radiodiskurs maydonini modellashtirish jarayonining mohiyati obyektning muhim xususiyatlariga asoslanib, uning maxsus namunasini qurishni o‘z ichiga oladi. Uning shartiga “model” elementlarining o‘zga komponentlar bilan aloqasini shaffof ravishda namoyish etishi lozim, deb qarash to‘g‘ri bo‘ladi.

Radiodiskursga murakkab funksional yaxlitlik sifatida qarash radioning diskurs maydoni (birinchi tartibdagi diskurs) mass medianing institutsional amaliyoti tomonidan modellashtirilgan bo‘lib, unga ma’lum bir ijtimoiy soha – mass media instituti kiradi. Ushbu diskurs-tizim, N.Ferklouning so‘zlariga ko‘ra, unga kiritilgan barcha radio-subdiskurslar shakli: axborot, axborot-tahlil, ko‘ngilochar, publitsistikdir [40] . Ma’lum bir radiokanallarning diskurslarini modellashtirish haqida gap ketganda, L.I.Yermolenkina quyidagi omillarni ta’kidlaydi:

– mualliflar (jurnalistlar) o‘rtasidagi o‘zaro ta’sir modellarini shakllantirishning kognitiv va kommunikativ vositalarini tanlashda namoyon bo‘ladigan diskursiv mafkura va auditoriyani tanlash tamoyilida efirga uzatish, material tanlash, ohangning o‘ziga xos xususiyatlari (jiddiy, o‘ynoqi, samimiy, umumiy-rasmiy) va tinglovchiga o‘zaro ta’sir o‘tkazish usullarida[41]**;**

– radioning diskursiv makonini tashkil qilishni tanlashda namoyon bo‘lgan diskursiv mafkura muallif va adresatning axborot/tahliliy/ ko‘ngilochar janrlari doirasida o‘zaro ta’sirining o‘ziga xos modellari bilan belgilanadi. Diskursiv amalga oshirishning ushbu darajasida tahlil predmeti kommunikantlarning o‘zaro ta’siri uchun til va kommunikativ formulalar, aksiologiya, konseptual soha va diskurs grammatikasi hisoblanadi[42].

Radiodan aytilgan so‘z doimo katta ta’sir kuchiga ega bo‘lib, so‘zlovchi unga o‘z his-tuyg‘ularining oshkora ifodasini topgan fikr-o‘ylarning biror-bir qismini jo etgan bo‘ladi. Estoniyalik tadqiqotchi I. Trikkel aytganidek, «jonli so‘z radioda eng

[40] Филлипс Л. Дж., Йоргенсен М. В. Дискурс-анализ. Теория и метод. Харьков: Гуманитарный центр, 2004. – 336 с.
[41] Ермоленкина Л.И. Дискурсивная личность в коммуникативном пространстве радио // Вестн. Томского гос. пед. ун-та (TSPU Bulletin). 2017. Вып. 2 (151). – С. 37-40. DOI 10.23951/1609624X-2017-2-37-40.
[42] Ермоленкина Л. И**.** Дискурс радио как функциональная целостность: подходы к моделированию. Вестник ТГПУ (TSPU Bulletin). 2018. 6 (195). – С. 68-72.

murakkab ifoda vositasi, chunki unda fikr va harakatlar, his-tuyg‘ular, xarakter va vizual borliq o‘z aksini topgan bo‘lishi kerak»[43].

Radiodasturlarning o‘ziga xosligi, janrdan qat’i nazar, xitlar ro‘yxatini aniqlashda qat’iyroq doirani nazarda tutadi. Boshlovchi nutqida notanish adresatga so‘zlashuv murojaatlari radioning ijtimoiy va demografik jihatdan cheklanmagan katta auditoriyaga egaligidan dalolatdir. Shu bois so‘zlovchining tinglovchilarga bilvosita ta’siri bilan muloqotning jamoaviy shakllari paydo bo‘ladi. Radioda eng keng tarqalgan murojaat formulalar: “Hurmatli radiotinglovchilar, Hurmatli radiotinglovchilar!, Hurmatli tinglovchilar!” (stilistik jihatdan neytral)[44]. Bunga qo‘shimcha qilib shuni ham aytish mumkinki, jonli so‘z boyligi radiodagi muloqotni uyushtiruvchi va qatnashuvchi kishilarning ichki dunyosini ochib beruvchi vosita deyish mumkin.

A.A.Sherel ovoz va tovush orqali ifodalangan so‘z noyob xususiyatga ega ekanligini ko‘rsatadi:

– tinglovchiga fikran murojaat etish (aloqaning zaruriy sharti);

– his-tuyg‘u va bevosita murojaat (qatnashish illyuziyasini yaratish uchun shart-sharoit);

– fikrni izlash, qidirish jarayonining uning akustik verbal ifodalanishi bilan uyg‘unlashuvi;

– noverbal ifoda vositalarining tinglovchini ishontirish va g‘oyani o‘zlashtirish jarayoniga ta’siri;

– radiotinglovchilarning talaffuz va urg‘u meyorlariga rioya qilish xususiyatlariga doimiy ta’sir ko‘rsatish [45].

Radioefirdagi og‘zaki so‘zlashuv nutqida shunday fatik xususiyatlar mavjudki, bular, T.G. Vinokur ta’biri bilan aytganda, «har qanday mavzu suhbatdoshlarning o‘zaro hamjihatligini vositali ravishda ifodalashi mumkin»ligi sifatida namoyon bo‘ladi. So‘zlashuv nutqi, aslini olganda, individ, psixologik tip, ijtimoiy guruh, lisoniy jamoat rollarining intihosi. Shuning uchun u turli funksional

[43]Триккель И. Некоторые вопросы теории репортажа // Радиорепортаж. – М., 1967. – С .11.
[44] http//www.microanswers.ru/article/rechevoj-etika-na-jakytskom-radio/article
[45] Шерель А. А. Рампа у микрофона: Театр и радио. Пути взаимного влияний. – М., 1985. – С.159.

variantlarning qatlamini o‘zida aks ettiradi. Ular ham, o‘z navbatida, so‘zlashuv nutqi bilan stilistik jihatdan turli darajada moslashadi, neytrallashadi, qorishib ketadi yoki ajralib turadi. Lekin, pirovard-natijada bunday moslashish so‘zlashuv uslubi foydasiga sodir bo‘ladi. Zero, so‘zlashuv nutqi mavzu jihatidan cheklanmagan, chegara bilmaydigan muloqot doirasi bo‘lgani uchun boshqa stil unsurlariga nisbatan ancha yuqori darajada tolerantlik xususiyatiga ega[46].

Radio tili – eshittirishda qo‘llaniladigan o’ziga xos muloqot uslubi hisoblanadi. Ushbu uslub radio orqali ma’lumot uzatish uchun qulay va samarali bo‘lgan bir qator xususiyatlar bilan tavsiflanadi. Radio tilining asosiy xususiyatlariga quyidagilarni kiritish mumkin:

1. *Qisqa va ravshanlik.* Teleradiokompaniyalar jurnalistlarining nutqi aniq va ravon bo‘ladi. Ular qisqa va sodda gaplardan foydalanadilar. Fikr ifodalashda uzoq va murakkab jumlalardan foydalanish tinglovchilar tomonidan ma’lumotni qabul qilishlarini qiyinlashtiradi. Shu bois qisqalik va ravonlik radio tili uchun xosdir.

2. *To‘g‘ridan-to‘g‘ri uslub.* Radio tili ma’lumotni to‘g‘ridan-to‘g‘ri taqdim etishga qaratilgan bo‘ladi. Bunda kirish so‘zlar va fe’l shakllaridan faol foydalaniladi.

3. *Audiovizual elementlar.* Radio audio vositadir, lekin radio tili vizual elementlarni ham hisobga oladi. Masalan, fasilitatorlar voqealar, joylar yoki odamlarni tinglovchilar aniq tasavvur qiladigan tarzda tasvirlaydilar.

4. *Ssenariy va vaqt:* Radio boshlovchilari va jurnalistlar ko‘pincha ssenariy asosida aniq vaqt bilan ishlaydilar. Bu translyatsiyani samarali va tartibli saqlashga yordam beradi.

5. *Ovoz effektlari va musiqadan foydalanish.* Radio tilida ko‘pincha kayfiyatni ko‘tarish, tinglovchilarni qiziqtirish va muhim fikrlarni ta’kidlash maqsadida ovoz effektlari va musiqadan foydalaniladi.

6. *Takrorlash va urg’u.* Radio boshlovchilari muhim g‘oyalar yoki ma’lumotlarni mustahkamlash uchun takrorlash va urg‘udan foydalanadilar. Bu tinglovchilarga asosiy fikrlarni egallashga yordam beradi.

[46] Винокур Т. Г. Говорящий и слушающий. Варианты речевого поведения. – М.: Наука.1993. – С. 73.

7. *Ixtisoslashgan lug‘at.* Radioeshittirishda sohaga oid atamalar, qisqartmalar va maxsus lug‘atlardan foydalaniladi.

8. *Emotsional intonatsiya.* Uzatilayotgan axborotning ta’sirchanligini oshirish, tinglovchiga estetik-emotsional kayfiyat ulashish maqsadida radio boshlovchilar o‘z nutqida ritm, pauza va intonatsiyaga amal qiladilar.

Radio tilining bu tarzdagi o‘ziga xos xususiyatlari radioboshlovchilari va jurnalistlarning yuqori sifatli va qiziqarli eshittirishni tashkil etishlarini ta’minlaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati

1. Ермоленкина Л. И**.** Дискурс радио как функциональная целостность: подходы к моделированию**.** Вестник ТГПУ (TSPU Bulletin). 2018.
2. Ермоленкина Л.И. Дискурсивная личность в коммуникативном пространстве радио // Вестн. Томского гос. пед. ун-та (TSPU Bulletin). 2017.
3. Триккель И. Некоторые вопросы теории репортажа. // Радиорепортаж. – М., 1967.
4. Филлипс Л. Дж., Йоргенсен М. В. Дискурс-анализ. Теория и метод. Харьков: Гуманитарный центр, 2004.
5. Шерель А. А. Рампа у микрофона: Театр и радио. Пути взаимного влияний. – М., 1985.
6. Винокур Т. Г. Говорящий и слушающий. Варианты речевого поведения. – М. Наука.1993. – С. 73.

PUBLISISTIK USLUB (GAZETA TILI)NING LINGVISTIK XUSUSIYATLARI

Saodat SAIDNAZAROVA
O’zbekiston davlat jahon tillari universiteti
mustaqil izlanuvchisi

Annotatsiya. *Ommaviy kommunikatsiya ko’rinishlaridan biri gazeta nutqidir. Gazeta publisistikasi ommaviy kommunikatsiyaning faol formalaridan biri bo’lib, publisistik uslubning eng dolzarb, eng ommaviy va eng xalqchil shaklidir. Gazetaning ommaviylik xarakteri matbuot oldidagi muhim masalalardan biridir. Gazetaning kundalik hayotdagi roli ham shuni taqozo etadi. Bu esa faqat jo’ngina tasvir bo’lib qolmasdan, balki ifodaning ta’sirchan bo’lishi lozimligini ko’rsatadi. Mazkur maqola publisistik uslub (gazeta tili), uning lingvistik xususiyatlarini muhokama qiladi.*

Kalit so‘zlar: *gazeta tili, publisistik uslub, lingvistik, ommaviy axborot vositalari, jamiyat, tilshunoslik.*

Tilshunoslikda uslub termini to`g`risida, uni tushunish borasida turlicha fikrlar mavjud. O`zbek tilshunosligida uslub haqida bildirilgan fikrlarni umumlashtirishga urinish va uning mukammal ta'rifini yaratishga oid mulohazalar ham uchraydi. «*Stil* tilning jamiyat ijtimoiy faoliyatining ma'lum tomoni bilan bog`langan o`ziga xos lug`ati, frazeologik birikmalari, grammatik qurilmalari bilan xuddi shunday boshqa turlaridan, o`z ichki xususiyatlari bilan ham tafovut qilib turuvchi podsistemasidir. Demak, har bir uslub - podsistema boshqa uslub-dan - podsistemalardan o`ziga xos lug`aviy qatlami, turg`un birikmalari, morfologik shakllari, sintaktik tuzilishi bilan farqlanib turadi. Ammo bu uslublar o`ziga xos xususiyatlari bilan bir-birlaridan tamoman farq qiladi degan gap emas, albatta.

Har bir tildagi uslub turlari uchun umumiy bo`lgan shu tilning umumiy lug`at fondi, shakllar va sintaktik qurilmalar, erkin va turg`un birikmalar bo`ladi. Bu esa uslub turlarining hammasini bir milliy-adabiy tilga birlashtiradi». Ushbu ta'rif tilshunoslik nuqtai nazaridan bir muncha mukammal hisoblansa-da, adabiyotshunoslik va san'atshunoslikda uslub termini boshqa ma'noda tushuniladi.

O`zbek tilshunosligida publisistik uslub T. Qurbonov tomonidan maxsus o`rganildi. Bu uslub OAV, xususan, gazeta, jurnal, radio, televideniye materiallari uslubidir. Tilshunoslik va jurnalistikada "publisistika janrlari", "gazeta janrlari" terminlari hozirgi vaqtda kam ishlatilmoqda. Adabiyotshunoslikda ham "publisistika janrlari" terminining qo`llanishi mustahkam o`rnini egallagan. Lekin o`zbek tilshunosligida "gazeta janrlari" termini hozirgacha o`zining aniq ifodasini, obyektini topgan emas, u "publisistika janrlari" termini bilan birga parallel qo`llanmoqda.

Yana bir muammo shundaki, gazeta materiallari janrlar bo`yicha aniq o`z tasnifiga ega emas. O`zbek tilshunosligi va jurnalistikasidagi mavjud adabiyotlarda ular turlicha miqdorda umumiy tarzda sanaladi, xolos. Gazeta materiallarini janrlar bo`yicha guruhlarga ajratish e'tibordan hamon chetda qolib kelmoqda.

Rus tilshunosligida gazeta materiallari janrlari bo`yicha aniq tasnifiga ega. O`zbek vaqtli matbuotida ham XX asr boshidan janrlar yuzaga keldi. Vaqtli

matbuot rivojlanishi bilan janrlarning o`ziga xos xususiyatlari, farqli tomonlari, yangi turlari paydo bo`ldi va taraqqiy etdi. Janrlar haqida fikr yuritilganda, o`zbek tilshunosligida "publisistik janr" deyiladimi yoki "gazeta janri"mi, bundan qat'iy nazar, ularning miqdori, to`liq turlari haqida aniq tasnif yo`qligi bu sohadagi ishni ancha murakkablashtirdi. "Gazeta tili", "Gazeta janrlari uslubiyati" maxsus kurslari dasturi hamda "Jurnalistik ijod nazariyasi va amaliyoti (janrlar)" kursi dasturida gazeta janrlari va ularning tasnifi keltirilgan. Ularda o`zbek tilshunosligida "gazeta janrlari"ning belgilab berilganligini, janrlar tasnifidagi ba'zi turli xilliklarga qaramasdan, bu sohaga bir muncha aniqliklar kiritilganligini alohida ta'kidlash lozim.

T. Qurbonov tadqiqotlarida publisistik uslub janrlari ajratib ko`rsatilgan. U publisistik uslubning quyidagi janrlarini qayd etgan: xabar, reportaj, korrespon-densiya, maqola, siyosiy maqola, siyosiy, iqtisodiy va ilmiy xarakterdagi maqola, ocherk, felyeton, pamflet, lavha, partiya va hukumatning direktiva va qarorlari, axborot, turli sharhlar, taqriz, ijtimoiy-siyosiy esse, ochiq xat, xalqaro xabar, chaqiriq. S. Muhamedov gazeta publisistikasi tarmog`i - gazeta publisistikasi janri sifatida quyidagilarni ko`rsatgan: reportaj, hisobot, intervyu, korrespondensiya, maqola, sharh, obzor, taqriz, matbuot obzori, ocherk, felyeton, pamflet, lavha.

O`zbek badiiy publisistikasining xususiyatlari to`g`risida qator tadqiqotlar yaratgan O. Tog`ayev xat, ocherk, felyetonni badiiy publisistika janrlari sifatida baholagan edi. Uo`z tasnifida badiiy publisistik janrlar (xat, ocherk, felyeton) bilan birga ijtimoiy-analitik yoki informatsion-analitik (korres-pondensiya, maqola, reportaj) publisistika janrlarini ajratib ko`rsatadi. Olimning janrlarni alohida belgilariga qarab guruhlarga bo`lishi, ayniqsa, e'tiborga molikdir.

Felyeton janrining tarixi, uning o`zbek matbuotida shakllanishi, taraqqiyoti haqida maxsus fikr yuritilgan tadqiqotda, u "matbuot janri", "satirik janr", "satirik-publisistika janri" terminlari ostida baholangan. O`rni bilan "adabiy va badiiy publisistika janrlari" termini ham qo`llanilgan. "Matbuot janrlari" sifatida informasion janrlar, korrespondensiya, oddiy tanqidiy maqola, bosh maqola, umum-siyosiy nazariy maqola, reportaj kabilar ham ajratib ko`rsatilgan.

Tadqiqotchi turli terminlarni qorishiq (aralash) holda qo`llagan bo`lsa-da, felyeton janri-ning xususiyatlarini, asosan, matbuot janri sifatida, gazeta va jurnal-lar materiallari asosida yoritib bergan. Bu esa, matbuot janri, xususan, gazeta janri haqida alohida, badiiy publisistikadan farqli tarzda, mulohaza yuritish mumkinligini ham ko`rsatadi.

A. Boboyeva "gazeta janrlari" mavjudligini tan olgan holda, axborot janrini ajratib ko`rsatadi. Shuningdek, olimaning felyeton va ocherkka nisbatan ishlatgan terminlari ham ("ijtimoiy-publisistik", "badiiy-publisistik") diqqatni tortadi.

Keyingi paytlarda o`zbek tilshunosligida "gazeta tili", "gazeta uslubi", "gazeta janrlari" tushunchalari tobora mustahkam o`rin egallamoqda. I.Toshaliyev "gazeta janrlarining tasniflanishi va guruhlanishi"ni quyidagicha belgilaydi: "Axboriy (informasion) janrlar. Tahliliy (analitik) janrlar. Tasviriy (badiiy-publisistik) janrlar". U xabar, hisobot, suhbat, reportaj, lavha (axborot (informat-sion) janrlar), korrespondensiya, maqola, publisistika, xat, xalqaro obzor, matbuot obzori, taqriz (tahliliy (analitik) janrlar), ocherk, felyeton, pamflet (badiiy-publisistik janrlar) kabilarni o`z tasnifida qayd etgan.

G`.G`afurov "publisistik janrlari" va "jurnalistik janrlar" terminlarining ma’nodosh ekanligini qayd etib, janrlarni quyidagicha tasnif qiladi:

“1) Axborot janrlari: xabar, suhbat, intervyu, hisobot, reportaj.

2) Axborot-tahliliy janrlar: korrespondensiya, maqola, taqriz, sharh, kuzatish, xat, matbuot sharhi. 3) Badiiy-publisistik janrlar: ocherk, felyeton, satirik janrlar, esse, lavha”.

Matbuot, jumladan, gazetaning xarakterli xususiyatidan kelib chiqqanda, uning asosiy vazifasi informasiya (axborot) berish va badiiy-publisistik vositalar orqali obrazli tarzda ta’sir etish hamda boshqalardan iborat. Tadqiqotchilar matbuotning vazifasi va ifoda usullari hamda shakllaridan kelib chiqib, janrlar haqida gapirganda, "informatsion" yoki "axborot" janrlari, "badiiy-publisistik janr", "analitik janr" terminlarini ishlatganlar.

A. Abdusaidov tadqiqotlarida gazeta tili quyidagicha tasnif asosida o`rganilgan:

1-rasm. Gazeta janrlari



I. Axborot (informasion) janrlari. 1. Xabar: xronika-xabar, axborot-xabar, tanqidiy yoki satirik xabar, maxsus sarlavhalar ostidagi qisqa xabarlar, kengaytirilgan xabarlar. 2. Reportaj: shu kungi voqealar haqidagi reportaj, mavzuli reportaj, muammoli reportaj. 3. Hisobot: oddiy hisobot, tahliliy hisobot, mavzuli hisobot, muammoli hisobot, ilmiy hisobot, sud hisoboti, rasmiy voqyealar haqidagi hisobot. 4. Intervyu: intervyu-monolog, intervyu-dialog, intervyu-lavha, portret-intervyu, davra-suhbat, matbuot konferensiyasi.

II. Tahliliy (analitik) janrlar: 1. Korrespondensiya: axborot korrespondensiya, tahliliy korrespondensiya, muammoli korrespondensiya, ijobiy korrespondensiya, tanqidiy korrespondensiya, portret korrespondensiya, mulohaza-korrespondensiya. 2. Maqola: bosh maqola, nazariy maqola, muammoli maqola, tanqidiy maqola, tashviqot xarakterdagi maqola, ilmiy-ma’rifiy maqola. 3. Taqriz. 4. Sharh: umumiy sharh, mavzuli sharh, axborot sharhi, matbuot sharhi. 5. Obzor: mavzuli obzor, umumiy obzor, axborot obzor. 6. Xat: gazetxon xati, ochiq xat, murojaat, tabrik, yozuvchi xati. 7. Kuzatish: umumiy kuzatish, mavzuli kuzatish.

III. Badiiy-publisistik janrlar.1. Lavha. 2. Ocherk: ocherk-portret, safarnoma (yo`l ocherki), muammo-ocherk, ocherk-lavha. 3. Felyeton: hujjatli felyeton.

Publisistik uslubga amal qilinadigan manbalar orasida, ayniqsa, matbuot, ya’ni gazeta va jurnallarning alohida o`rni bor. O`zbek tilshunosligida gazeta tilini

tadqiq etish bo`yicha qator tadqiqotlar yaratilgan. A.Abdusaidovning «Jurnalist-ning tildan foydalanish mahorati» nomli monografiyasida gazeta tilini o`rganishga doir adabiyotlar obzori keltirilgan. Unda ko`rsatilishicha, o`zbek tilshunosligida gazeta leksikasi, vaqtli matbuotda baynalmilal so`z va terminlar qo`llash, «Mushtum» jurnali leksikasi va frazeologiyasining semantik-stilistik xususiyatlari, gazeta nutqi, gazeta sarlavhalari, gazeta materiallari asosida leksik dubletlar, leksik va sintaktik variantlar, gazeta tili statistikasi, gazeta tilining publisistik uslubdagi o`rni, janrlari, gazeta tili gram-matikasi, «Turkiston viloyatining gazeti»ning ayrim sintaktik xususiyatlari, XX asrning birinchi yarmi vaqtli matbuoti materiallaridan olingan boy faktlar asosida qadimgi turkiy so`zlar, o`zlashgan leksik qatlam, polisemiya, kalka masalasi, gazeta tili va adabiy me'yor masalalari o`rganilgan muhim tadqiqotlar mavjud.

Publisistik uslubda gazeta tilining o`ziga xos o`rni va xususiyatlari bor. Gazeta tiliga xos belgilar sifatida K.Yusupov, A.Boboyeva, A.Abdusaidov quyidagilarni ko`rsatishgan: 1. Gazeta tili yozma adabiy tildir. U o`ziga xos lingvistik belgilarga ega. 2. Gazetada barcha vazifaviy uslublarga oid materiallar bosiladi. Ayrim materiallarda ular qorishiq holda keladi. Bu gazeta tilining o`ziga xos ususiyatlaridan hisoblanadi. Boshqa vazifaviy uslublarga doir materiallar (m., she'r, hikoya, badiiy asardan parchalar, farmon, qaror kabilar), agar gazeta materiallariga singdirilmagan bo`lsa, o`z uslublari doirasida o`rganilishi lozim, ya'ni u gazeta tiliga aloqador bo`lmaydi. 3. Gazeta materiallari uslubi va ifodasi jihatidan farqlanadi. Xabar, bosh maqola, korrespondensiya, hisobot, sharh kabilar sof adabiy tilda yozilsa, lavha, ocherk, ochiq xat, reportaj, tanqidiy maqola, felyeton kabilarda badiiy uslubga xos elementlardan keng foydalaniladi. Bu janrlarda ba'zan o`z o`rni bilan sheva elementlari ham ishlatiladi. 4. Gazeta tili badiiy, so`zlashuv uslublari tiliga yaqin turadi, ilmiy, rasmiy uslublar tilidan farq qiladi. 5. Gazeta tili uchun standart (andoza) va shtamp (qolip)lardan foydalanish xarakterlidir.6. Gazeta tilining o`ziga xos xususiyati uning informativlik (axborot berish), tashkilotchilik, targ`ibot va ta'sirchanlik kabi vazifalaridan kelib chiqadi. Til vositalaridan foydalanishda gazeta tiliga xos ana shu xususiyatlar hisobga

olinadi. 7. Gazeta tilida ekspressivlik o`ziga xos tarzda ifodalanadi. Ta'sirchanlikni ta'minlashda ommaviylik, obrazlilik, emotsionallik va ekspressivlik, aniqlik va konkretlik, ixchamlik, munoza-ralilik kabilar alohida e'tiborga olinadi. 8. Gazeta janrlarida tilning imkoniyatlaridan foydalanish holati bir-biridan farq qiladi. Axborot, tahliliy va badiiy-publisistik janrlarda lug`aviy, frazeologik, grammatik vositalarning ekspressiv-uslubiy imkoniyatlaridan foydalanish o`xshash va farqli tomonlarga ega. Til vositalarining uslubiy xususiyatlaridan foydalanishda turli usullar ishlatiladi. 9. Gazeta tilida adabiy tilning imloviy, lug`aviy, grammatik, punktuasion va uslubiy normalariga qat'iy amal qilinadi. Adabiy normadan chetga chiqishlar (ma'lum uslubiy maqsad uchun) lavha, ocherk, tanqidiy maqola, felyetonlar tilida uchraydi. Badiiy uslubda umumiy normaga rioya qilinsa, gazeta tilida adabiy norma doirasida ish ko`riladi. 10. Gazeta tili adabiy tilning, xususan uning leksikasining boyishiga hissa qo`shadi. Ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, ma'naviy-maishiy turmush bilan bog`liq o`zgarishlar dastlab gazetada aks etadi. Natijada yangi paydo bo`lgan yoki boshqa tillardan kirib kelgan so`zlar gazeta orqali keng iste'molga kiradi. Gazeta lug`aviy birliklar, ayniqsa, terminlarni ishlatishda «ijodiy laboratoriya» vazifasini o`taydi. 11. Gazeta davr bilan hamohang, jurnalistlarning mahorati tufayli neologizmlar va okkazionalizmlar ko`p ishlatiladigan yozma manbadir. Tilimiz leksikasidagi o`zgarishlarni aks ettirishda gazeta tili badiiy uslubga qaraganda katta imkoniyatlarga ega. 12. Gazeta tili yozma adabiy til sifatida ma'lum qonun-qoidaga, normaga bo`ysunganligi va amaldagi imlo qoidalariga asoslanganligi uchun ham yuqori savodxonlikni ko`rsatuvchi manba hisoblanadi. 13. Gazeta tili namunaviy til sifatida nutq madaniyatini oshirish, adabiy normani targ`ib etishda o`ziga xos ko`zgu vazifasini bajaradi. Undagi ayrim kamchiliklar aniqlanib, gazeta tilining holatiga va til taraqqiyotidagi o`zgarishlarga tegishlicha baho berib boriladi.

Xulosa qilib aytganda, ommaviy kommunikatsiya ko'rinishlaridan biri gazeta nutqidir. Gazeta publisistikasi ommaviy kommunikatsiyaning faol formalaridan biri bo'lib, publisistik uslubning eng dolzarb, eng ommaviy va eng xalqchil shaklidir. Bu juda murakkab hodisadir. Chunki gazetaning vazifasi ko'p funksiyali,

ko’p qirralidir. Gazetaning ommaviylik xarakteri matbuot oldidagi muhim masalalardan biridir. Gazetaning kundalik hayotdagi roli ham shuni taqozo etadi. Bu esa faqat jo’ngina tasvir bo’lib qolmasdan, balki ifodaning ta’sirchan bo’lishi lozimligini ko’rsatadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Abdusaidov A. Gazeta janrlarining til xususiyatlari: Filol. fan. dokt. ...dis. avtoreferati. – Toshkent, 2005. – 32 b.
2. Kurbanov T. Publitsisticheskiy stil sovremennogo uzbekskogo literaturnogo yazika: Avtoref. dis. ... kand. filol. nauk. – Tashkent, 1987. – 22 s.
3. Grebenina A. M. Obzor pechati: Nekotorie prblemi teorii janra. - M.,1980;
4. Blajov E. A. Gazetnie janri v ekonomicheskoy propagande. – M.,1974;
5. Pelt V. D. Dif- ferentsiatsiya gazetnix janrov. – M.,1984;
6. Vakurov V. N., Koxtev N. N., Solganik G. Ya. Problemi gazetnix janrov: Sb.statey. - L.: LGU, 1962; Stilistika gazetnix janrov. – M.,1978;
7. Qurbonov T. I. Publitsistik uslub masalasiga doir. // O‘zbek tili stilis-tkasi va nutq madaniyati masalalari. –Samarqand: SamDU, 1980,77-b.
8. Muxamedov S. A., Piotrovskiy R. G. Injenernaya lingvistika i opit sistemno-statisticheskogo issledovaniya uzbekskix tekstov. – Tashkent: Fan, 1986,75-b.
9. Tog‘ayev O. Publitsistika janrlari. – Toshkent: O‘qituvchi, 1976, 3-6-b.
10. Saidov O. Satira tili bilan. - Toshkent, 1978, 4-, 32-b.
11. Boboeva A. Gazeta tili haqida. - Toshkent: Fan, 1983, 20-b.
12. Abdusaidov A. Gazeta janrlarining tili va uslubi. –Samarqand, 2001. – 192 b.

FUNKSIONAL VA PRAGMATIK ASPEKTDA MEDIAMATN

Malik XODJAYOROV
Qarshi davlat universiteti
mustaqil izlanuvchisi

Mediadiskursning ko‘plab zamonaviy tadqiqotlari "Muallif – matn - manzil" triadasi doirasida kommunikativ aktning modellarini tavsiflashga bag‘ishlangan. Antropotsentrik paradigma pozitsiyasidan mediamatn mohiyatini keng ma’noda talqin qilishga harakat qilinadi va asosiy diqqat uning funksional tomoniga qaratiladi [1]. Mediadiskursda auditoriya ongini manipulyatsiya qilishni o‘rganish sohasida kognitiv-pragmatik yondashuvdan foydalanish muhim sanaladi. E. G.

Shestakovaning fikriga ko‘ra, zamonaviy media makonining funksiyalarida sezilarli o‘zgarishlarning jadal rivojlanishi kognitiv-pragmatik yondashuvdan foydalanish hisoblanadi. Zamonaviy mediamatnlari funksiyalarining media makonida sezilarli o‘zgarishlarning jadal rivojlanishi ularni o‘rganishning umume’tirof etilgan usullari, o‘rnatilgan tushunchalar bilan bir qatorda, allaqachon o‘z xususiyatlarini yo‘qotishiga olib keldi. Ularning yordami bilan bu sohadagi ichki va tashqi jarayonlarni o‘rganish imkonsiz ko‘rinadi. Ushbu vaziyatdan chiqish yo‘llaridan biri sifatida muallif semiotika metodologiyasiga murojaat qiladi[2]. XX asrdan boshlab ommaviy axborot vositalarining semiotik voqelikni qurishdagi rolini aniqlash, shuningdek, elektron media kanallari orqali ma’nolarni tarjima qilish jarayonlarini o‘rganish jarayonida faol foydalanilmoqda[3]. Zamonaviy madaniyat vizuallikka burilish bilan tavsiflanadi, bu og‘zaki va ishora-ramziy tabiatda, shuningdek, mediamatnning maqsad va funksiyalarida sezilarli o‘zgarishlarga olib keldi [4].

“Pragmatika til belgilarining nutqdagi harakatini o‘rganuvchi tilshunoslikning tadqiqot doirasidir. Lingvistik pragmatika aniq shaklga ega emas. Uning tarkibiga so‘zlovchi va tinglovchiga, ularning nutq jarayonidagi o‘zaro munosabatiga bog‘liq masalalar majmui kiradi. Gapiruvchi shaxsning tinglovchi diqqat-e’tiborini tortish, ularga kommunikativ ta’sir qilish, qiziqtirib qo‘yish, fikrini jalb qilish yoki aksincha, chalg‘itish, hayajonga solish, to‘lqinlashtirish, ishontirish yoki aldashga urinishida so‘zning, so‘z birikmasining ekspressiv-emotsional-baholovchi konnotativ ma’nosini, ya’ni pragmatik ma’nosini tadqiq qilish ehtiyoji vujudga keldi [5]”. Pragmatikaning maqomini aniqlashga yondashuvlarni tahlil qilish va taqqoslashdan keyin E.G. Kotorova fan sifatida ularning barchasini birlashtiruvchi umumiy xususiyatni ajratib ko‘rsatdi: pragmatika "ham lingvistik, ham ekstralingvistik komponentlarni o‘z ichiga olgan holda talqin etiladi: pragmatika - ishtirokchilarning xususiyatlari, mavjudligini va ma’nosini tushunishga imkon beradi [6]”. Muloqotning pragmatik konteksti tobora muhim ahamiyat kasb etmoqda. Bu ijtimoiy, etnik, biologik aloqalar, ularning munosabatlari va boshqalardan iborat [7]. Ommaviy axborot vositalarining nutqi

davlatning in’ikosi va zamonaviy tabiiy tilning o‘z vazifalarini to‘liq amalga oshirishda rivojlanishining omili bo‘lib, u uchun qulay zamin bo‘ldi. Ommaviy axborot vositalari matnlarini ularning adresatga ta’siri nuqtai nazaridan tadqiq qilish muhimdir. A. D. Vovchok ta’rifiga ko‘ra, mediamatnlarning pragmatik yo‘nalishi axborotni ijtimoiy baholashga dasturlashtirilgan munosabat bilan uzatishdir[8]”. Ularni yaratish jarayonida aktyor o‘quvchilarni har qanday voqea haqida xabardor qilish va "unga nutq yoki og‘zaki bo‘lmagan (jismoniy yoki hissiy) harakat shakliga tegishli munosabat bildirish" uchun barcha vositalarni sinchkovlik bilan tanlaydi [9]. U o‘z matni bilan o‘quvchiga ta’sir ko‘rsatadi, jumladan, uning ruhiyati va ijtimoiy xulq-atvori ma’lum qoidalar va muloqot strategiyalari bilan tartibga solinadi. Zamonaviy ilmiy paradigmaning shaxsga qaratilishi tabiatni o‘zgartiradi. Lingvistik tadqiqotlarning muhim tarkibiy qismi kognitiv jihatdir.

OAV nutqini kommunikativ-pragmatik aspektda ko‘rib chiqayotganda, N.F. Alefirenko o‘ziga xos xususiyatlarni ko‘rsatadi. Avvalo, mediadiskurs - bu og‘zaki dizayn, bilim va kommunikativ-pragmatik vaziyatning kombinatsiyasi, asosiy rolni "til shaxsining ichki dunyosining turli tomonlariga qaratilgan kognitiv shakllanishlar" ijtimoiy faoliyat turi deydi [10].

Muallif va adresatning o‘ziga xosligi OAV aloqasining asosiy subyektlari muallif va adresat bo‘lib, zamonaviy mediamatnining o‘ziga xosligini belgilaydi. Haqiqiy muallif va haqiqiy adresat - mos ravishda mediamatnni yaratuvchisi va oluvchisi - va matnning o‘zida lingvistik vositalar bilan shakllanadigan muallif/adresat obrazini farqlash kerak. Mediamatnning umumiy tavsifini berib, biz mediamahsulotning haqiqiy muallifi-ishlab chiqaruvchisi kollektiv subyekt ekanligini, lekin muallif obrazi (mualliflik tamoyili) mediamatn orqali turlicha tuzilishi mumkin. T.V. Shmeleva mualliflik tamoyilining stilistik xususiyatlarining uchta parametrini aniqlaydi: muallifni aniqlash, murakkablik darajasi va muallifning "men"ini ifodalash vositalarining o‘ziga xosligi [11]. Tadqiqotchi, shuningdek, muallif ishtirok etadigan rollar ro‘yxatini taklif qiladi: targ‘ibotchi (tashviqotchi), polemist, muxbir, yilnomachi, rassom, tahlilchi, tadqiqotchi, ironist,

informator ("kamtarona" va "baholovchi"), intervyu beruvchi (aniq va yashirin), muxbir, tahlilchi, matbuot kotibi (ko‘pincha bu funksiyada sharhlovchilar ishlaydi). Tabiiyki, bu turdagi mualliflar sof shaklda uchramaydi: bitta matn ichida muallif rollarni o‘zgartirishi va voqealar ishtirokchisi yoki intervyu beruvchi yoki so‘zlovchi yoki tahlilchi sifatida harakat qilishi mumkin. "Muallifni va uning rolini aniqlash sizga matnning janr mohiyatini ko‘rishga, muallifning barcha ko‘rinishlarini hisobga olishga imkon beradi - aniqdan tortib to ochiq ko‘rinishgacha - va muallifning prinsipini ifodalashning har bir usulini stilistik jihatdan baholashdan iborat". Muallifning matnda ifodalanishining murakkablik darajasini muhokama qilib, T.V. Shmeleva bir muallifning ovozli matnlari va polifonik matnlarni ajratib ko‘rsatadi va quyidagiga e’tibor qaratadi: matnga boshqa odamlarning ovozi qanchalik ko‘p kiritilsa, uning bevosita muallifi unchalik muhim emas. Tadqiqotchi bu hodisani "muallifga taqlid qilish" deb ataydi. Muallifni ifodalashning bunday usulini "mas’uliyatdan qochish" kommunikativ strategiyasini amalga oshirish deb hisoblash mumkin: muallif shaxsan tayinlangan bo‘lsa-da, u xususiy shaxs sifatida emas, balki korporatsiya vakili sifatida harakat qilishini ko‘rsatadi. Nihoyat, ommaviy axborot vositalari matnida mualliflik tamoyilining turli nisbati haqida gapirish mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati

1. Таюпова О. И. Антропоцентричность текстов масс-медийного дискурса // Российский гуманитарный журнал. – 2018. – №3. – С. 223-231.

2. Шестакова Э. Г. Парадоксы современного медиатекста в контексте методологии семиотики [Электронный ресурс] // Медиалингвистика. – 2019. – № 6 (2). – С. 180–195. – Режим доступа: https://medialing.ru/paradoksysovremennogo-mediateksta-v-kontekste-metodologii-semiotiki/

3. Пампура Ж. В. Семиотический подход к средствам массовой информации (СМИ) // Вестник КрасГАУ. – 2010. – №8. – С. 165-168.

4. Шестакова Э. Г. Парадоксы современного медиатекста в контексте методологии семиотики [Электронный ресурс]. // Медиалингвистика. – 2019. – № 6 (2). – С. 180–195. – Режим доступа: https://medialing.ru/paradoksysovremennogo-mediateksta-v-kontekste-metodologii-semiotiki/

5. Eshtayeva D. K. Pragmatika tushunchasi va uning tarjimadagi talqinini o'rganish, "Science and Education" Scientific Journal. / ISSN 2181-0842 January 2022 / Volume 3 Issue 1, 4 b

6. Которова Е. Г. Прагматика в кругу лингвистических дисциплин: проблемы дефиниции и классификации // Вестник РУДН. Серия: Лингвистика. – 2019. – Т. 23. – № 1. – С. 98-115.

7. Калташкина Е. Ю. Прагматические аспекты изучения политического медиадискурса // Известия Саратовского университета. – 2012. – Т. 12. Сер. Филология. Журналистика, вып. 2. – С. 27-32

8. Вовчок А. Д. Прагматические особенности экспрессивно-стилистических средств в текстах современных онлайн-газет. // Наука сегодня: вызовы и решения. Материалы международной научно-практической конференции. – Научный центр «Диспут». – Издательство: ООО «Маркер», 2017. – С. 75-76.

9. Шарипов А. Ш., Каримова, Ф. Б. Прагматическая заданность газетных заголовков (на материале английских газет) // Ученые записки. – № 2 (43). – 2015. – С. 146-150.

10. Алефиренко Н. Ф. Медиадискурс и его коммуникативно-прагматическая сущность [Электронный ресурс] // Медиалингвистика. – 2016. – № 1 (11). – С. 49–57. – Режим доступа: https://medialing.ru/mediadiskurs-i-ego-kommunikativnopragmaticheskaya-sushchnost/

11. Шмелева Т. В. Медиатизация как феномен современной культуры и объект исследования [Электронный ресурс]. // Вестник НовГУ. – 2015. – №7 (90). – Режим доступа: https://cyberleninka.ru/article/n/mediatizatsiya-kak-fenomensovremennoy-kultury-i-obekt-issledovaniya.

К ВОПРОСУ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИНТЕРТЕКСТУАЛЬНОСТИ В МЕДИАДИСКУРСЕ

Малика АХМЕДОВА
Заведующая кафедрой Информационные службы и связи с общественностью УзГУМЯ, доктор философии по филологическим наукам (PhD)

Интертекстуальность как понятие приобретает особую значимость в современных медийных практиках. Она представляет собой сложный механизм взаимодействия текстов, который способствует созданию новых смыслов и обогащению контента медиадискурса. В данной статье производится обзор теоретических аспектов интертекстуальности, а также ее функций и стратегий применения в медийном пространстве.

Н.И. Клушина в статье об особенностях публицистического стиля отмечает, что «ведущими чертами современного языка публицистики, на наш взгляд, стали интертекстуальность, ирония, языковая игра, что свидетельствует в целом о возросшей экспрессивности данного подстиля, в котором реализуется установка современного автора-публициста на творчество, а не стереотип»[47].

Рассмотрим понятие интертекстуальности и то, как журналисты используют на практике этот прием в целях воздействия на читателя. Термин интертекстуальность был введен Ю. Кристевой. Однако имеются и другие наименования этого понятия – текст в тексте, реминисценция, интертекст, аллюзия и др. Думается, что имеет смысл оценивать эти термины не как конкурирующие, а как дополняющие друг друга. Что касается самого понятия интертекстуальности, то его трактовка у разных исследователей несколько различается. Ю.С. Степанов, рассматривая интертекстуальность в содержательном плане, определяет ее как способность текста формировать собственный смысл посредством ссылки на другие тексты[48]. Ю.М. Лотман, изучая интертекстуальность с точки зрения культурологии, соотносит ее с понятием культурной традиции – содержательной памяти культуры[49]. Н.А. Фатеева проблему межтекстового взаимодействия рассматривает с двух сторон – читательской и авторской. При таком подходе возможность установления интертекстуальных отношений находится в зависимости от объема общей культурной памяти писателя и читателя[50].

Наиболее распространенным и точным по смыслу, на наш взгляд, является термин интертекстуальность. В статье под интертекстуальностью

---

[47] Клушина Н.И. Общие особенности публицистического стиля // Язык СМИ как объект междисциплинарного исследования / Ответственный редактор: д.ф.н. проф. Володина М.Н. /Учебное пособие. – М.: Изд-во МГУ, 2003.http://evartist.narod.ru/text12/15.htm#%D0%B7_18

[48] Степанов Ю.С. «Интертекст», «Интернет», «Интерсубъект» (к обоснованиям сравнительной концептологии) // Известия АН. Серия литературы и языка. – Т. 60. – 2001. – № 1. С. 6.

[49] Лотман Ю. М. Внутри мыслящих миров: Человек – текст – семиосфера – история. – М., 1996. С. 4.

[50] Фатеева Н. А. Интертекст в мире текстов: Контрапункт интертекстуальности. – М.: КомКнига, 2007. – С. 62.

будем понимать «общее свойство текстов, благодаря которым тексты могут разными способами явно или неявно ссылаться друг на друга»[51].

При этом «структурно или семантически преобразуя известное устойчивое речение, добавляя к нему новые смысловые, стилистические или экспрессивные оттенки, автор соотносит его прямое и “обновленное” значение, побуждая тем самым читателя к активной мыслительной деятельности. Ассоциативные нити, возникающие при этом у читателя, связывают преобразованную цитату с ее общеизвестным источником и создают яркий экспрессивно-стилистический эффект»[52].

В основе интертекстуальности лежат прецедентные тексты. Понятие «прецедентный текст» было введено Ю.Н. Карауловым. Это такие тексты: 1) «значимые для той или иной личности в познавательном и эмоциональном отношении, 2) имеющие личностный характер, т.е. хорошо известные широкому окружению данной личности, включая ее предшественников и современников, и, наконец, 3) такие, обращение к которым возобновляется неоднократно в дискурсе данной языковой личности»[53].

Заметим, что интересно то, что наиболее часто цитатные высказывания используются в заголовках, привлекая тем самым читателя. Наш материал показывает, что прямое цитирование используется крайне редко, обычно имеет место квазицитация, то есть переосмысление, трансформация цитат, погружение их в новый контекст[54]. В результате цитата не выступает в качестве инородной по отношению к основному тексту, а, напротив, исходно чужой текст становится внутренним компонентом данного текста.

Использование интертекстуальности связано и с журналистским мастерством, и в определенной степени с небоязнью введения экспрессивности в журналистский текст, это и авторская оценка

[51] Еременко Е.Г. Интертекстуальность, интертекст и основные интертекстуальные формы в литературе. // Уральский филологический вестник. – 2012. – № 6. ─ С. 131.
[52] Шалимова Г.С. Форма новая – проблемы старые (Об одной модели газетного заглавия) // Журналистика и культура русской речи. – Вып. 1. – М., 1996. – С. 81.
[53] Караулов Ю.Н. Русский язык и языковая личность. – М.: Наука, 1987. – С. 216.
[54] Хегай В.М. Квазицитация как один из видов интертекстуальности в газетных заголовках// Иностранные языки в Узбекистане. – 2014. – № 4. – С. 46.

описываемого события. Проведенный анализ показал, что в новостном дискурсе узбекистанских Интернет-изданий интертекстуальность почти не используется в отличие от российских Интернет-изданий, прямая цитация прецедентных текстов в заголовках «Российской газеты» и «Известий» не распространена. Имеются единичные примеры, когда она используется, при этом наблюдается переосмысление цитаты в новом контексте. Например: *Выход по требованию* (о перспективах окончания самоизоляции после карантина по коронавирусу).

Самым распространенным способом интертекстуальности в нашем материале можно назвать языковую игру с прецедентным текстом, когда в известное выражение вводится изменение, связанное с подобным звучанием (паронимом) одного из компонентов. Такая интертекстуальность наиболее характерна для интернет-версии «Известий». Приведем примеры из интернет-изданий: *Хай-чек* (ср. хай-тек; о повышении цен на лекарства в России), *С чистого лица* (об обезличивании персональных данных), *Брешным делом* (об уязвимости IT компаний), *И днем, и ночью – код...* (о слежке по соблюдению самоизоляции), *Ваша карта быта* (информация о коронавирусе), *Бремя и пространство* (информация из министерства финансов), *Вопрос бревном* (лесной отрасли готовят стратегию развития), *И целого мэра мало* (в Краснотурьинске художники вместе с градоначальником расписали узел водозаборных сооружений), *Штамм-квартира* (IT-компании из-за угроз пандемии продолжат работать удаленно), *Приказали долго шить* (о некачественных школьных блузках), *Долг платежом опасен* (о коллекторах, терроризирующих граждан), *Пожизненное злоключение* (о наказании правонарушителей).

Часто квазицитация используется в интернет-изданиях с лексической заменой одного из слов. Например: *Таблетка рубль бережёт* (о росте наценок в аптеках), *Бизнесмены удачи* (перед новым годом будет работать только половина компаний), *Тест на человечность* (о волонтерах в период карантина), *Не время есть* (об открытии летних веранд в середине июля; в

этом примере также наблюдается смена положительной модальности на отрицательную), *Изоляция или смерть* (о поведении во время карантина), *Мастера на все ноги* (о работе курьеров), *Кто в мире хозяин* (о новых американских санкциях против России), *Я погиб под Харбином* (о захоронении советских солдат в Китае), *С чего начинается урок* (об исторической правде), *С чего начинается урок* (о массовой вакцинации против ковида).

Особым приемом квазицитации является так называемая «погруженная» цитата, то есть цитата, включенная в новый контекст. Приведем примеры включенных цитат из узбекистанских интернет-изданий: *Бесконечная, вечная, мудрая ... музыка* («погруженная» цитата – строчки из песни); *Зеленый свет – приоритетным проектам*; *Наша страна – кладезь талантов* («погруженные» цитаты *зеленый свет* и *кладезь талантов* включены в структуру предложения); в двух заголовках: *Международный турнир набирает обороты* и *Супертурнир в Ташкенте набирает обороты* «погруженная» цитата – фразеологизм *набирать обороты;* Победила дружба и сплоченность (цитата, включенная в контекст, – *победила дружба); До новых встреч у голубых куполов Регистана* («погруженная цитата» – *до новых встреч); Держим руку на пульсе страны* (включенная в структуру предложения цитата *держать руку на пульсе)*; *Ташкент и Пекин «сверят часы» для еще большего расширения сотрудничества* («погруженная» цитата взята в кавычки)*; «Bazar art» – ярмарка чудес* (включенная в новый контекст цитата – *ярмарка чудес)*. Зачастую «погруженные» цитаты показывают нарочитую двусмысленность, призванную создать юмористический или иронический подтекст, причем данное явление, как правило, не связано с содержанием, темой и степенью серьезности самой публикации. Приведем примеры из российских интернет-изданий: *Портянки для Золушки* (о бедности и культуре в России); *Ой-ой-ой – умирает зайчик мой* (о кризисе в Белоруссии); *Ловись, рыбка, за тысячу рублей* (об анализах на допинг); *Блеск и нищета овощного прилавка* (о рынках в Нижнем Новгороде); *Военно-*

полевой роман с трактором (об участии военнослужащих в уборке урожая).

Следующую по частоте использования образуют усеченные квазацитаты: *От Москвы и до окраин* (специальный налоговый режим для самозанятых будет распространен на всю страну), *В наш огород* (ср. бросить камень в чужой огород; здесь – о продаже семян), *Написано пером* (в регионах в перечень необходимых товаров включают печатные СМИ).

Таким образом, использование интертекстуальности – эффективный прием экспрессивного воздействия на читателя, который зачастую используется в заголовках. В российских заголовках можно чаще встретить примеры интертекстуальности, чем в узбекистанских. Наиболее частыми случаями, по нашим наблюдениям, явилось употребление языковой игры в прецедентных текстах на уровне паронимии, причем, этот прием наиболее активно используется в интернет версии «Известий». Кроме того, большую группу заголовков составляют квазицитаты в заголовках с лексической заменой одного слова и «погруженные цитаты».

Интертекстуальность играет значимую роль в формировании смысла и восприятии информации в медийной среде. Ее использование способствует обогащению контента, а также влияет на формирование культурных ассоциаций и общественного мнения. Дальнейшие исследования в этой области позволят лучше понять механизмы воздействия интертекстуальности на аудиторию и оптимизировать ее использование в медиадискурсе.

ИСПАН БОСМА МЕДИАМАҲОНИДА ЖАНР ХУСУСИЯТЛАРИ: НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР

Маҳфуза АРТИКОВА
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети ўқитувчиси, PhD

Аннотация: *Ушбу мақолада испан босма нашрларининг жанр хусусиятларига назарий жиҳатдан ёндашилиб, испаниялик ва россиялик олимлар томонидан мазкур тилдаги газеталар матнларининг жанр жиҳатдан бўлишинига оид назарий қарашлари таҳлил қилинган.*

Калит сўзлар: *газета, ахборий жанр, фикр жанри, матн, интервью, репортаж, шарҳ.*

ОАВ замонавий жамиятда муҳим роль ўйнайди, жамоатчилик фикрини шакллантиради ва ҳаётнинг турли жабҳалари тўғрисида маълумот беради. Испания ОАВ ҳам бундан мустасно эмас, у испан маданияти ва жамиятининг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради ва у сиёсат, спорт, кўнгилочар ва маданият ҳақида маълумот берувчи кенг мавзуларни қамраб олади. Испан ОАВ қизғин сиёсатдан тортиб миллионлар ўйини футболгача турли хил аудиторияларнинг манфаатларини қондириш учун турли форматлар ва таҳлилий ёндашувни таклиф этади.

Ўқувчи сиёсий ишқибоз, футбол мухлиси бўлишидан, ёки шунчаки, кўнгилочар маълумотларни олишни ёқтиришидан қатъи назар, Испания ОАВ аудитория учун янги ахборот таклиф қила олади. Ушбу хилма-хиллик ва жанрнинг ўзига хослиги испан оммавий ахборот воситаларини испан маданиятининг ноёб ва муҳим қисмига айлантиради.

Замонавий глобаллашув шароитида миллий журналистика мактабларининг хилма-хиллигини ўрганиш муҳим илмий вазифадир. Журналистик ижоднинг ягона шаклларининг тарқалиши шароитида дунёнинг турли минтақалари, шу жумладан Испания ва Лотин Америкасининг испан тилида сўзлашадиган давлатлари ўртасидаги журналистиканинг жанр тизимларидаги фарқларни ўрганиш, айниқса, долзарб бўлиб қолмоқда. Бундай тадқиқот испан босма оммавий ахборот воситаларининг жанр хусусиятларини таҳлилини амалга оширади.

Испания даврий матбуотининг жанрлари Мартин Виваалди, Мартинес Албертос, Антонио Гриҳелмо, Гонсалес Руиз ва Касасус илмий ишларида батафсил кўриб чиқилган (2).

Мазкур тадқиқотлар натижасида испан тилидаги журналистик жанрларнинг шаклланиши, унда миллий ўзига хосликни акс эттирадиган учта асосий омил билан белгиланди.

Биринчи омил: Испания журналистикаси хроника ва адабий анъаналарининг таъсири билан боғлиқ. XVIII-XIX асрларда испан тилидаги даврий нашрларнинг ўзига хос жанр тизимининг ривожланиши, шунингдек, аср давомида намоён бўлган француз журналистика мактабининг таъсири билан боғлиқ эди. Зеро, ўша вақтларда Франция нафақат испанлар зиёли қатлами, балки Лотин Америкаси мамлакатларининг кўплаб аҳолиси учун ҳам маданий диққатга сазовор жой ҳисобланган.

Иккинчи омил: испан тилидаги журналистиканинг замонавий жанр мажмуаси билан боғлиқ бўлиб, у анча кейинроқ, XX асрда шаклланган. Йигирманчи асрнинг бошларида Испания ва Лотин Америкасига Англия-Америка "далиллаш" журналистика мактаби таъсир кўрсатди. Бу таъсир, айниқса, репортаж ва интервью жанрларининг тарқалишида сезиларли бўй кўрсатиб, 1870-1914 йилларда АҚШ ва Англиянинг даврий газета нашрларида ўзини намоён қилди (3, 27).

Биринчи Жаҳон урушидан кейин журналистиканинг чуқур тижоратлашуви туфайли ушбу мактабнинг таъсири янада сезиларли бўлди. Бу испан тилидаги даврий нашрларнинг замонавий жанр тизимининг ўзига хослигини аниқлаган яна бир омилдир (4, 196).

А. Гриҳелмо нуқтаи назарига кўра (1, 37), Испания даврий матбуотининг жанрларга бўлиниши журналист ёки газета матни муаллифининг ёзма материалларга шахсий жалб этилиш даражасига боғлиқ. Шундай қилиб, унинг фикрича, ахборот жанрларининг соф шаклда табақаланиши мавжуд. Жумладан, ахборий жанрларга янгиликлар, муаллифнинг фикри қатнашмаган қисқа, объектив интервью, суҳбат, турли хил ахборий ҳисоботлар, архив ҳужжатлари киради.

Иккинчи гуруҳ фикрр ва ахборий жанр бўлиб, унда маълумот муаллифнинг шахсий фикри ва талқини билан бойитилади ва бундай матнларга хроника, журналистнинг таассуротлари ҳисобга олинадиган интервьюлар ва оддий репортаждан фарқли ўлароқ, кўпроқ воқеаларни қамраб оладиган таҳлилий репортажлар киради.

Энг сўнгги гуруҳ эса, фикр жанрлари бўлиб, унда журналист муносабати, муҳаррир минбари, шарҳлар, эсселар ёзилади.

Мартин Алонсонинг фикрига кўра, газета матнлари муаллиф шахсига минимал таъсир кўрсатади ва шахсга боғланмаганлиги билан ажралиб туради. Бу хусусият услубий хилма-хилликни йўқотишдан кўра кўпроқ вақт ва маконни тежаш зарурати билан боғлиқ. Муаллиф иқтисод тамойилини энг аниқ ва ифодавий воситаларини излаш билан моҳирона бирлаштириши керак, чунки газета ахборот манбаи бўлиб, мафкуравий ва тарғибот ғояларини олиб боради, шунингдек, кўнгилочар хусусияти билан ҳам жамиятнинг кенг аудиториясига қаратилгандир (3, 186).

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, замонавий испан газеталарида жанрлар матн турига эмас, айнан унда журналистнинг иштирокига кўра гуруҳларга ажралади. Шунингдек, ўзбек журналистикаси мавжуд бадиий-публицистик услуб испан журналистикасида бугунги кунда адабиёт жанри ҳисобланмоқда. Мазкур жанрлар гуруҳи ўрнини эса фикр жанри эгаллаган бўлиб, фуқаролик журналистикаси хусусиятларини ҳам ўзида жамловчи блогерлик матнлари ҳам мазкур гуруҳ таркибидадир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Grijelmo A. El estilo del periodista. – Madrid: Taurus, 2002. – 608 p.
2. Martнn Vivaldi, G. Curso de redacciyn. – Madrid: Paraninfo, 1972. – 494 p.; Martнn Vivaldi, G. Gйneros periodнsticos. – Madrid: Paraninfo, 1973. – 362 p.; Grijelmo A. El estilo del periodista. – Madrid: Taurus, 2002. –608 p.
3. Martнnez Albertos J. L. Curso general de la redacciyn periodнstica. - Madrid: Paraninfo, 1992. – 269 p.
4. Короченский А. П. Историко-культурные истоки классификационного разнообразия жанровой системы испаноязычной периодики. // Научные ведомости БелГУ. Серия Гуманитарные науки. 2011. № 18 (113). Выпуск 11. – С. 195-206.

ФОТОГРАФИК ЖАНРЛАРДА ФОТОГРАФИК РАСМЛАР

Кумар ПЕРДЕБАЕВА
Бердақ номидаги Қорақалпоқ
давлат университети докторанти

Фотографик расм деб, фото ёки кино объектив ёрдамида олинган расмга айтилади. Фотографик расмларнинг бир қатор турлари бор ва улар ўзига хос тарзда дизайн вазифаларини бажарадилар.

FluentU integrates authentic films from real-life contexts, interactive captions, and customized quizzes in order to facilitate the enhancement of listening and vocabulary abilities among young language learners. The website provides a diverse array of captivating content, encompassing cartoons, music videos, and news snippets, all of which incorporate interactive elements aimed at augmenting the learning experience.

ABCmouse is an educational platform specifically developed to cater to the learning needs of children between the ages of 2 and 8. In addition to including a wide range of topics, the platform has a thorough program for acquiring proficiency in the English language. The educational program incorporates

interactive elements such as games, songs, riddles, and exercises with the aim of instructing learners in vocabulary acquisition, phonics mastery, and reading comprehension proficiency.

The smartphone application known as Fun English by Studycat provides an engaging and dynamic platform for young learners to acquire English language skills in an enjoyable manner. The platform provides a variety of captivating activities, including interactive narratives, gaming experiences, melodic compositions, and assessments, with the aim of enhancing vocabulary acquisition, grammatical proficiency, and auditory comprehension abilities.

The website known as British Council - LearnEnglish Kids has been created by the esteemed British Council. It provides a diverse array of interactive games, films, songs, and stories, all designed to cater to the needs of young individuals who are learning the English language. The program encompasses a range of language abilities and offers a variety of resources tailored to different levels of ability.

PBS Kids - WordWorld is an educational platform and television program designed to foster early literacy abilities among young children, encompassing English vocabulary and phonics instruction. The platform offers interactive games, films, and activities that focus on enhancing word formation skills and promoting language comprehension.

CONCLUSION. As an educator in the field of language instruction, it is crucial to bear in mind that while technology can serve as a significant instrument in language education, it is imperative to maintain a harmonious equilibrium and guarantee the inclusion of meaningful human interaction and supervision within the learning process, particularly for young learners. Educators should duly consider evaluating the suitability of these platforms in relation to the age and proficiency level of the juvenile students, while also factoring in parental engagement and oversight throughout the utilization of online platforms.

References

1. https://corp.kaltura.com/blog/innovative-teaching-strategies/
2. Bergmann, J., & Sams, A. (2012). Flip your classroom: Reach every student in every class every day. International Society for Technology in Education.
3. Kapp, K. M. (2012). The gamification of learning and instruction: Game-based methods and strategies for training and education. Pfeiffer.
4. Huang, T. (Ed.). (2018). Emerging technologies for education: Second International Symposium, SETE 2017, Held in Conjunction with ICWL 2017, Cape Town, South Africa, September 20-22, 2017, Revised Selected Papers. Springer.
5. Iriskulov, A. T., Aslanov, A. S., & Subhonova, A. A. Q. (2021). Possible dangers for a language which affect to its global status. *Scientific progress*, *2*(2), 168-174.
6. Shukrulloevich, T. J., & Subxanovich, A. A. (2022). THE RISING OF THE INEQUALITY ON THE EDUCATION SYSTEM OF PRESCHOOLS IN UZBEKISTAN.
7. Bokiyevna T. P., Akbarovna S. M., Sharipovna K. G., Xudjiyarovna A. K., & Subhanovich, A. A. (2019). Formation of the communicative competence of students in the process of teaching a foreign language in a non-language university. *Religaciyn: Revista de Ciencias Sociales y Humanidades*, *4*(20), 218-221.
8. Subxanovich, A. A. (2023). THE IMPORTANCE OF THE SPEECH CULTURE AND ITS ROLE IN THE MEDICAL PROFESSION. *Open Access Repository*, *9*(2), 138-142.

ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЖОЗИБАДОРЛИКНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР

Беҳзод ҚУРБОНОВ
Банк ва молия академияси магистранти
Сардорбек ДИЁРОВ
Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти докторанти

Жаҳон тажрибасидан маълумки, инвестицияларни жалб қилмасдан, айниқса мамлакатга тўғридан-тўғри инвестицияларни иқтисодиёт тармоқларига жалб қилмасдан иқтисодий ривожланишга эришиб бўлмайди. Бу учун, энг аввало, иқтисодиёт тармоқлари жозибадорлигини ошириш зарур. Иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларининг инвестиция жозибадорлигини оширишнинг мақбул механизимини излаб топишда

нисбатан қисқа давр мобайнида иқтисодий ривожланишда улкан натижаларга эришган ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиётига эга бўлган мамлакатлар тажрибаси алоҳида диққатга сазовордир. Жаҳоннинг ривожланган давлатларидан фарқли равишда, бу мамлакатлар тажрибасини ўрганиш шуниси билан қизиқки, улар аввалда ривожланиш даражаси бўйича Ўзбекистонга яқин бўлган ҳолда инвестиция сиёсатини амалга ошириш оқибатида катта натижаларга эришдилар.

Тармоқлар инвестиция сиёсатини амалга оширишнинг энг оммавий услубларидан бири бўлиб ҳудудларни ривожлантириш жамғармаларини ташкил этиш ҳисобланади. Масалан, 1975 йилда Европа Иттифоқи қошида ҳудудий мувофиқлаштириш жамғармаси ташкил этилган. Бошқа қатор мамлакатларда ҳам айрим ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш мақсадида махсус жамғармалар (Италияда давлат субсидияси ҳисобига фаолият олиб борадиган ва жанубий ҳудудлар инфратузилмаларини ривожлантиришга йўналтирилган “Жанубий хазина”; Болгарияда баъзи ҳудудлар ривожланишини жадаллаштириш давлат дастурини амалга ошириш бўйича жамғарма, Венгрияда учта мақсадли жамғармани бирлаштирувчи ҳудудларни ривожлантириш марказий жамғармаси ва бошқалар) тузилган.

Кўплаб хорижий мамлакатлар минтақавий сиёсатининг муҳим хусусияти шундан иборатки, уларда йирик маъмурий-ҳудудий бирликлар бўлиб губерниялар, штатлар, провинциялар эмас, балки шаҳарлар ва муниципалитетлар ҳудудий мувофиқлаштириш маконлари ҳисобланади. Буларга, жумладан, Францияда кам ривожланган Жануби-Ғарб минтақасининг 9 та агломерацияси ва 17 та шаҳар, Испанияда 10 та “ривожланиш марказлари” ва 2 та “саноатни рағбатлантириш марказлари”, Японияда 10 та “саноатни ривожлантиришнинг алоҳида туманлари” ва 6 та “янги саноат шаҳарлари”, Италияда 12 та “саноатни ривожлантириш

ареаллари” ва 26 та “индустриализация ядролари”, Германияда 300 та “муҳим аҳоли пунктлари” ва бошқаларни мисол қилиб келтириш мумкин.[180]

Нидерландия ва Бельгиянинг бу соҳадаги тажрибаси айниқса диққатга сазовордир. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, минтақалардаги шаҳарлар ва қишлоқлар ривожланишини режалаштириш бўйича қонун биринчи марта 1915 йилда Бельгияда қабул қилинган. Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида минтақавий инвестиция сиёсати ҳар бир ҳудуднинг ички имкониятлари ва шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда турлича қўлланилиши мумкин.

Хитой Халқ Республикасининг иқтисодий ривожланиш модели ва хорижий инвестицияларни жалб этиш тажрибаси Ўзбекистон учун алоҳида аҳамият касб этади. Бу Хитойнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги хусусиятлар, ундаги демократик вазиятнинг ўзига хослиги, қишлоқ хўжалигининг иқтисодиётдаги юқори аҳамияти, қайта ишлаш саноатининг кам тараққий этганлиги, унинг аграр-индустриал мамлакат эканлиги каби ўзига хос ижтимоий шарт-шароитлар билан тавсифланади. Бу мамлакатнинг хорижий инвестицияларни жалб қилишда эришган ютуқлари эса кўп жиҳатдан унинг минтақаларидаги қулай инвестиция муҳитининг яратилганлигига боғлиқ.

Хитойда ишчи кучи қийматининг арзонлиги, ердан фойдаланиш, ишлаб чиқаришга киритилган капитал учун кенг кўламли имтиёзлар, ижтимоий-маиший инфратузилманинг ривожланганлиги ва бошқа ҳолатлар бу мамлакатнинг сўнгги йиллар ичида хорижий инвесторлар учун капитал киритиш объектига айланишига олиб келди. Хитойда шаклланган бож белгилаш тартиби, ривожланган ташқи иқтисодий алоқалар ва валюта қонунчилиги хорижий инвестициялар кириб келишига қулай имкониятлар яратди. Хитойнинг минтақалар иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш сиёсати йиллар давомида такомиллашиб келмоқда. Бу

[180] Ишмуҳамедов А.Э., Раҳимова М.Р., Ишмуҳамедова Л.А. Минтақавий иқтисодиёт. Дарслик. – Т.: ТДИУ. 2007. –165–166-б.

сиёсатнинг ривожланиш жараёнини шартли равишда уч босқичга ажратиш мумкин.[181]

Биринчи босқич, 1979–1982 йилларни ўз ичига қамраб олади. Бу босқичда Хитойда “очиқ эшиклар” сиёсати шаклланди. 1980 йилларнинг бошида маҳаллий ҳукуматларга хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича қарорларни қабул қилиш ҳуқуқи берилди. Бу даврда хорижий инвесторларга катта имтиёзлар берилди.

Иккинчи босқич, 1983–1991 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда хорижий инвестицияларни жалб этиш сиёсати такомиллаштирилди. Мамлакатда қабул қилинган қонунлар ва меъёрий ҳужжатларда асосан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга катта имтиёзлар берилди.

Учинчи босқич, 1992 йилдан ҳозирги кунга қадар давом этмоқда. Хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг улар учун ёпиқ бўлган – молия, суғурта ва бошқа соҳаларга ҳам жалб этилиши айнан 1992 йилдан кейин бошланди. Бундай самарали ислоҳотлар натижасида Хитой XXI аср бошида хорижий инвестициялар учун энг жозибали мамлакатлардан бирига айланди.

Лотин Америкасининг кўпгина мамлакатларидан фарқли равишда, Чилида хорижий ва хусусий инвестициялаш учун барча соҳалар тақдим этилган. Фақатгина ҳаво транспорти ва оммавий ахборот воситалари бундан мустаснодир. Таиландда қулай инвестиция муҳитини яратиш учун иқтисодиётни эркинлаштириш (банк сектори ва ташқи савдо режимига эътибор қаратиш), макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, инвестиция устуворликлари, хусусийлаштириш соҳасида шаффофликни таъминлаш, имтиёзлар ва преференциялар бериш бўйича ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Бу мамлакатда сўнгги йилларда кўрилган чоралар тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш соҳаларини кенгайтириш,

[181] Рустамова Д.Д. Иқтисодиёни эркинлаштириш шароитида хорижий инвестицияларни жалб этишнинг назарий асослари ва устувор йўналишлари: Иқт. фанлари номзоди... дисс. – Т., 2006. – 45-46-б.

инвестициявий тартибларни, солиқ ундириш фактлари ва усулларини, турли рағбатлар ва преференцияларни тақдим этиш жараёнларини соддалаштириш имконини беради. Бу билан бир вақтда хорижий инвесторлар мулкини ҳимоя қилишни кафолатловчи, мамлакатнинг ижобий имиджини яратувчи қонуний меъёрларни такомиллаштириш бўйича ишлар (кўргазмалар ташкил қилиш, инвесторлар ва журналистларни таклиф қилиш, инвесторлар учун махсус нашрлар), миллий кенгашнинг инвестициялар бўйича хорижий офисларининг очилиши, миллий устуворликнинг оммавий муҳокама этилиши ва эълон қилиниши каби ишлар амалга оширилди. Масалан,
2002 йилда кўргазмалар уюштиришда асосий эътибор ҳозирги замон агротехника технологиялари, кийимлар, заргарлик буюмлари, автомобиллар, янги туристик технологияларига қаратилди.[182]

Таиланд мисоли банк секторининг инвестиция сиёсати самарадорлигини оширишдаги муҳим аҳамиятини таъкидлайди. Ҳаттоки, ривожланаётган мамлакатлар шароитида банк сектори бир вақтнинг ўзида аҳоли ва тадбиркорлик соҳаси даромадларининг бир қисмини жалб қилиш, бу билан макроиқтисодий барқарорлик даражасини мустаҳкамлаш ва инвестиция муҳитини яхшилаш, иқтисодий фаол аҳоли қатламларини ва хусусий бизнесни жалб қилиш орқали жамғармаларнинг юқори даражасини таъминлаши мумкин. Турли мамлакатлар (Хитой, Ҳиндистон, Чили) инвестиция сиёсатидаги фарқлар ва ўзига хос хусусиятларга қарамай, бу давлатларнинг инвестиция стратегияси ва механизмларида умумий томонлар мавжуд. Булар қуйидагилардир:

1. Самарали инвестиция сиёсатини ташкил қилишда (айниқса унинг шаклланиши босқичларида) давлатнинг роли юқоридир. Бунда давлатнинг функциялари фақат қулай инвестиция муҳитини шакллантириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, инфратузилма тармоқларини ривожлантириш, зарур меъёрий-ҳуқуқий базани яратиш ва унга риоя қилиш мониторингини

[182] Механизм инвестиций: международный опыт в контексте Узбекистана//Экономическое обозрение.Ташкент, 2007, №7. – С.17.

амалга ошириш билан чекланмайди. Шу билан бирга, эркинлаштириш жараёнларининг чуқурлашиб бориши билан инвестициялаш жараёнларини давлат томонидан тўғридан-тўғри тартибга солиш миқёслари қисқариб боради, билвосита воситалар орқали инвестиция оқимларини рағбатлантириш функциялари эса муҳим аҳамият касб эта бошлайди.[183]

2. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг кириб келишини рағбатлантирувчи қулай ва мустаҳкам инвестиция муҳити. Бунда хусусий секторга катта ҳажмдаги кредитлар ажратилиши (Таиланд, Ҳиндистон), ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда эркин бозор кучлари билан давлат фаол ролининг уйғунлашуви муҳим аҳамият касб этади.

3. Банк сектори ва молия бозорининг барқарор ривожланиши.

4. Инвестиция сиёсатининг тизимлилиги ва бир бутунлиги. Маълумки, инвестиция сиёсати мамлакат иқтисодий ривожланиш стратегиясининг асосий таркибий қисмларидан бири бўлиб ҳисобланади. (масалан, Ҳиндистоннинг янги саноат сиёсати, Таиланднинг саноат сиёсати, Чилининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш сиёсати) ва умуммиллий манфаатларга асосланади.

5. Инвестиция сиёсатига масъул бўлган давлат институтлари фаолияти сифатини ошириш. Бу мустақил экспертларни (таниқли олимлар ва обрўли тадбиркорлар) давлат ресурсларини тақсимловчи бошқарув кенгашлари ва тузилмалар таркибига жалб қилиш орқали амалга оширилади. Мазкур ресурслар у ёки бу инвестиция лойиҳаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш сифатида хусусий инвестицион-инновацион фондларнинг бошланғич капиталини шакллантириш учун тақдим этилган. Бу давлатларда инвестиция имтиёзлари ва преференцияларини бериш ишларининг шаффофлиги муҳим роль ўйнайди.[184]

Хорижий мамлакатлар тажрибасининг кўрсатишича, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишда нафақат инвестицион рағбатлар, балки

[183] Ваҳабов А.В., Разыкова Г.Х., Хажибакиев Ш.Х. Иностранные инвестици и модернизация национальной экономики.- Т.:Молия, 2011. – 297 с.

[184] Хазанович Е.С. Иностранние инвестиции: учебное пособие. 2-е изд., стер. – М.: КНОРУС, 2011. – 312 с.

сармояларни олға юргазиш (investment promouting) стратегияси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Саноати ривожланган ва ривожланаётган 50 та мамлакат тажрибаларига асосланган тадқиқотларнинг далолат беришича, сармояларни олға юргазишга сарфланган ҳар бир доллар миллий иқтисодиётга тўрт долларлик самара бериши мумкин. У ёки бу секторга аниқ йўналтирилган, муайян потенциал инвесторга мўлжаллаб ишлаб чиқилган ва фаол маркетинг стратегиясига эга бўлган инвестициялар энг самарали ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ишмуҳамедов А. Э., Раҳимова М.Р., Ишмуҳамедова Л.А. Минтақавий иқтисодиёт. Дарслик. – Т.: ТДИУ. 2007. –165–166-бб.
2. Ваҳабов А. В., Разыкова Г.Х., Хажибакиев Ш.Х. Иностранные инвестици и модернизация националной экономики.- Т.:Молия, 2011. – 297 с.
3. Хазанович Е. С. Иностранние инвестиции: учебное пособие. 2-е изд., стер. – М.: КНОРУС, 2011. – 312 с.
4. Механизм инвестиций: международный опыт в контексте Узбекистана. // Экономическое обозрение. – Ташкент, 2007, № 7. – С. 17.

МАГИСТРАТУРА ТАЛАБАЛАРИ ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ПЕДАГОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Гулсанам ХАСАНОВА
Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети Хорижий тиллар кафедраси мудири, PhD, доцент

Аннотация. *Замонавий жамиятда ижтимоий-маданий фаолият алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу мақолада магистратура талабалари ижтимоий-маданий фаолиятининг ташкилий-педагогик хусусиятлари муҳокама қилинади. Шунингдек, ижтимоий-маданий фаолият, унинг функциялари, турлари, шакллари асосидаги тамойиллари таҳлил қилинади.*

Калит сўзлар: *ижтимоий-маданий фаолият, ташкилий-педагогик хусусиятлар, қадрият йўналишлари, маданий-маърифий вазифалар, ижодий салоҳият.*

Аннотация. *Социальная и культурная деятельность приобретает в современном обществе особое значение. В данной статье рассматриваются организационно-педагогические особенности социокультурной*

деятельности магистрантов. Также анализируются принципы, в основе которых лежит социокультурная деятельность, ее функции, виды и формы.

Ключевые слова: *социокультурная деятельность, организационно-педагогические особенности, ценностные ориентации, культурно-воспитательные задачи, творческий потенциал.*

Annotation. *Social and cultural activities are of particular importance in modern society. This article examines the organizational and pedagogical features of the sociocultural activities of undergraduates. The principles underlying sociocultural activity, its functions, types and forms are also analyzed.*

Keywords: *sociocultural activities, organizational and pedagogical features, value orientations, cultural and educational tasks, creative potential.*

Ижтимоий-маданий фаолият педагогик жиҳатга эга бўлиб, у шахсни ижтимоийлаштириш ва индивидуаллаштириш жараёнларини тартибга солишдан иборат, яъни ижтимоий тарбия ва ривожланишда бўш вақт фаолияти шаклларида амалга ошириладиган ва қуйидаги маданий-маърифий вазифаларни ҳал қилишга қаратилган[185]:

– инсонни маданият бойликлари билан мақсадли равишда таништириш, унинг қадрият йўналишларини шакллантириш ва маънавий эҳтиёжларини "юксалтириш";

– инсоннинг бўш вақтини ўтказиш соҳасидаги ижтимоий фаоллигини, ташаббускорлигини рағбатлантириш, унинг бўш вақтини яхшилаш, яъни жисмоний ва маънавий саломатликни сақлаш ва ўзини-ўзи такомиллаштириш учун бўш вақтини оқилона, мазмунли ва ранг-баранг ташкил этиш қобилиятини ошириш;

– шахснинг қобилиятларини аниқлаш ва ривожлантириш, унинг ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш ва ижобий ўзини-ўзи тасдиқлаш учун шароит яратиш.

Замонавий ижтимоий-маданий фаолият, унинг функциялари, турлари, шакллари асосига қуйидаги тамойиллар қўйилади[186]:

[185] Кемерова, Т. А. Теория социально-культурной деятельности: учебное пособие. // Министерство науки и высшего образования Российской Федерации, Уральский федеральный университет. – Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 2019. – 103 с.

[186] Мурзина И. Я.Человек креативный и его роль в развитии социокультурного потенциала региона // Модернизация культуры: от человека традиции к креативному субъекту: материалы V Междунар. науч.-

- ижтимоий-маданий фаолиятнинг ҳаёт билан, жамиятни ислоҳ қилишнинг амалий вазифалари билан узвий боғлиқлиги тамойили;
- ижтимоий-маданий фаолиятнинг ихтиёрийлиги ва умумий фойдаланиши тамойили. Ихтиёрийлик - бу ижтимоий-маданий муассасалар томонидан таклиф этилаётган турли хил фаолият турларидан ўз муносабати, хоҳиши ва имкониятларига мувофиқ касбларни эркин танлаш имкониятини англатади. Бу фаолият, унинг мазмуни, биринчи навбатда, шахснинг маънавий ривожланиш даражаси билан белгиланади, у ўз хоҳишига кўра, унинг ривожланиши учун ташкил этилади;
- ташаббусни ривожлантириш тамойили. Инсон эҳтиёжлари пирамидасида (А.Маслоу бўйича) эстетик эҳтиёжлар, тан олиш, ўзини намоён қилиш ва ўзини ўзи амалга ошириш эҳтиёжи метамотивация даражасига киради. Инсон ўзининг ижтимоий роллари доирасини кенгайтиришга, ўзини турли томонлардан шахс сифатида намоён этишга, ўзини турли хил ижодий фазилатларда амалга оширишга хосдир;
- маданий меросни ривожлантиришда узлуксизлик ва изчиллик тамойили. Инсоният маданияти бойлигини ривожлантириш, урф-одатлар ва қадриятларни авлоддан-авлодга етказиш ҳар доим жамият томонидан ёшга боғлиқ имкониятлар ва хусусиятларга мос келадиган таълим, тарбия, маърифат, ижтимоий ва маданий амалиётларга қўшилиш орқали амалга оширилади. Маданий қадриятлар, шахснинг қадрият йўналишлари ижтимоий ва маданий фаолиятнинг турли соҳаларида иштирок этиш орқали шаклланади;
- турли ижтимоий-демографик гуруҳларга табақалаштирилган ёндашув тамойили. Аниқ ижтимоий-демографик гуруҳларни (ёши, жинси, таълим даражаси, касбий фаоллигини ҳисобга олган ҳолда) ўрганиш, уларнинг муайян фаолият турига қизиқишини аниқлаш нафақат ижтимоий-маданий воқеалар мазмунини, балки ижтимоий-маданий ҳодисаларнинг мазмунини

практ. конф. : в 2 ч. // под ред С.В. Соловьевой, В.И. Ионесова, Л. М. Артамоновой. – Самара: Самар. ГИК, 2017. – С. 93.

аниқлаш имконини беради. Дифференциал ёндашув гуруҳ ва индивидуал даражада амалга оширилиши мумкин.

Ижтимоий-маданий фаолият педагогикаси, бир томондан, унинг институционал ташкил этилиши билан, иккинчи томондан, ушбу фаолиятнинг педагогик, биринчи навбатда, тарбиявий хусусияти билан белгиланадиган такрорланадиган тажрибага ва ўз предметига эга.

Ижтимоий-маданий фаолиятда магистрант:

• ижтимоий ва маданий маҳсулотлар, дам олиш дастурлари ва лойиҳаларини, шу жумладан, инновацион дастурларни ишлаб чиқади;

• илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланади, янги услуб ва технологияларни ишлаб чиқади, ижтимоий-маданий фаолият соҳасида тадқиқот ва ташҳис ишларини олиб боради;

• стратегик, иқтисодий ва молиявий, ижтимоий-маданий соҳаларда бошқарувни амалга оширади;

• таълим муассасаларида махсус бадиий-ижодий фанлардан дарс беради.

Магистратура талабаларининг ижтимоий-маданий фаолиятининг ташкилий-педагогик хусусиятлари бир қанча муҳим жиҳатларни ўз ичига олади. Ушбу хусусиятлар талабаларга уларнинг академик таълимини тўлдирадиган ва умумий шахсий ва касбий ривожланишига ҳисса қўшадиган ижтимоий ва маданий тажрибаларда иштирок этиш имкониятини беришга қаратилган. Бу ерда асосий ташкилий-педагогик хусусиятлардан баъзиларини кўрсатиб ўтамиз.

1. *Ижтимоий-маданий тадбирларнинг ўқув режасига интеграллашуви*: ижтимоий-маданий тадбирларнинг ўқув режасининг ажралмас қисми сифатида киритилиши магистратура талабаларининг бундай тадбирларда иштирок этиш учун тизимли имкониятларга эга бўлишини таъминлайди. Ушбу тадбирлар курс ишларига, лойиҳаларга ёки семинарларга киритилиши мумкин, бу талабаларга ўз таълим соҳаси билан боғлиқ ижтимоий ва маданий жиҳатларни ўрганишга имкон беради.

2. *Биргаликда ўрганиш ва ҳамкорлик*: ижтимоий-маданий тадбирлар кўпинча ҳамкорликда ўрганиш ва жамоавий ишларни ўз ичига олади. Магистратура талабалари ўзаро тушуниш, маданиятлараро мулоқот ва турли шароитларда самарали ҳамкорлик қилиш қобилиятини ривожлантирувчи лойиҳалар устида биргаликда ишлашга ёки гуруҳ фаолиятида иштирок этишга даъват этилади.

3. *Тажрибали таълим имкониятлари*: ижтимоий-маданий тадбирлар магистратура талабаларига синфдан ташқарида амалий тажрибалар билан таъминлайди. Бу жойларга саёҳатлар, жойларга ташриф буюриш, маданий чиқишлар, жамоатчилик билан ишлаш ёки ижтимоий тадбирларда иштирок этишни ўз ичига олиши мумкин. Тажрибали таълим ўқувчиларга бевосита иштирок этиш орқали турли маданиятлар, жамиятлар ва ижтимоий муаммоларни чуқурроқ тушунишга ёрдам беради.

4. *Мулоҳаза ва танқидий фикрлаш*: магистратура талабалари ўзларининг ижтимоий ва маданий тажрибалари ҳақида фикр юритишга ва уларнинг оқибатларини танқидий таҳлил қилишга даъват этилади. Бу ўз қарашлари, маданий тахминлари ва дунёқараши ҳақида фикр юритишни, шунингдек, улар фаолият юритадиган ижтимоий ва маданий контекстларни ҳисобга олишни ўз ичига олади. Мулоҳаза ўқувчиларга кенгроқ нуқтаи назарни ривожлантиришга ёрдам беради ва уларнинг танқидий фикрлаш қобилиятини оширади.

5. *Маданиятлараро компетенцияни ривожлантириш*: ижтимоий-маданий тадбирлар магистратура талабаларида маданиятлараро компетенцияни ривожлантиришга кўмаклашишга қаратилган. Маданиятлараро компетенция маданиятлар ўртасида самарали мулоқот қилиш, маданий фарқларни тушуниш, турли муҳитларга мослашиш ва турли нуқтаи назарларга ҳурмат кўрсатиш қобилиятини ўз ичига олади. Маданиятлараро компетенцияни рағбатлантирадиган тадбирларга маданий сингдириш тажрибаси, тил ўрганиш ва маданиятлараро мулоқот киради.

6. *Етакчилик ва ташкилотчилик қобилиятларини ривожлантириш*: ижтимоий-маданий тадбирлар орқали магистрантлар етакчилик ва ташкилотчилик қобилиятларини ривожлантириш имкониятларига эга. Улар тадбир ташкилотчилари, лойиҳа менежерлари ёки жамоа раҳбарлари каби ролларни ўз зиммаларига олишлари мумкин, бу эса, улардан самарали мулоқот, муаммоларни ҳал қилиш, жамоада ишлаш ва ташкилотчилик каби кўникмаларни намойиш этишни талаб қилади.

7. *Баҳолаш ва фикр-мулоҳазалар*: ижтимоий-маданий фаолиятнинг магистратура талабаларининг билим олиши ва умумий ривожланишига таъсирини баҳолаш жуда муҳим. Баҳолаш усуллари фикрлаш қоғозлари, гуруҳ тақдимотлари, портфолиолар ёки иштирокчиларнинг фикр-мулоҳазаларини ўз ичига олиши мумкин. Баҳолаш ўқитувчилар ва дастур координаторларига ушбу тадбирларнинг самарадорлигини баҳолашга ва, керак бўлганда, яхшилашга ёрдам беради[187].

Ушбу ташкилий-педагогик хусусиятларни ижтимоий-маданий фаолиятга киритиш орқали магистратура талабалари академик билимлардан ташқарига чиқадиган ва уларнинг шахсий ўсишига, маданиятлараро компетенциясига ва касбий ҳаётга тайёрлигига ҳисса қўшадиган яхлит таълим тажрибасидан фойдаланишлари мумкин.

Ижтимоий-маданий фаолиятни педагогик фаолиятнинг бир тури сифатида кўриб, шуни аниқ кўрсатиш керакки, у педагогик фаолиятнинг умумий хусусиятларини ва ташкилий хусусиятларга эга бўлган педагогик технологиялар асосида ташкилий ва бошқарув, ахборот ва таълим, дам олиш ва соғломлаштириш, кўнгилочар ва гедонистик, анимация, реабилитация функционал мақсадларига эга шахсни маданият субъекти сифатида тарбиялашнинг ўзига хос хусусиятларини диалектик тарзда бирлаштиради.

Педагогик нуқтаи назардан ижтимоий-маданий фаолиятнинг функционал салоҳияти инсонни бошқа одамлар билан мулоқот қилишдан,

[187] Khasanova G. Essence and Components of The Concept of Organizational and Management Skills of Master's Students. // European Journal of Pedagogical Initiatives and Educational Practices. – 2023. – Т. 1. – №. 2. – С. 217-222.

бирга вақт ўтказишдан ва тадбирлардан қувонч энг яхши қобилият ва истеъдодларда ривожлантиришга, унинг ижодий интилишларини қўллаб-қувватлашга, соғломлаштириш ва дам олишга бўлган эҳтиёжларини қондиришга қаратилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мурзина И. Я. Человек креативный и его роль в развитии социокультурного потенциала региона. // Модернизация культуры: от человека традиции к креативному субъекту: материалы V Междунар. научн.-практ. конф.: в 2 ч. // под ред С. В. Соловьевой, В. И. Ионесова, Л. М. Артамоновой. – Самара: Самар. ГИК, 2017. С. 93.

2. Кемерова, Т. А. Теория социально-культурной деятельности: учебное пособие. // Министерство науки и высшего образования Российской Федерации, Уральский федеральный университет. – Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 2019. – 103 с.

3. Киселева Т. Г. Социально-культурная деятельность: учебник. // М-во образования и науки Рос. Федерации, Моск. гос. ун-т культуры и искусств. – Москва : Моск. гос. ун-т культуры и искусств, 2004. – 539 с.

4. Khasanova G. Essence and Components of The Concept of Organizational and Management Skills of Master's Students. // European Journal of Pedagogical Initiatives and Educational Practices. – 2023. – Т. 1. – №. 2. – С. 217-222.

5. Khasanova G. Scientific Evidence and Their Role in Pedagogical Research. // European Journal of Pedagogical Initiatives and Educational Practices. – 2023. – Т. 1. – №. 2. – С. 59-64.

6. Spencer L.M., Spencer S.M. (1993). Competence at Work: Models for Superior Performance, John Wiley & Sons, Inc.

DEVELOPMENT OF ORGANIZATIONAL-MANAGEMENT COMPETENCIES OF MASTER'S STUDENTS AS AN URGENT PEDAGOGICAL PROBLEM

Gulsanam KHASANOVA
Head of Foreign Languages Department at
Journalism and Mass Communications
University of Uzbekistan,
PhD, Associate Professor

Abstract. *The basis for the training of future specialists is a competency-based approach, the objectives of which in the process of professional training are to increase the competitiveness of graduates, their readiness for interaction with the labor market. The thesis reveals the essence and content of the concept of*

organizational and managerial competence, its structural components, describes ways formation in master's students. It also highlights the cognitive, activity, professional and personal, motivational, communicative and information and communication components of the organizational and management skills of a master's student.

Keywords: *competence, organizational and managerial competence, professional competence, cognitive, activity, communicative, information, communication.*

Аннотация. *В основе подготовки будущих специалистов лежит компетентностный подход, задачами которого в процессе профессиональной подготовки является повышение конкурентоспособности выпускников, их готовности к взаимодействию с рынком труда. В статье раскрывается сущность и содержание понятия организационно-управленческой компетентности, ее структурных компонентов, описываются пути формирования у магистрантов. Также выделяются когнитивный, деятельностный, профессионально-личностный, мотивационный, коммуникативный и информационно-коммуникативный компоненты организационно-управленческих способностей магистранта.*

Ключевые слова: *компетентность, организационно-управленческая компетентность, профессиональная компетентность, познавательный, деятельностный, коммуникативный, информационный, коммуникативный.*

The ongoing super-dynamic changes in modern society impose new requirements on the organization of management, which in turn requires its development and transformation.

Competence in management is manifested in the ability to productively perform professional management functions and is manifested in managerial competence, which is formed from basic (managerial) and special competencies. The main managerial competencies include organizational and managerial competencies that form the basis of organizational and managerial competence

Organizational and managerial activity in scientific research is presented as a problem associated with the formation of organizational and managerial abilities of students and in this aspect is formulated based on understanding it as a complex of general and special abilities necessary to ensure the life of an institution (Sidorovskiy, 2012); it is noted that organizational and managerial activity consists of a complex of activities (cognitive, projective, stimulating, educational), the

specificity of which determines their qualitative certainty, and its content (organizational and managerial activity) comes from the process moments of the designated types of activity: taking into account the terms of the concept organizational and managerial activity researchers put managerial activity in the first place, which includes organizational aspects.

The formation of managerial competencies of a master's student is one of the complex and large-scale problems, while having certain social, organizational and pedagogical features. Such authors as G.P. Kornev, V.A. Slastenin, V.S. Serikova, V.I. Stolbov and others devoted their research to the problem of training managerial personnel, considering it from the point of view of professional pedagogy. Later, O.V. Popova studied the formation of managerial competencies among university students in the process of extracurricular activities, in their studies, N.A. Ran and A.E. Shastina studied the features of the formation and problems of modeling managerial competencies among students of technical specialties. And today this problem is underdeveloped (Ilmushkin, Nechayeva 2009).

In this aspect, management activity is a complex intellectual activity of a person, which requires special knowledge and experience and is one of the most important factors in the functioning and development of an organization in a market economy; at the same time, approaching the professional accents of managerial activity, a type of professional activity is considered, aimed at co-organizing the activities of other people in achieving goals (Karpov, 1999).

R. G. Panteleev defines the organizational and managerial competence of a specialist as an integrative characteristic, which includes a set of acquired knowledge, skills, professionally important qualities that determine his ability and motivational readiness to carry out organizational and managerial activities and manifests itself in the process of self-realization (Panteleev, 2017).

In the structure of the professional competence of a master's student, as one of the key ones, many authors, including us, single out organizational and managerial competence. So S.G. Markovchin and S.A. Kravtsov understand organizational

and managerial competence as "... an individual, integral, dynamically changing, relatively stable characteristic of a person, which is the result of his continuous professional and personal development and manifests itself in an independent and responsible solution of the tasks of ensuring optimal relationships" (Markovchin, Kravtsov, 2020).

Researchers believe that when forming organizational and managerial competence, it is necessary to take into account the fact that "... in order to correspond to this image, an employee needs to understand what characteristics of his activity (results, actions, efforts) are most important. And taking into account this understanding, it is necessary to build activities in accordance with precisely these requirements, so that they are given priority ..."(Spencer, 1993).

As V.A. Belikov notes, denoting the structure of organizational and managerial competencies formed among students, and the structure "...should be clear and logical so that the future specialist, receiving theoretical knowledge at a university, could be able to solve problems based on this knowledge..." (Belikov, 2004).

The organizational and managerial competence of a master's student is understood by us as a systemic psychological and personal characteristic, including the following fundamental components: cognitive, motivational, activity, design-research and personal, designed to provide him with the effective performance of organizational and managerial functions in the course of the implementation of high-tech production technologies (Ilmushkin, Nechayeva, 2018).

In modern conditions of development of innovative technologies, the problem of uninterrupted and reliable control is of particular relevance. First of all, this requires the formation of organizational and managerial competence of undergraduates in the process of their professional training. In turn, the promotion of this competence is ensured by the creation of the necessary pedagogical conditions, which we outlined in the study. This complex of pedagogical conditions represents those conditions, the provision of which leads to the successful promotion of its structural components.

For us, the most preferable analysis of the structure of the organizational and managerial competence of the student in the implementation of master's programs, proposed by E.V. Savenkova (Savenkova, 2018).

This structure includes a certain set of components: motivational-personal (motivational orientation), cognitive (experience recorded in knowledge), operational-activity (skills and possession of methods of activity in standard and non-standard situations) and communicative, allowing, taking into account the existing experience students in solving problems of a certain type of professional activity, to successfully put into practice the knowledge, skills and abilities acquired during the training.

As a result, in the structure of the organizational and managerial competence of a master's student, we have identified cognitive, activity, professional and personal, motivational, communicative and information and communication components (Fig. 1).



Figure 1. The structure of the organizational and managerial competence of a master's student

Thus, the integrity of the organizational and managerial competence of a master's student is made up of cognitive, activity, professional and personal, motivational, communicative and information and communication components.

First of all, the cognitive component identified in the structure of organizational and managerial competence allows, taking into account the experience of organizational and managerial activities of a master's student, to successfully implement in practice the knowledge gained in the learning process in a certain area of professional activity when solving problems of organizational and managerial types.

The activity component includes a certain set of organizational and managerial skills that are professionally important for a master's student and acquired (developed) both in the process of professional activity and in the learning process, allowing them to consciously and independently make informed management decisions.

The professional-personal component includes a set of certain professionally important qualities of a student that influence the qualitative characteristics of his future professional activity. Moreover, the professionally important qualities of a master's student are formed (develop) both in the process of carrying out his professional activities and in the course of professional education.

Since one of the distinguishing features of the professional activity of a student of a master's degree in management is its indispensable connection with the implementation of organizational and managerial activities, in this regard, the structure of his professionally important qualities should provide the ability to manage subordinate units, as well as make informed management decisions in any situation (Shumilin, 2020).

An analysis of scientific research conducted in this area made it possible to identify a certain set of psychological and physiological professionally important qualities of a undergraduate student, necessary for the implementation of his organizational and managerial activities.

These, in our opinion, include: purposefulness, determination, team leadership, sociability, non-standard thinking, the ability to make informed decisions in non-standard situations, taking into account the limited time resource, as well as in the presence of incomplete (inaccurate) information, the ability to

self-reflection, the ability to act in conditions of significant physical and mental stress, etc.

Based on the foregoing, we note that the process of professional training of a master's student at a university is a targeted training in theoretical aspects, the formation of professional knowledge, skills, and their development, consolidation through practice-oriented classes that enrich the student with personal experience.

The specificity of the master's program is that the student receives a deep theoretical training, acquires professional competence of a higher level. This program includes in-depth educational and research components, conducting research and scientific-pedagogical practices and writing a dissertation. A large number of hours are given to the master for independent work, which is extremely relevant on the way to becoming a master in his professional activity.

Thus, we note that university education should be based on motivating students to be true subjects of the educational process, since only personal work will allow a student to turn into a competitive, highly qualified specialist.

References

1. Беликов В.А. (2004). Философия образования личности: деятельностный аспект: монография. – М.: Владос, – С. 357.
2. Гончаров В. В. (2001). В поисках совершенства управления [Текст] / В. В. Гончаров. – М.: МНИИПУ,. – 158 с.
3. Ильмушкин Г. М., Нечаева Н. Ю. (2018). Педагогические условия формирования организационно-управленческой компетентности будущих специалистов атомной отрасли. // Современные наукоёмкие технологии. № 12. - С. 193–198.
4. Ильмушкин Г. М., Нечаева Н. Ю. (2019). КРИТЕРИИ И УРОВНИ СФОРМИРОВАННОСТИ ОРГАНИЗАЦИОННО-УПРАВЛЕНЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ БУДУЩИХ СПЕЦИАЛИСТОВ АТОМНОЙ ОТРАСЛИ // Современные наукоемкие технологии.. – № 3-1. – С. 100-106.
5. Климова Т. Е. (2001). Развитие научно-исследовательской культуры учителя. // Автореф. дис. д-ра пед. наук. Оренбург, 2 – С. 35.
6. Марковчин С. Г., Кравцов С. А. (2020). Проблемы управленческой деятельности офицера и формирование организационно-управленческой компетентности в военном вузе. // ЦИТИСЭ. № 4 (26). – С. 321–333.

7. Савенкова Е. В. (2018). Развитие организационно-управленческой компетентности менеджеров образования при реализации магистерских программ: дис. …канд. пед. наук: 13.00.08. – Москва. – С. 212.

8. Сидоровский К. Ю. (2012). Формирование организационно-управленческих способностей у будущих менеджеров социально-культурной деятельности: Дис. ... канд. пед. Наук. – М. – С. 173

9. Шумилин В. С. (2020). Особенности формирования профессиональной компетентности слушателя магистратуры военного вуза в соответствии с требованиями Федеральных государственных образовательных стандартов нового поколения. // Ежеквартальный научно-аналитический журнал "Вестник военной академии материально-технического обеспечения имени генерала армии А.В. Хрулева". – Санкт-Петербург. № 3(23). – С. 28–34

10. Щедровицкий Г. П. (2003.) Методология и философия оргуправленческой деятельности. – М. – С. 234.

11. Khasanova G. (2023). Essence and Components of The Concept of Organizational and Management Skills of Master's Students. *European Journal of Pedagogical Initiatives and Educational Practices*, *1*(2), Pp. 217-222.

12. Khasanova G. (2023). Problem-based learning technology. *Journal of Pedagogical Inventions and Practices*, *19*, Pp. 137-139.

13. Panteleev R. G. (2017). Organizational and managerial competence of the future military specialist in the field of telecommunications / R.G. Panteleev, A.I. Kozachok // Scientific notes of the Orel State University. Orel: FSBEI VO "OSU named after I.S. Turgenev ",No. 4 (77). Pp. 229–233.

14. Spencer L. M., Spencer S. M. (1993). Competence at Work: Models for Superior Performance, John Wiley & Sons, Inc.

Rasmiy nashr

***

“Medialingvistika, lingvodidaktika va madaniyatlararo kommunikatsiya: nazariya va amaliyot”

mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari

***

Materiallar orasida sohaning taniqli olimlari bilan birga yosh tadqiqotchi (tayanch doktorant, mustaqil izlanuvchi va magistrant-talaba)larning yozmalari ham o‘rin olgan. Maqolalardagi faktlarni keltirish, uslubiy yondashuv va tahlillarni taqdim etish saviyasiga mualliflarning o‘zlari mas'uldirlar.